

ага 3

**М.Акбарова
Д.Мухиддинова**

ЗАМОНАВИЙ СУРИЯ АДАБИЁТИ

Тошкент - 2009

892.7

A-40

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ**

**АКБАРОВА М.Ҳ.
МУҲИДИНОВА Д.З.**

**ЗАМОНАВИЙ СУРИЯ
АДАБИЁТИ**

**5A120101 – Адабиётшунослик
мутахассислиги бўйича ўқув қўлланма**

Ушбу ўқув қўлланма араб адабиёти тарихи фани бўйича Давлат таълим стандарти асосида ишлаб чиқилган намунавий дастурга кўра ёзилган. У янги давр араб адабиёти тарихи учун муҳим бўлган замонавий Сурия адабиётини ривожланиш босқичларини ўзида акс эттириб, аввало маърифатпарварлик даври, сўнг романтизм, реализм ва модернизм босқичларини ва мослашиш жараёнини, Сурия адабиётида жанрлар тараққиётини ўз ичига қамраб олган. Ўқув-услубий қўлланма магистратура таълим йўналиши (“Адабиётшунослик”) да таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Муҳибова У. У. Тошкент давлат шарқшунослик институти “Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти” кафедраси доценти, фил.ф.н.

Тақризчилар:

Ходжаева Р.У. – Тошкент давлат шарқшунослик институти “Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти” кафедраси профессори, фил.ф.д.

Алимбеков А. – Ўзбекистон миллий университети доценти, фил.ф.н.

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент давлат шарқшунослик институти Ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия қилинган (11 июнь 2009 йилдаги 4- сонли баённома)

©Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2009.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
СУРИЯ АДАБИЁТИДА «АН-НАХДА» ҲАРАКАТИ	7
ЯНГИ ЗАМОН СУРИЯ АДАБИЁТИДА БАДИИЙ НАСРНАВИСЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ	10
СУРИЯ АДАБИЁТИДА ҲИКОЯНАВИСЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ	23
СУРИЯ-АМЕРИКА АДАБИЙ МАКТАБИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ (1910-1935).....	32
СУРИЯ ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ	61
XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА СУРИЯ АДАБИЁТИ..	76
ЖЎРЖ САЛИМ ҲИКОЯЛАРИДА	85
ИЖТИМОИЙ МАВЗУ ВА НЕОРЕАЛИЗМ	85
ЗАКАРИЯ ТАМЕР ИЖОДИ СУРИЯ АДАБИЙ ЖАРАЁНИДА	90
ҒАДА АС-САММАН ИЖОДИДА СУРИЯ НАСРНАВИСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ	102
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАРИ.....	108
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	108
ГЛОССАРИЙ	110

КИРИШ

Янги давр араб адабиёти жуда кенг миқёсли адабиёт ҳисобланади. Илк халифалик даврларидан то XIX асргача умумараб, умуммусулмон адабиёти ҳисобланган араб адабиёти XIX асрнинг охирлари XX асрнинг бошларига келиб алоҳида-алоҳида ривожлана бошлади. Янги даврга келиб Миср, Сурия, Ироқ, Ливан, Жазоир, Тунис, Марокаш, Фаластин, Кувайт, Баҳрайн ва бошқа араб давлатларининг миллий, ўзига хос адабиёти шакллана бошлади.

Араб давлатлари адабиётининг бир-бирига ўхшаш томонлари билан бир қаторда ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳар бир араб давлатининг адабиёти алоҳида курс сифатида ўрганишга лойиқдир, шу жумладан, замонавий Сурия адабиёти ҳам. Замонавий Сурия адабиёти янги давр араб адабиёти тараққиётининг асосий таянчи, асосий негизларидан ҳисобланади. Замонавий Сурия адабиёти ривожланишининг умумий йўналишини кузатадиган бўлсак, унда турли тарихий даврларда доимий равишда миллий асосларга интилишни, мамлакат ва унинг муаммоларга эътибор кучлилигини сезиш мумкин. Сурияда бадиий адабиёт XX аср бошларида араб мамлакатларида юз берган миллий уйғонишдан кўз юма олмаган. Ҳаётнинг ўзи ўша давр долзарб муаммоларини адабиётда ифода этишни талаб қилди. Б. Ал-Бўстоний, С. Ал-Бўстоний, Н. Ал-Язижий, Ф. Антун, Ж. Зайдон каби маърифатпарвар адиблар томонидан ҳикоя, роман каби янги жанрлари шаклланди. Мазкур адибларнинг катта хизматлари туфайли тарихий роман жанри ривожланди.

Янги давр Сурия адабиётида ҳикоя жанри ўзининг хажм жиҳатдан қисқалиги жиҳатдан матуботда чоп этиш жиҳатдан устунлик қилди. Янги давр Сурия ҳикоянавислиги дастлаб маърифатпарварлик йўналишида ривожланди.

XX асрнинг бошларида Сурия ҳикоянавислигида маърифий реализм маърифатпарвар ёзувчиларнинг ижоди орқали ривожланди. Френсис Марраш, Али Халқий, Фуад аш-Шаиб каби ёзувчилар асарларида илми, маърифатни тарғиб қилиш орқали жаҳолатга, қолоқликка қарши кураш олиб бордилар. Сурия-Америка макатаби вакиллари (Ж. Ҳалил Жуброн, Амин ар-

Райҳоний, М. Нуайме) ижодида ҳам маърифатпарварлик ғоялари илгари сурилди.

Янги давр Сурия адабиётида ҳикоя жанри Уюшма ёзувчиларининг ижодида юқори даражада шаклланди. Уюшманинг вакиллари (Ҳ.Кайалий, Ш.Бағдодий, В.Саккокий ва б.) ҳикояларида оддий халқ ҳаётини акс эттириш орқали жамиятнинг долзарб ижтимоий, ахлоқий, маиший муаммоларини, жамиятдаги нуқсонларни ёрқин акс эттирдилар. Ёзувчилар ўз асарлари орқали қаҳрамонларига, уларнинг аянчли аҳволига ҳамдард бўлдилар. Бу гуруҳ ёзувчиларнинг фикрича, барча иқтисодий-маънавий муаммоларни инсонни маърифатга, маданиятга, комилликка эришиши, эволюцион йўл билан ҳал қилиш мумкин. Баъзи ушма вакиллари (В.Бунний, М.Кайалий, С.Хавраний ва б.) ижодида ҳам танқидий реализмга мойил ёзувчиларнинг ижоди каби жамиятдаги нуқсонларни (ижтимоий адолатсизлик, тенгсизлик ва б.) танқид қилиш кучли бўлган.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Сурия адабиётида (бошқа араб мамлакатларидаги сингари) анъанавий реалистик метод бир томондан ўзининг табиий ривожланиши, иккинчи томондан Жаҳон адабиётининг замонавий адабий услубларининг таъсири натижасида кейинги ривожига «неореализм» томон қадам босди. Замонавий Сурия ҳикоянавислигидаги янгиланиш жараёнларига ички (мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий вазият, араб халқининг бой адабий мероси) ва ташқи (Ғарб адабиётидаги замонавий йўналиш ва оқимларнинг таъсири) омиллар сабаб бўлди.

Бу босқичда Ж.Салим, Ғ. Ас-Самман, З.Тамер, В.Ихлосий, М.Сафади каби ёзувчилар экзистенциализм фалсафасининг инсон ўзлиги, унинг борлиги, ҳаёт моҳияти каби масалаларини фалсафий мушоҳада асосида баён этдилар. Ҳикоянависликдаги мазмуний янгиланишлар ўз навбатида ёзувчилардан мазмунга мос равишда янги бадий тасвир техникасини, яъни модернист ёзувчилар яратган адабий технологиядан – «онг оқими», рамзлар, сюрреалистик тасвир каби бадий воситаларни қўллашга ундади. Баёнчиликда мажозийлик, рамзийлик, фантастик унсурлар кучайди ва шу билан бирга янги услубдаги ҳикояларда араб халқининг, Сурия халқининг ўзига хослиги, руҳий дунёси,

маънавияти, маданияти, чуқур мушоҳадага мойиллик, адабий меросларга содиқлик акс этади.

СУРИЯ АДАБИЁТИДА «АН-НАҲДА» ҲАРАКАТИ

Дарсинг мақсади: магистрантларни Сурия адабиётидаги «Ан-Наҳда» ҳаракати билан таништириш.

Режа:

1. Сурияда маърифатпарварлик ҳаракати.
2. Суриядаги илк маърифатпарварлар ижоди.
3. Сурия адабиётида публицистиканинг тараққиёти

Таянч иборалар: “Ан-Наҳда”, маърифатпарварлик, миллий уйғониш, маориф.

Араб адабиётида XIX асрда миллий уйғониш (ан-Наҳда) жараёни юзага келди. Бу давр феодал муносабатларнинг таназзули, миллий - озодлик ҳаракати ва маънавий ҳаётдаги жиддий силжишлар замони сифатида маълум XIX асрнинг охириги ўн йиллигида Сурияга хорижий капитал кўплаб кириб кела бошлади.

Суриянинг капиталистик бозор муносабатларига тортилиши, янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши, Сурия халқининг турклар ва хорижий капитал ҳукмронлигига қарши кураши мамлакатдан қутилишига олиб келди.

Сурия маърифатпарварлари кенг халқ оммасини маърифатли қилишни асосий мақсад қилиб олдилар, ватанларининг ижтимоий, маданий ривожланиши омилини шунда кўрдилар. "Араб миллий буржуазиясининг шаклланиши ва миллий ўзини англашнинг ўсишни қамраб оладиган бу давр Сурия ва Миср учун, таъбир жойиз бўлса, фикрлашга қобил ақл бутун мавжудот учун ягона ўлчов бўлиб хизмат қиладиган маърифатпарварлик даври вазифасини ўтади.¹

Араб маърифатпарварлиги ва маорифини ривожлантиришга Бутрус ал-Бустани (1819-1883) катта ҳисса қўшди. У мактаб очиб ёшларда ўз маданиятига қизиқиш ҳиссини уйғотди, араб тилининг изоҳли луғатини тузди, энциклопедия яратди. Грамматика, риторика, поэтика бўйича қатор қўлланмалар тузган Насиф ал-Йазижи (1800-1871) ҳам худди шундай мавқега эга.

¹ Долиннича А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени. М.:1968.С.40.

Инглиз, рус миссионерлари томонидан очилган мактаблар ҳам Сурия маданий ҳаётида ижобий рол ўйнади.

Бу даврда публицистика анча ривожланиб, XIX аср араб адабиётининг мустақил жанрига айланди. Суриянинг бир қатор кўзга кўринган маърифатпарвари - Адиб Исҳоқ, Абдурахмон ал-Кавокибий, Муҳаммад Курд Али, Абдуллоҳ Марриш фаолияти матбуот билан боғлиқ ҳолда кечган.

Сурия матбуоти бошқа араб мамлакатлари каби миллий ўзликни англашни уйғотиб, Шаркнинг Ғарб билан бўлган алоқаларига ижобий таъсир кўрсатди. Демократик рўзнома саҳифаларида ўқувчига тушунарли тилда баён этилган долзарб муаммолар акс этди, ҳамда ташқи истилога, диний айирмачиликка қарши чақириқлар баён этилди.

Француз маърифатпарварлари, жумладан Руссо ғоялари Франсис Маррашга (183601875) таъсир кўрсатди. У адолат, эрк, ақл ғалабасига ишонар, ватандошларини фикрий янгиланиш, тафаккурни ўтмиш сарқитларидан озод қилишга чақирар эди.

Ф. Маррашнинг қарашларини унинг синглиси Суриялик аёллардан чиққан биринчи публицист Марена Марраш ҳам қўллаб-қувватлар эди. Унинг мақолалари Халил Саркиснинг "Лисан ал-Ҳол" газетаси ва Бутрус ал- Бустонийнинг "ал-Жанон" журналида чиқиб турар эди. Унинг мақолаларда мусулмон оилаларида ҳукм сурган эски урф-одатлар танқид остига олинарди. У ватандош аёлларни оилада ва жамиятда эркин бўлишга даъват этарди.

Мана шу даврдаги Суриянинг антифеодал курашининг энг кўзга кўринган идеологи Абдурахмон ал - Кавокибий эди. Унинг "Шаҳарлар онаси" ва "Истибдод табиати" асарларида феодал тузум сарқитларидан холи янги жамият қуришга даъват қилинади. Ал - Кавокибий биринчилардан бўлиб араблар бирлиги ғоясини кўтариб чиқди. У жамиятни янгилаш учун ислоҳатлар билан биргаликда инқилобий йўлни ҳам инкор қилмас эди.

Саволлар:

1. Янги давр Сурия адабиётида нечанчи асрда миллий уйғониш (ан-Наҳда) жараёни юзага келди.?

2. Қайси адиб мактаб очиб ёшларда ўз маданиятига қизиқиш ҳиссини уйғотди, араб тилининг изоҳли луғатини тузди, энциклопедия яратди.?

3. Суриялик аёллардан чиққан биринчи публицист ким эди?

4. "Шаҳарлар онаси" ва "Истибодод табиати" асарларнинг муаллифи ким эди?

Мустақил таълим учун топшириқ:

Суриянинг илк маърифатпарварлар ижодидан намуналар таржима қилиб келиш.

Адабиётлар:

1. Акбарова М. Х. Очерки истории арабской литературы нового времени. Т., 2001.

2. Акбарова М. Х. Сирийский рассказ. Т., 1975.

3. Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени. М.:1968.

Қўшимча адабиётлар:

4. Ходжаева Р.У. Янги араб адабиёти тарихи. Т.: 2004.

5. Крачковский И. Ю. Изб. Соч. Т.3. М.-Л. 1956.

6. Крымский А.Е. История новой арабской литературы. XIX начала XX века. Главная редакция восточной литературы.- М,1971.

ЯНГИ ЗАМОН СУРИЯ АДАБИЁТИДА БАДИИЙ НАСРНАВИСЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ СУРИЯ АДАБИЁТИДА РОМАН ЖАНРИ ТАРАҚҚИЁТИ

Дарсинг мақсади: магистрантларни янги замон Сурия адабиётида бадий насрнависликнинг вужудга келиши, Сурия адабиётида роман жанри тараққиёти билан таништириш

Режа:

1. Салим ал-Бўстони ижодида ҳикоя ва роман жанри.
2. Жамил ал-Мудаввар ижодида роман жанри.
3. Журжи Зайдоннинг тарихий романлари.
4. Фарах Антуннинг фалсафий қарашлари.

Таянч иборалар: ҳикоя, роман, фалсафий қарашлар, тарихий роман, жанр.

Салим ал-Бўстони (1848-1884) 1848 йилда Ливаннинг Абиҳ қадимги қишлоғида суриялик машҳур маърифатпарвар Бутрус ал-Бўстони оиласида дунёга келган. Салим ал-Бўстони отаси изидан кетиб бутун умрини маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилишга, Сурия халқини дунёқарашини кенгайтиришга, ўз халқининг ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилган.

Салим ал-Бўстонинг адабий мероси жуда буюқдир. У ўзидан кейин энциклопедик, илмий-оммабоп мақолалардан ташқари кўплаб шеърлар, таржималар, ва тугалланмаган турк тили луғати қолдирган. Шунингдек унинг қаламига икки пьеса – «ал-Искандар» ва «Қайс ва Лайло» номли пьесалар бўлиб, улар бир неча бор Сурия илмий жамияти саҳнасида қўйилган. Учта тарихий романлар «Зенобия» (1871), «Будур» (1872) ва «Сурияга фатҳ юриши давридаги муҳаббат» (1874) ва олти замонавий ижтимоий мавзуларга бағишланган романлар «Сурия боғларидаги муҳаббат» (1870), «Асма» (1873), «Ҳозирги замон кизи» (1875), «Фатина» (1877), «Селма» (1878-1879), «Самийа» (1882-1884) ва кўплаб ҳикоялар тегишлидир.

Салим ал-Бўстони хикоялари

С. ал-Бўстониинг ижодининг барча қисми маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган. «С. ал-Бўстони

образ яратишда реал ҳаётдан қадам ташламади, ёзувчи ҳикояларининг сюжетида бирон бир ёки кимнингдир маънавиятига оид тезиснинг очикдан очик суратини кузатиш мумкин, ҳамда унинг ҳикоялари албатта насиҳатомуз мисоллардан иборат бўлган. Ҳикоя қаҳрамонларининг тасвири тирик инсон характери каби акс этмаган. Унинг ҳикоялари дидактик адабиётнинг намуналаридир, уларни замонавий мавзудаги масаллар деб ҳам аташ мумкин»¹. Унинг ҳар бир ҳикояси асосий ғоя бўлмиш маърифатга маънавиятга чақирувчи насиҳатомуз ҳикматли гаплар билан тугаган.

Ал-Бўстонийнинг 5 та ҳикояси бизга маълум бўлиб, улардан 4 таси оила мавзусига 1 таси эса тарихий мавзуга бағишлангандир. Унинг ҳикояларининг кўпчилиги европа тилларига таржима қилинган. Ал-Бўстонийнинг оилавий мавзу қалам тебратишига шундай изоҳ берадики, жамиятни ривожлантириш, унинг савиясини, дунёқарашини кенгайтириш ва жамият ҳаётини яхшилаш учун жамитнинг энг кичик бўлагидан, яъни оиладан бошлаш керак, оила таълим-тарбия беришда алоҳида аҳамият касб этади. Ёзувчининг «Нажиб ва Латифа» ҳикоясида таълим-тарбия масаласи кўтарилган бўлиб, ёвуз ва нодон рафиқа ва унинг одобли турмуш ўртоғи ҳақида ҳикоя қилинади. Нажим бор кучини бериб рафиқаси Латифанинг камчиликларини тўғрилашга ҳаракат қилади ва никоят уни янги келинчакка айлантиради. Латифа ўз онасининг нусхаси бўлиб, унга мана шу онаси таълим берган. Шунинг учун Латифа мана шундай одобсиз, тарбиясиз қиз бўлиб усган.

Ёзувчи бу ҳикояда тўғри тарбия бериш масаласини илгари суради. Бу масала ўша даврда араб Шарқи учун янги мавзу ҳисобланган. Ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни маънавияти юксак, дунёқарашини кенг қилиб тарбиялаш, оилапарвар, инсонларвар қилиб тарбиялаш ўша давр талаби бўлган. Оила материал ҳисобига турмуш қуриш эмас, балки бир-бирига ҳар томонлама мос келиши ва муқаббат билан оила қриши керак.

Мана шу ҳикматли гаплар ал-Бўстонийнинг ҳикояларида насиҳатомуз мисоллар билан берилган. «Ғаним ва Амина» ҳикояси қаҳрамони Нажибга ўхшаб ҳаракат қилмайди, балки у

¹ Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени Египет и Сирия. Просветительский роман. 1870-1914 гг. М.: Наука, 1973. с. 40-41.

бойлик туфайли тентак, нодон Аминага уйланади. «Стрелкасиз ўк узиш» ҳикоясида бой савдогар Хўжа Иброҳим оиласига рисоласидек муносабатда бўлмайди, лекин қилган хатоси билан ўзининг оиладаги мажбуриятларини, муносабатини тушуниб етади.

Ёзувчининг яна бир ҳикояси «Фариданинг тўйи» ҳикоясида яқинлар ўртасидаги муносабат ҳикоя қилинади. Ёш савдогар Фарид тўйида бор маблағини сарф қилади, ҳато у келажакда ўзини ўнглашга ҳам маблағи етмай қолади ва натижада олган қарзларини тўлай олмай қамокка тушади. Қамокдан чиққан Фарид ўз аёли ва болалари билан умрининг охиригача афсуснадоматда, ночорликда ўтади, ҳато у ҳеч қандай касб-хунарга ҳам эга эмас эди. Мазкур ҳикоя ҳам ёзувчининг ҳикматли гапи билан, яъни «қиссадан ҳисса чиқариш» билан яқунланади.

Ал-Бўстонийнинг «Хазир ва Лайло» ҳикоясида воқеа жоҳилия даврида, Басуса туяидан уруш вақтида рўй беради. Бу ҳикояда ёзувчи инсонларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари, бу ерда нафақат оилага, қавму-қариндошга, балки душманга ҳам самимий муносабатда бўлиш ҳикоя этилади. Ҳикоя қаҳрамони Лайло ўз қабиласига душман бўлган қабиланинг вакиллари урушда яралангач уларни ўлдириб юборишмоқчи бўлганида ўз қавмига қарши чиқиб яраланган, ночор, ҳимоясиз кишиларга инсопарварлик ёрдамини кўрсатади. У тағлиб қабиласидан бўлган Хазир исмли йигитни куқариб қолишга муваффақ бўлади. Натижада уларнинг ўртасида муҳаббат пайдо бўлиб, улар бахтли оила қуришади.

Ал-Бўстоний ҳикояларининг стили содда, дидактик муаммомларга бағишланган. Замонавий танқидчи Муҳаммад Юсуф Нажмининг фикрича, «Бу услуб доклад стили бўлиб, у энгил, содда ва безаксидир».

Ал-Бўстонийнинг араб ҳикоянавислигининг ривожланишига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Унинг ҳикоялари араб адабиётидаги сюжетли асарларнинг яратишга биринчи ҳаракат ҳисобланади.

САЛИМ АЛ-БЎСТОНИЙНИНГ ИЖТИМОЙ РОМАНЛАРИ.

С. ал-Бўстоний жамиятнинг тўғрилаш йўлидаги таълим – тарбия ва урф-одатларни тўғрилаш масаласини ўзининг ижтимоий романларида ҳам давом эттирган. С. ал-Бўстоний ўз

романларида замонавий мавзуга шундай изоҳ беради: «Ўз романларимизда халқмизнинг камчиликларини кўрсатиш зарур, уларга биз ҳикоя қилаётган инсонлар образлари орқали нима яхши-ю, нима ёмонлигини кўрсатиш заруратдир».²

Ал-Бўстоний доимий равишда ўз романларида жамиятнинг ахлоқий-маънавий масалаларни, эркинлик, тенглик ва адолат мавзусини тараннум этган. Ал-Бўстоний ҳар доим ўз қаҳромонларининг тилидан ёки муаллиф баёнидан юқори қатлам вакиллари ва қуйи қатлам вакиллари ўртасидаги тенгсизлик муаммосини, қонун олдида бой ва қабағалнинг тенглиги масаласини баён этган. Бу ғоялар унинг «Фатина» ва «Селма» романларида мана шу тенглик, адлат ва инсонпарварлик ғоялари баён этилган.

Ёзувчи «Селма» романида турк амалдорларининг Сурия қишлоғларидаги зуғумларини акс эттриб, адолат, тенглик, инсонпарварлик устунларини бузулганини кўрсатади ва натижада ҳикояда бош қаҳрамони ҳалок бўлади. С. ал-Бўстонийнинг қишлоқ ҳаётига бағишланган бу романи бахтсизлик билан қунланган.

Ал-Бўстоний воқеликни ва ижтимоий муаммоларни чуқур фалсафий мулоҳаза қилишга ҳаракат қилмайди, ёзувчини айнан инсоннинг ахлоқ нормалари, уларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган муносабатлари, эски урф-одатларни янги замон қадриятлари билан тўқнашуви қизиқтиради.

Ал-Бўстоний фикрича, Ғарбдан эркинлик, тенглик, маърифат, аёлларга ҳурмат каби ғояларни олиш зарурлигини таъкидлайди. Шунингдек у Ғарбнинг салбий томонларини ҳам кўрсатиб ўтади. Маданий ўзаро алоқалар ва янги урф-одат ва анъаналарни шакллантириш муаммоси ал-Бўстонийнинг романларида асосий масаласи ҳисобланади. Мана шу муаммоларга узвий боғлиқ бўлган тарлим-тарбия муаммоси, ҳикояларидаги муҳаббат ва никоҳ масалалари ҳам унинг асарларида асосий ўринни эгаллайди. Бу мавзу унинг барча ижтимоий романларининг асосий устуни ҳисобланади. Ал-Бўстоний ҳисоб-китоб орқали оила қуришга, ота-онанинг турмуш қуришга аралашшига қарши

² Долинина А. А. Очерки истории арабской литературы нового времени Египет и Сирия. Просветительский роман. 1870-1914 гг. М.: Наука, 1973. с. 43.

чиққан ҳолда, муҳаббат орқали, йигит-қизлар бир-бирларини яхши билган ҳолда, ички дунёқарашлари мос келган ҳолда оила қуришни илгари суради.

Унинг романларининг воқеаси деярли барчаси христиан оиласида рўй беради. Оилавий-муҳаббат мавзуси ал-Бўстонийнинг барча романларида биринчи ўринда туради. Чунки адиб жамиятни тарбиялашнинг энг биринчи омилини мана шунда кўради. Ёзувчи ўз романларни омма томонидан яхши ўқилишини ва қизиқишини хоҳлайди. Романларининг сюжети фойдали, ҳикматли ўғитлар билан суғорилган.

С. ал-Бўстонийнинг «Сурия боғларидаги муҳаббат», «Асма», «Бугунги замон қизи» ва «Фатина» романларининг сюжети авантюра романи қурилишига хос равишда яратилган. Лекин бу романларда қаҳрамонларнинг саргузаштлари билан уларнинг маънавиятига, дунёқарашига, ахлоқ-одобига оид, урф-одатлар, анъаналарга оид масалалар баён этилган.

Ал-Бўстонийнинг иккита романи «Самийа» «Салма» романларнинг сюжети табиий равишда чиққан. Бу романларда қаҳрамонларнинг ишқий муносабатлари ҳикоя этилган. «Салма» да воқеа амалдорлар орасида эмас, деҳқонлар орасида рўй беради. Ва бу орқали ёзувчи деҳқонлар ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни кўрсатади.

Шунингдек С. ал-Бўстонийнинг тарихий романлари ҳам мавжуд.

ЖАМИЛ АЛ-МУДАВВАР (1862-1902)

Жамил ал-Мудаввар Байрутда дунёга келган. Унинг отаси Нахл ал-Мудаввар Насиф ал-Язжийнинг дўсти ва ҳамкори бўлган. Ал-Мудаввар ўз ватанида ал-Бўстонийлар асос солган «ал-Жинан» журналида маърифатпарварлар билан ҳамкорлик қилган. Ал-Мудаввар ҳам бошқа суриялик маърифатпарварлар қаторида Мирсда фаолият кўрсатган.

Жамил ал-Мудавварнинг Ассирио-Ваволония тарихига оид тарихий илмий асари Шатобрианнинг романтик повести «Атала» нинг таржимаси ва халифа Харун ар-Рашид давридаги «Боғдоддаги мусулмон цивилизацияси» (1888) номли тарихий романи мавжуд.

Ал-Мудавварнинг «Боғдоддаги мусулмон цивилизацияси» романи ўқувчилар томонидан катта қизиқиш уйғотган, ҳатто

мусулмон олимлари томонидан танқидга учраган. Ал-Мудаввар ўзининг христианлигидан ва «мумкин бўлмаган худудган» кирганидан узор сўраб романини иккинчи бор қайта нашрдан чиқарган.

Ж. ал-Мудаввар 1907 йилда Қоҳирада оламдан ўтган.

Ж. ал-Мудавварнинг мазкур романи Мисрда инглиз мустамлакасида кейин миллий озодлик ва маърифатпарварлик ҳаракати даврида юзага келди. Ал-Мудаввар ҳам барча маърифатпарварлар каби араб халқининг ўзлигини англаши, мустақиллик учун кураши, маърифатли бўлиши учун араблар тарихининг энг гуллаб яшнаган даврини ўз асарида тасвирлаган.

«Боғдоддаги мусулмон цивилизацияси» романи бош қаҳрамон томонидан ёзилган 10 та хатдан иборат.

Асар бош қаҳрамони яхши оиладан чиққан хуросонлик форс 773 йилда Боғдодга отасининг дўсти машҳур қози Абу Юсуф бошчилигидаги ҳуқуқ-тарғибот ишига лавозимга боради. Бу ерда асар қаҳрамони пойтахтининг барча диққатга сазовор жойларини томоша қилади, ўша даврнинг машҳуру, таниқли кишилари билан танишади. Асар қаҳрамони Боғдоддаги барча таассуротларини Хуросонда қолган дўстига хатлар орқали ёзиб юборади.

Асар бош қаҳрамони ўзининг юридик соҳасидаги ютуқлари туфайли халифа ал-Маҳдининг фарзандаларига, яъни Мусо ва Харунга таълим беришга чақирилади ва уларга таълим беради. Қаҳрамон халифа ал-Маҳди назарига тушиб давлат ишларида ҳам қатнаша бошлайди. Халифа уни Хуросонга Муқанна бошчилигидаги қўзғолонни бостириш юборади. Ва қаҳрамон Боғдодга Харун ар-Рашид халифалиги даврида қайтиб келади ва унинг маслаҳатчисига айланади. 802 йилда Харун ар-Рашид уни франклар давлатига Карл Буюкнинг хузурига Испаниядаги уммавийлар халифалигини тугатиш учун ёрдам бериши сўраб юборади. Қаҳрамон сафари мобайнида Куфа, Дамашк, Байрут, Марсел, Рим, Тунис, Мисрни тасвирини баён этади. Асар қаҳрамони сафаридан қайтиши чоғида Маккада ҳаж зиёратига келган халифа билан учрашади ва Бармакийларнинг қулашини, Жаъфарни ўлдирилишини гувоҳи бўлади. Лекин асар қаҳрамонининг ҳимоячиси Жаъфарнинг ўлимни эшитган сўнг ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида Хуросонга қайтади.

«Бу асар романга ўхшамайди, яъни ҳеч қандай сюжетга эга эмас, характерлар йўқ, ҳатто асарнинг номи ҳам романга хосликка эга ҳам эмас. Асарни тарихий бадиий асар деб бўлмайди. Муаллиф асарда тарихий воқеаларни систематик тарзда жойлаштирган, халифалик даврида Боғдоддаги умумий ҳолат, шаҳарларнинг ва маданий ҳаётнинг тасвири берилган. И.Ю. Крачковскийнинг таъкидлашича Жамил ал-Мудаввар асарини «Хижрий 2-асрнинг давлат кишисининг хатлари» деб номласа тўғрироқ бўлар эди, деб таъкидлаган эди»³.

Ал-Мудаввар мазкур асарида ўрта асрлардаги мусулмон оламини идеаллаштирган. У ўз асарида халифа Харун ар-Рашид ҳукмронлик даврида иқтисодиётни тараққиёт этганини, ҳатто фақат сарой эмас, блаки оддий халқнинг турмуши ҳам яхшилиги кўрсатади, ҳамда халифанинг ҳарбий соҳалардаги ютуқлари, «эзгулик ва ҳақиқат қироллиги» сифатида акс эттирган. Харун – мамлакатнинг идеали, у меҳрибон, саҳий, адолатпарвар, унинг камбағал, ночорларга жонкуярлиги уларнинг ишончини, муҳаббатини қозонади. Бу йўналишда Ж. Ал-Мудаввар тарихий фактлардан кўра арабларнинг афсонавий ривоятлари изидан кетади, яъни тасвирланаётган даврни, ўша даврда яшаган тарихий шахсларни идеаллаштиради.

ФАРАХ АНТУН

Фарах Антун 1874 йилда Триполида бой насроний оиласида дунёга келган. У проваслав Кефтин мактабида таълим олган. Фарах Антун ёшлигидан илмга чанқоқ, илмсевар инсон бўлган.

1899 йилда Фарах Антун ўзининг «Усмонийлар ҳамкорлиги» («ал-Жамиа ал-усмонийя») ҳафталик журналини ташкил қилади. 1906 йилда «ал-Жамиа» журналини чоп эттиришни давом эттириш мақсадида Қўшма Штатларга кетади. 1908 йилда ёш туркчилар инқилобидан кейин Мисрга қайтиб, у ерда маърифатпарварлик ҳаракатида иштирок этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Фарах Антун аввало файласуфдир, чунки у Шарқ ва Ғарб фалсафасини чуқур ўрганган ҳолда бир қатор фалсафий асарлар яратган: «Ибн Рўшд ва унинг фалсафаси», «Умар Хайём», «Френсис Бекон» ва бошқалар.

³ Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени Египет и Сирия. Просветительский роман. 1870-1914 гг. М.: Наука, 1973. с. 65.

Фарах Антун фалсафий асарлардан сўнг панд-насиҳатли-фалсафий романларини «Дин, фан ва капитал ёки уч шаҳар» (1903), «Золим! Ваҳший! Йиртқич!» (1903) ҳамда «Янги Йерусалим» номли тарихий романларини яратади. Адабиётшунос А. Мажи таъкидлашича, Фарах Антуннинг «Ўлимгача муҳаббат», «Тавба-тазарру олдидаги Мария» ҳамда «Янги дунё ёки Мария Магдалена» асарлари мавжуд.

Фарах Антун шунингдек пьесалар ҳам ёзган: «Янги Миср ва эски Миср», «Салоҳиддин ёки Йерусалимнинг фатҳ этилиши», «Кўчага чиққан қизлар ёки таркидунё қилган қизлар», «Сфинкс ҳаракатда» ва бошқалар.

Фарах Антуннинг бир қатор таржималари ҳам мавжуд: А. Дюманинг «Халқ ўғли», «Даҳшатлар минораси», В. Сарднинг «Сехргар», Софоклнинг «Шох Эдип» ва бошқлар.

Тадқиқотчиларининг фикрича, Ф. Антуннинг дунёқарашига Ғарб донишмандларининг фалсафасининг таъсири катта бўлган, шунинг учун унинг дунёқараши эклектик (қоришганлик) характерга эга. Адибга файласуфлардан Ренан, Руссо, Маркс, Ницше, Шатобриан, Жюль Симон каби ғарб олимларининг таъсири катта бўлган. Фарах Антуннинг дунёқараши бутунлай ўзгача бўлиб, у ислом ислоҳатчи маърифатпарварларига ҳам, Ғарб маърифатчилигининг издошларига ҳам қўшилмаган. Ф. Антун ижодида ҳар хил лагерларни кескин танқид қилиш кўзга ташланади.

Ф. Антун ҳам Ж. Зайдон, Қ. Амин каби жамиятнинг ўзгартиришнинг ягона омилини «ахлоқ-одобни» тубдан ўзгартиришда кўради. Хусусан, Ф. Антун араб Шарқининг инқирози ва ўз мустақиллигини қўлдан бой беришини ҳам мана шу «ахлоқ-одоб, урф-одат, маънавият нормаларининг бузилишида» кўради. «Халқнинг энг асосий ислоҳоти, унинг ахлоқ-одобини, маънавиятини тўғрилашдан, аёлларга илм олиш имконини беришдир, чунки улар ақл-фаросатли авлод тарбиялаши лозим», деб таъкидлаган эди Ф. Антун ўзининг «Ўзун ислоҳат» мақоласида.

Ф. Антуннинг фикрича, араб халқлари ўз мустақилликларини қурол билан эмас, балки тинчлик, таълим-тарбия, илм билан қўлга киритиши лозим. Адиб яна бир мақоласида араб халқлари Ғарбнинг иқтисодий таъсиридан қутулиши учун араб халқлари

ўзаро бирлашиб, ягона ташкилотга эга бўлиб, ўзининг миллий қишлоқ хўжалигини, саноатлашган савдо компанияларини тузиши, шуниндек, Эрон, Афғонистон, Марокаш билан «бошланғич мудофаа тизимини» ташкил қилиши керак.

Шунингдек Ф. Антун миллий озодлик, таълим-тарбия, мавзуларидан ташқари аёллар мавзуларида ҳам ўз фикрларини баён этган.

Ф. Антун араб маърифатпарварлари орасида ҳаётда ва адабиётда «гўзаллик» муаммосига эътибор қаратган биринчи адиб ҳисобланади. Унинг фикрича, «Гўзаллик ҳисси», «Эзгулик ҳисси» ва «Адолат ҳисси» каби гўзалликлар инсон руҳий фаолиятининг асосида мавжуд бўлиб, инсонни буюк эзгу ишларга ундайди.

Ф. Антун кўнгилочар, шаҳвоний асарларни кескин танқид қилади, унинг фикрича, бундай асарлар ўқувчига ҳеч қандай фойда бермайди. Ф. Антун бадий асарлардаги анънавийликка, яъни ташқи гўзаликка, жимжимадорликка, ортиқча бўрттиришларга, безатишларга қарши чиқади. Унинг фикрича, ёзувчи борлиқни қандай ва нимани ҳис қилса, нимани ўйласа ана шундай ёзиши керак. Адиб адабий асарларни лаҳжа ва шевада ёзилишига қарши чиқиб, бадий асар соф араб адабий тилида ёзилиши керак. Унинг фикрича араб адабий тилини ўткир зехн билан қўллаш лозим: тилни эски сўз ва иборалардан тозалаш, янги, содда, тушунарли стилни, нотиклик санъатини топиш ва шакллантириш керак. Ана шунда тил енгил ва эгилувчан ва замон талабларига жавоб бера олади.

«ДИН, ФАН ВА КАПИТАЛ ЁКИ УЧ ШАҲАР» РОМАНИ

Ф. Антунинг мазкур асари аниқроқ айтганда фалсафий трактат (асар) ҳисобланади. Ёзувчи мазкур романда оригинал сюжет яратишга интилмаган. Романда бош қаҳрамони Халим 3 та утопик шаҳар бўйлаб саёҳат қилади, яъни роман саёҳат жанрида яратилган.

Ф. Антунинг мазкур саёҳат романининг ўзидан олдин яратилган мана шу типдаги романлардан фарқи шундаки, асарда жой-маконларнинг аниқлиги, фактларнинг, урф-одатларнинг тасвири камроқ берилган, асар қаҳрамонлари ўз саёҳатлари давомида ҳар хил инсонлар билан учрашуви орқали фалсафий-сиёсий ғояларнинг тўқнашувини акс эттирган. Асар бош

қахрамони Халим саёҳат қилган шаҳар утопик (мисолий, ҳаёлий) бўлиб, лекин ёзувчи бу утопик шаҳар рамзий бўлиб, шаҳар оркли замонавий жамиятнинг суратини тасвир этган.

Бу утопик шаҳарнинг бунёдга келиши тарихига келсак, Сулаймон исмли шайх қутилмаганда бойиб кетади ва Фуре Фалангасига (Фаланга- жамоа- Ш.Фурьенинг утопик таълимотидаги жамоа) ўхшаш жамоа тузишга қарор қилади ва жуда катта ер сотиб олади ва ишсизларни йиғиб ерга ишлашга қўяди. Сулаймон уларга ер хўжалигини, касб-хунарни ўргатади, уларга қонун тузади, ҳокимият, суд, ҳарбий тизим ташкил қилади. Натижада Сулаймон тузган янги жамоа ривожланиб тараққий этиб кетади. Лекин асарда мана шу шаҳарни тузган Сулаймон образининг ўрни аниқ берилмаган, у фақат жамоа тузади ва одамларга ижтимоий камчиликларсиз яшашни ўргатади ёки жамоа вакилларини ёлланма ишчи сифатида эксплуатация қилади.

Шундай қилиб бу шаҳар яшовчиларининг сони кўпайиб, шаҳар катта давлатга айланади. Янги авлод катта матеариал ва маънавий эҳтиёжлар билан ўсади. Уларнинг баъзилари савдо-сотик билан, баъзилари илм-фан, адабиёт билан, яна баъзилари дин билан шуғулланади. Натижада аҳоли ўртасида тушунмовчиликлар келиб чиқади, тезликда жамоа, 3 та шаҳарга бўлиниб кетади: Дин шаҳри, фан шаҳри ва капитал шаҳри. Бу шаҳарларнинг ҳар бирида ўзининг ижтимоий муаммолари пайдо бўлиб, шаҳарлар ўртасида қарама-қаршиликлар келиб чиқади ва вазият кескинлашади. Мана шундай парокандалик, тарқоқлик вазиятида шаҳарга асар бош қахрамони Халим саёҳат қилади.

Халим эса ўз дўстлари билан адолат излаб саёҳатга чиққан эди, улар мана шу уч шаҳарнинг доврўғини эшитиб, шаҳарларга келишган эди. Халим бу шаҳарларнинг «ернинг жаннати» ёки «гуноҳлардан ва нуқсонлардан фориғ шаҳарлар» деб ўйлайди. Халим ва унинг дўстлари бу шаҳарлар бўйлаб саёҳати давомида шаҳар ҳокимининг 5 нафар қизлари билан учрашишади ва улар ўртасида муҳаббат уйғонади. Романда бу ишқий линия иккинчи даражали бўлиб, романни қизиқарли чиқиши учун қўшилган.

Халим шаҳарликларнинг ҳар хил гуруҳлари: ишчилар, савдогарлар, олимлар, маданият ходимлари ўртасидаги мажлисда иштирок этади. Мажлисда ишчилар билан капиталистлар

Ўртасидаги муносабатлар, фойда-даромаднинг тенг тақсимланиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотга эгаллик ва бошқа шу каби муаммолар мукокама қилинади. Баҳс-мунозара, келишмовчилик кучайиб кетади ва натижада шаҳарлар аланга ичида қолади. Эта шаҳар ёниб кетади, бу шаҳарлардан фақат Халим ва унинг дўстлари учрашган 5 нафар киз тирик қолади. Халим ва унинг дўстлари кизларга уйланишиб шаҳарларни тиклашни бошлайдилар, лекин энди шаҳарларни «муҳаббат ва дўстлик, иттифоқлик» ва «тўлиқ хотиржамлик» асосида барпо этишади.

Лекин роман якунидаги Халим ва унинг дўстлари тузган янги давлат қандай бўлиши ўқувчига ҳам, ёзувчига ҳам маълум эмас. Ф. Антун роман охирида «Билмаймиз, бизга ҳали ҳеч ким ерда кўрмаган бу жаннатий ҳаётни тасвирлаш имкони қачонлардир имкони бўладими ёки йўқми?», деган фикр билан якунлайди.

Ф. Антун мазкур романида фуқароларнинг йиғилишидаги ўзаро баҳс-мунозаралар марказий ўрнида туради, ёзувчи бу ўзаро келишмовчиликлар, зиддиятлар тасвирлаш орқали ўша давр жамиятидаги турли касб эгаларининг фикр-мулоҳазаларини, қарашларини акс эттирган.

«ЗОЛИМ! ВАХШИЙ! ЙИРТКИЧ! ЁКИ ЛИВАН КЕДРИГА САЁХАТ» РОМАНИ

Мазкур роман «Учта шаҳар» романидан тубдан фарқ қилади. «Учта шаҳар» романида «бой-камбағал», «кучли ва заиф» масаласи кўтарилган бўлса, бу романда эса маънавият, ижтимоий-иқтисодий муаммолар кўтарилган бўлиб, гуманизм руҳи уфуриб туради.

Ф. Антун мазкур романида ҳам саёҳат жанридан фойдаланган бўлиб, Калим ва Салим исмли йигитларнинг Ливан Кедрига - тоғга саёҳати ҳикоя қилинади. Йигитлар саёҳат мобайнида турфа олам кишилар билан учрашиб ҳар хил мавзуларда, моддий ва маънавий ҳаёт, инсонларнинг ўзаро муносабатлари, жонзотлар дунёси, табиат, дин, эътиқод, эзгулик, ёвузлик каби турли мавзуларда суҳбат қуришади.

Романдаги Салим ва Калим образлари икки ҳар хил қарашнинг тимсолидир. Салим романтик-идеалист бўлса, Калим истеҳзоли-рационалистдир. Ф. Антун бу икки образ орқали эзгулик ва ёвузлик тўғрисидаги ҳам рационал, ҳам идеалистик-

романтик қарашларни баён этган. Ёзувчи биргина монахлар ва монастрлар ҳақидаги йигитларнинг икки хил фикрини моҳирона баён этган. Салим фикрича, монахлар, руҳонийлар ва монастрларнинг инсониятга, жамиятга фойдаси катта, улар инсонларни тўғри, ҳидоят йўлига бошлайди, дея Салим уларнинг идеал суратини чизади. Калим эса уларнинг реал томонини кўради, унинг фикрича, монахлар дангаса, ишёқмас, ҳайр-садақага кун кечиради, улар қонхўр золим, зулук, яъни улар инсонларнинг руҳий покланиши чоғида уларнинг қонини сўрадилар.

Ф. Антун Салим ва Калим образлари орқали иделистик ва реалистик дунёқарашни акс эттирган.

Шу тариқа Салим ва Калим саёҳатлари давомида адолатсизликдан, тенгсизликдан, меҳрсизликдан азоб чекаётган одамлар билан учрашишади. Ёзувчи инсонларнинг бир-бирларига қилаётган муносабатлари орқали уларнинг ҳаёвонларга хос йиртқич, ваҳший характерларини кўрсатган. Ёзувчининг фикрича ҳар бир инсонда ҳайвоний ва инсоний ҳислатлар мавжуд ва улардан бири иккинчисидан устун келади. Ф. Антун мазкур асари орқали ёвузликка қарши курашишда кечирим ва мўминлик, юмшоқликни таклиф этган. Бу ғоялар ҳристиан динининг асосий ғояларидан ҳисобланади. Романда бу ғоялар бошқачарок акс этиб, ёвузликни енгил учун инсон сабрли, барқарор ва қатъиятли бўлиши керак.

Саволлар:

1. Ал-Бўстонийнинг нечта ҳикояси бизга маълум?
2. «Боғдоддаги мусулмон цивилизацияси» романи кимнинг томонидан ёзилган ва неча хатдан иборат?
3. Нечинчи йилда Фарах Антун ўзининг «Усманийлар ҳамкорлиги» («ал-Жамиа ал-усмонийя») ҳафталик журналин ташкил қилади?

Мустақил таълим учун топшириқ:

«Сурия адабиётида роман жанри тараққиёти» мавзудида мустақил иш ёзиб келиш.

Адабиётлар:

1. Акбарова М. Х. Очерки истории арабской литературы нового времени. Т., 2001.
2. Акбарова М. Х. Сирийский рассказ. Т., 1975.
3. Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени. М.:1968.

Қушимча адабиётлар:

4. Ходжаева Р.У. Янги араб адабиёти тарихи. Т.: 2004.
5. Крачковский И. Ю. Изб. Соч. Т.3. М.-Л. 1956.
6. Крымский А.Е. История новой арабской литературы. XIX начала XX века. Главная редакция восточной литературы.- М,1971.

СУРИЯ АДАБИЁТИДА ҲИКОЯНАВИСЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Дарсинг мақсади: Сурия адабиётида ҳикоянависликнинг вужудга келиши билан таништириш

Режа:

1. Сурия адабиётида ҳиконавислик генезиси.
2. Сурия ҳиконавислигида романтизмнинг вужудга келиши.
3. Сурия ҳиконавислигида реализмнинг вужудга келиши.


Таянч иборалар: ҳикоя, реализм, жанр, услуб, Франсис Марраш, Нуъман ал-Кастали, Шукри ал-Асали, Антуан ас-Сакала.

Мамлакатдаги маънавий ҳаётни жунбушга келтирган Уйғониш жараёни адабиётда ҳам жонланишга олиб келди. Бошланишда журъатсизлик ва қатъиятсизлик билан бошланган адабий янгиланиш ҳаракати аста - секин барча соҳаларда етакчи ўринга чиқиб олди. Бу ҳаракат янги даврдаги ижтимоий - иқтисодий тараққиёти туфайли юзага чиққан кенг миқёсдаги тарихий - адабий жараён доирасида давом этди. Адабиёт секин - аста ўзининг элитар характери йўқотиб борди. Вақтли матбуот, китоб нашрининг йўлга қўйилиши, Европа ёзувчилари асарларидан қилинган таржималарнинг кўпайиши адабиёт вазибаларининг тубдан ўзгаришига олиб келди, адабиётни ижтимоий ҳаётнинг муҳим омилига айлантирди. Адабиётда дунёвийлик биринчи ўринга чиқди: ҳаётий туйғулар, воқеий турмуш ҳақидаги оқилна мулоҳазалар китоблар саҳифасидан мистикани, такводорлик кайфиятларини, мавҳум насиҳатгўйликни сиқиб чиқарди. Адабиётнинг анъанавий жанрлари - қасида, мақола, ғазал ўз ўрнини янги - ҳикоя, роман, драма жанрларига бўшатиб берди.

Ҳикоя жанри араб адабиёти учун янги ва унинг келиб чиқиши ҳақидаги масала муҳоҷасили ҳисобланади. Баъзи бир араб адабиётшунослари ва танқидчилари араб ҳикоячилиги Куръон ва ўрта аср мақомаларидан бошланган, деб ҳисоблашади. Бошқалар (Яҳё Ҳаққий, Салоҳ Дихний) араб новелласининг

илдизини Европага нисбат беришади. "Европадан эсан шабадалар, - ёзади Яхё Ҳаққий, - араб тупроғига новелларнинг ажойиб уруғларини олиб келди. У билан танишув дастлаб таржималар орқали юзага келди."²

Бизнингча Суриянинг таникли ёзувчиси Абдуссалом ал-Ужайлининг фикри ҳақиқатга яқинроқдир. У Сурия ҳикоячилигига нафақат Европа ёзувчиларининг новеллалари, балки мақома, "1001 кеча эртаклари" каби анъанавий жанрлар ҳам катта таъсир кўрсатган, деб ҳисоблайди.



² Иностранная литература. 1960. №9. С.281.

Илк ҳикоя жанрининг
характерли хусусиятлари

Ютуқлари

-Ҳикоянависликда
дастлаб романтизм
методи, сўнгра реализм
методи шакллана
бошлаган.

-Сурия
жамиятининг долзарб
ижтимоий муаммолари
ёритилган.

-«Сажъ» дан
йироқлашган холда
оддий ва тушунарли
тилда ёзилган.

-Қаҳрамонларнинг
лексиконида янги сўзлар
– озошлик, тенглик каби
сўзлар пайдо бўлди.

Камчиликлари

-Дастлабки
ҳикояларда дидактик,
публицистик хусусият
ҳали йўқолмаган.

-Баъзи бир
ҳикоялардаги
қаҳрамонларнинг
образларида чуқур
индивидуаллик хусусияти
йўқ.

-Баъзи бир
қаҳрамонларнинг
психологик ҳолати, ички
дунёси ҳали чуқур акс
эттирилмаган.

-Ҳикояларнинг шакли
эса анъанавий шаклда,
яъни мақомаларга ўхшаш
битта сюжет линиясига
боғланган бир неча
қисмлардан ташкил
топган.

Сурия ҳикоячилигининг илк бошловчилари сифатида Франсис Марраш, Нуъман ал-Кастали, Шукри ал-Асали, Антуан ас-Сакала номларини зикр этиш лозим. Илк суриялик

новеллистлари ўз ижодида жамиятнинг долзарб масалаларини қаламга олдилар. Уларнинг асарларида тенглик, Суриянинг сиёсий истиқлоли ҳақидаги маърифатпарварлик ғоялари ўз аксини топди, улар мусулмон аёлининг оилада, жамиятда тутган ўрни масаласини кун тартибига қўйдилар, бу давр асарларида аста - секин янги услубга, содда ва тушунарли тилга ўтиш жараёни кузатилади. Публицистик услуб, дидактика, очикдан - очик пандгўйлик Маррашнинг ҳам, Касталининг ҳам, ал-Асалининг ҳам асарларида яққол кўзга ташланиб туради.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг Сурия Франция тасарруфига ўтди. Янги тарихий шароит, маданият, идеология тизимидаги ўзгаришлар, французлар таъсиридан ўзини сақлашга интилиш, миллий ўзликни англашнинг ўсиши ёзувчилар олдига янги вазифалар қўйди. Бу жиҳатдан "Араб академик ёзувчиларининг илмий жамияти" (ар-Рабиата ал-адабия - 1921) фаолияти диққатга сазовордир. Жамият аъзолари араб тили муаммоларини, арабларнинг кўп асрлик тарихини, уларнинг илмий ва маданий меросини ўрганишга алоҳида диққат қилар эканлар, бу орқали сурияликларнинг миллий ўзлигини англашига, уларда ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга, араб тилидаги адабиётни ёйишга ижобий таъсир кўрсатдилар. Адабиётга XX асрнинг 20-30 йилларида кириб келган ёзувчилар уларга қарши турдилар. Аммо Европа ёзувчилари асарлари, Сурия - Америка муҳожирлар адабий мактаби аъханлари таъсирида шаклланган бу адиблар жамиятни ўзгартириш ҳақидаги инкилобий ғояларига эргашиб, қадимпарастларни танқид қилишар, уларни долзарб муаммоларни кўтариб чиқадиган янги адабий жанрларда асар яратишга даъват этдилар. Фуад аш-Шаибнинг реалистик ҳикоялари яратилишига ҳали икки ўн йиллик муддат ўтиши лозимлигига қарамай айнан ана шу даврда адабиётнинг жамият ҳаётидаги вазифасини янгича баҳолашга, воқеликни янги шаклларда ифодалашга қаратилган ҳаракат юзага келган эди.

Сурияда ҳикоя жанрининг ривожланишига Маъриф ал-Арнауд, Халил Ҳиндави, Идвар Муркас ва бошқаларнинг таржимонлик фаолияти ижобий таъсир кўрсатди. Бу ҳақда Сурияда реалистик ҳикоя жанрини бошлаб берган Фуад аш-Шаиб бундай ёзган эди: "Мен ёзишдан кўра кўпроқ ўқишни хуш кўрадиган ёзувчилар авлодига мансубман. Олдинига биз

асотирий адабиётни ўқир эдик. Кейин Шекспирни, Расинни, Карнелни ўқидик, ундан кейингина Вольтерни, Руссони, Францни, Золяни, Мопассанни билиб Достоевскийни билмаслик мумкинми? Ахир, бизни Толстой, Тургенев, Пушкин томонга етаклаган шу эмасми? Ахир, араб новеллисти жаҳон адабиётида бу жанр босиб ўтган йўл билан танишмасдан туриб арабча ҳикоя ёзишга киришиши мумкинми?"³

Сурияда ҳикоя жанрининг туғилиши ва ривожланишида матбуотнинг роли катта бўлди. Айнан матбуот саҳифаларида бу янги жанр синовдан ўтказилди. ўқувчиларнинг кенг доираларига мўлжалланган, ҳажман матбуотга мос ҳикоя жанри Сурия зиёлиларининг илғор қатламлари ғояларининг тарғиботчисига айланди. Газета ва журналлар орқали Суриялик ўқувчилар Миср ва Ливан ёзувчилари асарлари билан танишиш имкониятига эга бўдилар.

Сурияда ҳикоя жанрининг шаклланишига сабаб бўлган омиллар ҳақида сўз юритилидиган бўлса, албатта, Сурия - Америка мактаби ёзувчилари ҳақида гапиришга тўғри келади. Жуброн Жалил Жуброн, Амин ар-Рейҳани, Михаил Нуайме ва бошқалар ижоди янги араб адабиётининг ривожланишига баракали таъсир кўрсатди.

Адабиёт 20-30 йилларда романтик йўналишда ривожланиб борди ва бу ҳол сўзсиз ғарб адабиёти таъсирида юзага келди. Ғарбий Европа модернизми Сурия миллий шароитида романтизм хислатларини ўзида ифода этди. Романтик йўналишдаги асарлар, одатда, ўта тушкунлик руҳида эди. Бунга тарихий шароит ҳам сабаб бўлган эди. Жамиятдаги илғор кучлар умид боғлаган 1925-27 йиллардаги исённинг мағлубияти либерал миллатчиликнинг таназзулига сабаб бўлди. Унинг мафкурачилари - романтик адабиёт вакиллари вужудга келган шароитдан кутулиш йўлини топа олмадилар ва бу ҳолат уларнинг ижодида акс этди.

Субҳи Абу Ғаним, Сами ал-Қайали ҳикояларида ишқий-маиший мавзулар етакчилик қилди. Абу Ғонимнинг "О, тун", "Ғам", "Мен ва шеърият", "Йиғлама" номли асарлари қаҳрамонлари иродасиз, бўшанг, ҳаётдан безган одамлар. Улар ўз

³Мустафо Шокир. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги даврдаги Сурия ҳикоянавислиги. Қохира. 1958. Б.47.

шахсий кечинмаларининг биқиқ доирасида чекланиб қолганлар, атрофдаги воқелик уларни фақат изтиробга солади, уларда ёвузликка қарши кураш интилишни кўзгатмайди. Улар ёки табиат кўйнида таскин топадилар ёки мавхум хаёлларга бериладилар.

Суриялик танқидчилар ҳикоя жанрида реалистик унсурларнинг пайдо бўлишини Али Халқи номи билан боғлайдилар. Али Халқи ўз замонаси адабиёти ҳақида фикр юритар экан, ўз ижодининг маънавий ва эстетик манбаларига ишора қилади: "Биз мамлакатнинг руҳий озодлиги, сиёсат ҳақида гапирдик, адабиётдаги консерваторлар ва новаторлар кураши борасида баҳслашдик. Мен Тоҳо Хусейн, Салама Мусо, Исмоил Мазҳар асарларини берилиб ўқидим... Мен Пушкин, Достоевский, Горький, Байрон ҳаёти ва ижодини чуқур ўргандим."⁴

Али Халқийнинг реал воқелик манзараларини ҳаққоний тасвирловчи ҳикоялари севиб ўқилар эди. «Қиз» ҳикоясида ("Баҳор ва куз" тўплами, 1931) Али Халқи муҳаббат асосида оила қуришни ёқлаб чиқади. «Танус амаки» ҳикоясида эса урф-одатлар, эски саркитларни, ҳаётда феодал урф-одатларни сақлашга интилишни танқид қилади. Али Халқи ҳикояларида ўзидан олдинги ижодкорлардан фарқли равишда бош қахрамон образини очиб беришга кўпроқ диққат қаратади. Бунинг учун у ҳар хил бадий усуллардан (диалог, монолог, портрет чизгилари) фойдаланади, бу эса ўз навбатида секин - аста Сурия ҳикоянавислигидаги баёнчилик унсурларини суриб чиқарди.

Муҳаммад ан - Нажжор ҳикояларида ("Дамашк кошоналарида", 1937) буржуазия ва руҳонийларнинг риёкорлиги, иккиюзламачилиги очиб ташланади. Муаллиф ўз даврига нисбатан жасорат билан шахс эркинлиги ҳақидаги ғояларни илгари суради, айрим задагонлар ва буржуазия қатламларидаги молпарастликни танқид қилади.

Сурия реалистик ҳикоянавислигининг шаклланишида Фуад аш-Шаибнинг улуши салмоқлидир. У ҳам олдин зикр этилган адиблар каби профессионал ёзувчи эмас эди. Шунга қарамай унинг оз сонли ҳикоялари ("Жароҳат тарихи" тҳикоялар тўплами,

⁴Мустафо Шокир. Иккинчи Жаҳон урушдан олдинги Сурия ҳикоянавислиги. Қоҳира. 1958. Б.277.

1944) ва "Амалдорнинг пуллари" романи унинг ажойиб ёзувчилигини кўрсатди.

Фуад аш - Шаиб ҳикояларида илк бор меҳнат кишиси тасвирланди. Бу оч - наҳор Ҳамидан ва аравакаш Жума ("Машинанинг ўлими", "Рўза тугагунга қадар"). Аммо инсонларнинг азоб - уқубати муаммоси ёзувчини ижтимоий жиҳатдан эмас, кўпроқ психологик планда қизиқтиради. Муаллифни кўпроқ оч - наҳор Ҳамиданнинг ижтимоий аҳволи, эҳтиёжлари эмас, балки овқат топиш илинжида саргардон юрганидаги руҳий ҳолати қизиқтиради. Аш - Шаибнинг хизмати шундаки, у ҳикоя жанрини мазкур жанрни характерлайдиган хусусиятлари билан адабиётга олиб кирди. Унинг асарларидан илгариги адабиётга хос дидактика, сафсатабозлик йўқолди. Шаиб ҳикояларининг композицияси раво ва уйғун. Воқеалар табиий равишда кечади, қаҳрамонлар хатти - ҳаракати мантиқан ўзаро боғлиқ. Асар ғоясини очишда ёзувчи ташқи деталлар, нафис чизгилардан унумли фойдаланади.

"Қариқиз" ҳикоясидаги бош қаҳрамон - Нур деярли гапирмайди. Аммо ёзувчининг қисқагина репликаларидан ўқувчи Нурнинг танҳолиги, синглисига ҳасад қилишини билиб олади. "Ўлим фариштаси" ҳикоясида бир вақтнинг ўзида ҳам эри, ҳам ўғли ўлим тушагида ётган аёл образини тасвирлар экан, ёзувчи унинг пала-партиш кечинмаларини очиқ тасвирламайди, унга ким азизроқ эканини айтмайди. Ўқувчи унинг ҳаяжон билан гоҳ эри, гоҳ ўғли тушаги ёнига югуришидан аёлга эри ҳам, ўғли ҳам бирдек азиз эканини англайди. "Рўза тугагунга қадар" ҳикоясида бозор, ловия солинган қозон ва бошқа нарсалар тасвирига кўп ўрин ажратилади. Бу ашёлардан оч-наҳор Ҳамиданнинг ҳолатини, бозорда сандирақлаб, овқат ҳиди чиққан ҳар бир тешикка ҳирс билан қараганини тасвирлаш воситаси сифатида фойдаланилган.

Суриялик новеллистлар гуруҳи урушдан олдинги вақтда кам сонли эди. Бу даврда уларнинг ижодий методи, дунёқараши турли бўлишига қарамай ўз замонасидаги урф-одатлар, феодалча-исломий анъаналарни танқид қилишда бир ёқадан бош чиқарар эдилар. Уларнинг асарларига замонавий жамият ҳаёти, унинг барча ахлоқий-маиший, ижтимоий муаммолари шиддат билан кириб борди. Адабиётда секин - аста анъанавий жанрлардан

чекиниш, янги шаклларга муружаат қилиш, тилни такомиллаштириш тамойиллари намоён бўлиб борди.

Ҳикоя жанри иккинчи жаҳон уруши даврида султ ривожланди. 1935 йилда Дамашқда К.Аййад бошлиқ бир гуруҳ зиёлилар томонидан "ат-Талиа" ("Авангард") журнали нашр этила бошлади. Бу журнал 1945 йилда Байрутда чоп қилинган антифашистик машҳур журнал "ат-Тарик" ("Йўл")нинг салафи эди.

Мамлакатда 1925-1927 йиллардаги исёндан кейин юзага келган публицистика тараққиёти ва ғоявий ҳаракатлар натижаси ўларок пайдо бўлган "ат-Талиа" журнали мамлакатда илк бор изчил равишда жамоатчилик фикрини меҳнаткашлар аҳволига қаратди, уни ўзгартириш йўлларини кўрсатди. Журнал собик совет маданиятига ҳам катта қизиқиш билан муносабатда бўлди.

Ўз салафи анъаналарини давом эттирган "ат-Талиа" журнали, ўз саҳифаларида илғор Европа маданиятини ўзлаштиришга интилаётган ёзувчилар асарларини босиб чиқарар, айна чоғда, мумтоз миллий маданиятнинг прогрессив анъаналари билан ҳам алоқани узмас эди. Шу сабабдан ҳам бу журнал билан ҳамкорлик қилган ёзувчиларнинг кўпчилиги урушдан кейинги даврда араб адабиётидаги демократик йўналишнинг ўзагини ташкил этдилар.

Саволлар:

1. Сурия ҳикоячилигининг илк бошловчилари сифатида қайси адиблар номларини зикр этиш лозим.?
2. Абу Ғонимнинг "О, тун", "Ғам", "Мен ва шеърят", "Йиғлама" номли асарлари қаҳрамонлари кимлар ?
3. "Қариқиз" ҳикоясининг бош қаҳрамони?

Мустақил таълим учун топширик:

Сурия адабиётининг ҳикояларидан намуналарни ўзбек тилига таржима қилиш ва таҳлил қилиш.

Адабиётлар:

1. Акбарова М. Х. Очерки истории арабской литературы нового времени. Т., 2001.
2. Акбарова М. Х. Сирийский рассказ. Т., 1975.

3. Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени. М.:1968.

Қўшимча адабиётлар:

4. Ходжаева Р.У. Янги араб адабиёти тарихи. Т.: 2004.

5. Крачковский И. Ю. Изб. Соч. Т.3. М.-Л. 1956.

6. Крымский А.Е. История новой арабской литературы. XIX начала XX века. Главная редакция восточной литературы.- М,1971.

7. Мустафо Шокир. Иккинчи Жаҳон урушдан олдинги Сурия хикоянавислиги. Қоҳира. 1958.

8. Иностранная литература. 1960. №9.

СУРИЯ-АМЕРИКА АДАБИЙ МАКТАБИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ (1910-1935)

Дарс мақсади: Сурия-Америка мактаби ва вакилларининг ҳаёти ва ижоди билан таништириш ва уларнинг асарларини ўрганиш.

Режа:

- 1) Сурия-Америка мактабининг ташкил этилиши.
- 2) Жуброн Ҳалил Жуброн ижоди.
- 3) Амин ар-Райҳоний ижоди.
- 4) Михаил Нуайме ижоди.

Таянч сўз ва иборалар: Сурия-Америка мактаби, романтизм, реализм, адабий таъсир.

XVI асрдан буён Туркия империясининг вилояти бўлиб келган Сурия XIX асрда ривожланган мамлакатлар манфаати доирасига тушиб қолади. Бу ерда ўз таъсирини ўтказиш учун, биринчи навбатда, Франция ва АҚШ рақобат қила бошлайди. Улар мамлакат аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этувчи масиҳийларга суянишга интиладилар. Бу ҳолат, бир томондан, Сурияни аста-секин европалашишига, феодал муносабатларнинг кескинлашувига олиб келди, мамлакатни буржуа тараққиёти йўлига бурди, халқ аҳволини янада оғирлашувига сабаб бўлди. Миср, Франция, Бразилия, АҚШга оммавий эмиграция бошланди. Америкада, қисман Нью-Йоркда араб муҳожиралирининг каттагина колониялари вужудга келди, у ерда ўзига хос сиёсий ва маданий ҳаёт ташкил топди, турли хайрия ва адабий жамиятлар пайдо бўлди, кўп сонли арабча, инглизча газета ва журналлар чоп этилди. Бу ерда улар ватандагидан арзонга тушар, полиграфик сифати юқори бўлар, энг муҳими - цензура йўқ эди. Ўзига хос «Сурия-Америка адабий мактаби»нинг юзага келиши учун қулай шароит туғилди. Америкадаги барча адиблар Жуброн Ҳалил Жуброн бошчилигидаги «Ар-Рабиту ал-қаламийа» («Қалам уюшмаси») адабий тўғараги ва Абдулмасиҳ ал-Ҳаддод муҳаррир бўлган «ас-Сойиҳ» («Сайёҳ») журнали атрофига уюшдилар.

Жуброн Халил Жуброн, Амин ар-Райҳоний, Михаил Нуайме, Абу Мадий, Насиб Арида, Нодира Ҳаддад, Абдулмасиҳ ал-Ҳаддод, Рашид Айюб, Амин Мушрок ва бошқалар ана шу гуруҳ аъзолари эдилар. Улардан учтаси М. Нуайме, Н. Арида, А. Ҳаддод Фаластиндаги рус мактабида таълим олганлар. Уларнинг қарашлари маълум даражада рус адабиёти таъсирида шаклланган эди.

Америкадаги ўзига хос адабий мактабни биринчи авлод араб муҳожирлари эмас, уч маданият-Америка, Европа ва араб маданиятлари таъсирида шаклланган иккинчи авлод яратди. Муҳожирларда сокин араб қишлоқлари билан улар тушиб қолган янги муҳит-улкан Америка шаҳари ўртасидаги зиддиятни алам билан ҳис этиш туйғулари тарбиялаган эди. Ғарбдаги ҳаётни идрок этишдаги зиддиятлар кундан-кунга катталашиши уларда Американинг ноошно воқелигига, «кутурган пойга»га бўлган нафратни чуқурлаштирди, лекин юксак маърифий идеалларга ҳурмат сақланди. Агарда кўпинча Ғарб араб Шарқидаги маърифатпарварларга замонавий демократиянинг тимсоли бўлиб туюлган бўлса, «сурия-америкаликлар» бу демократиянинг ҳақиқий башарасини амалда кузатган ва қабул қилмаган эдилар.

Айни чоғда ватандаги ҳаёт ҳам, уларни қанчалик ўзига тортмасин, қониқтирмасди. Улар ҳаёт турғунлиги, қоқоқлиги, жаҳолатни нозик ҳис этдилар, Сурияни қийнаётган сиёсий, ижтимоий, диний зиддиятларни кўрдилар. Ғарбу Шарқ ўртасида сарсон бўлиш, тўлғаниш мавжуд воқеликни инкор этиш муҳожир ёш адибларда романтик исённи юзага келтирди, улар маънавий қашшоқликка қарама-қарши турувчи паноҳни табиатдан, ўз ички оламларидан ахтардилар, худди Ғарбдаги салафлари сингари ижтимоий утопиялар, инқилобий бурчлар тўғрисида орзу қилдилар. Айни чоғда улар араб маърифатпарварлик асрининг фарзандлари сифатида ўз халқининг ғам ва андуҳларига бепарво бўлмадилар, ҳаёлий ҳақиқатни излаш йўлида тарғиботчиликни афзал билдилар, жамият ва инсонни такомиллаштириш мумкинлигига ишондилар, яхшилик ва адолат ғояларини ёйишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб билдилар.

Улар ҳаётдаги қоқоқлик, зерикарли бир хилликка қарши исён кўтардилар, адабиётда эса фикр ва ижод эркинлигини

эълон қилдилар, янги мавзу ва шаклларга мурожаат этдилар, кучли характерлар, теран туйғуларни акс эттирдилар.

Жуброн Халил Жуброн (1883-1931) ижодининг асосий босқичлари. Жуброн Халил Жуброн ҳозиргача замонавий араб адабиётининг энг йирик ва ўзига хос сиймоси бўлиб қолмоқда, адиб асарларининг қайта нашр этилиши ҳам бундан далолат бериб турибди. У 1883 йилнинг декабрида Ливанда, Байрут яқинидаги Бшерри қишлоғида таваллуд топди. Ливанда ўрта тиббиёт таълимини олди. Европа бўйлаб кўп саёҳатлар қилди, Ғарб маданиятини ўрганди. Биринчи жаҳон уруши бошланишидан сал олдинроқ Нью-Йоркка кўчиб бориб ўрнашиб қолди.

Кўп қирралиги, Шарқ ва Ғарбга хос хусусиятларининг узвий бирлиги, уларнинг ўзаро таъсири, асарларнинг ғоявий мазмуни, жанр ва шакл жиҳатидан ранг-баранлиги, шунингдек, зуллисонайнлик (араб ва инглиз) Жуброн Халил Жуброн ижодининг ўзига хос хусусиятларидир.

Ёзувчи ижодини турлича даврлаштирадилар. Баъзи араб тадқиқотчилари унинг ижодини уч даврга бўладилар:

1) воқелик ҳодисаларини тасвирлаш ва уларга қарши норозилик изҳор этиш.

2) норозиликдан воз кечиш.

3) утопия-хаёлот олаmidан бошпана излаш.

Адабий танқидчи ва Жуброннинг сафдоши М. Нуайме асарлари тили хусусиятидан келиб чиқиб ёзувчи ижодини икки даврга бўлади:

1. Араб даври (1905-1918). Ана шу йиллар мобайнида Жуброн «Мусиқа» (1905) «Яйловлар қаллиғи» (1906), «Исёнкор қалблар» (1908), «Синган қанотлар» (1912), «Кўз ёшлари ва табассум» (1903-1908), «Бўрон» (1914-1918), «Босқин» (1919) каби асарларини ёзди.

2. Инглиз даври. Бу даврда «Девона» (1918), «Ривоят» (1920), «Пайғамбар» (1928), «Ер худолари», «Пайғамбар боғи» (вафотидан кейин 1932 йилда чоп этилган) асарлари яратилди.

Жубронараб адабиётидаги романтизмнинг асосчисидир. Адиб ёрқин тасаввур ва бой ҳиссий идрок соҳиби эди. Юксак идеал ва воқелик ўртасидаги ҳал қилиб бўлмайдиган фожиона зиддиятни англаш ҳаётга романтик қараш асосини белгилайди.

Ёзувчи ўз идеалларининг мавжуд муҳитда амалга ошмаслигини чуқур ҳис этади. Романтизмга хос бўлган шахс ва жамиятни қарама-қарши қўйиш, шахснинг маънавий ва ҳиссий дунёсига қизиқишни шу билан изоҳлаш мумкин.

«Адабий анъаналар, алоқаларнинг турли халқларда турлича бўлиши романтизмнинг ўзига хослигини белгилайди. Капиталистик турмуш тарзига қарши чиққан араб романтиклари, кўп ҳолларда маърифатпарварлик ғоялари, идеалларидан воз кечмаган, ундан ихлоси қайтмаган. Улар ўз ватанларида ҳам, хорижда ҳам уларнинг талабларига жавоб бермайдиган воқеликка, фақат буржуа тартиблари ва урф-одатларигина эмас, балки феодал қоқоқлигига қарши ҳам исён кўтардилар.»⁵

Араб романтик адибларининг бутун ижоди ана шу қўшалок зиддиятдан холи эмас. Романтизмнинг илк ниҳоллари янги араб адабиётининг биринчи фарзанди-публицистикада кўзга чалинди (А. Исҳоқ, М. Комил, ал-Манфалутий) ва бошқалар.

Араб насри тарихидаги романтик давр ёрқин ва сермахсул бўлди. Эскирган анъаналарга барҳам бериш, адабиётни ҳаёт билан яқинлаштириш, мумтоз услубларни янгилаш, араб адабий тилининг гўзаллиги, жозибасини сақлаш бахти ҳам романтикларга насиб этди.

Жуброн Халил Жуброн аввало санъаткор. У ўз истеъдодини фақат адабиётда эмас, тасвирий санъатда, графикада ҳам синаб кўрди. Мусикий санъат ҳам унинг қалбига яқин эди.

Ўз адабий фаолиятини у мусиқа ҳақидаги рисола билан бошлади. Муаллифчинакам романтик сифатидамусиқанинг шеърят ва тасвирий санъат билан қондош эканини эълон қилди. Шунингдек, у мусиқанинг қудрати ва универсаллигини, «қалб тили» экани, «руҳ ва севги қизи», алам ва лаззат, эҳтирос томири, инсон қалби орзулари, ғам-андуҳ меваси, қувонч гули, инсон туйғуларидан йиғилган гулдастанинг муаттар хиди эканини эътироф этди.

Жуброннинг илк асарлари ҳикоялар, мансур шеърлар, «Синган қанотлар» қиссаси сентиментал оҳанглар билан йўғрилган. Улардан табиатга сочиб юборилган гўзаллик ва

⁵ Арабская романтическая проза XIX-XX вв., М., 1981, С. 7.

муҳаббат оҳанглари янграб туради, хўрланган ва ҳақоратланганлар туфайли мунг таралиб туради.

Бундай асарларда очик инсон, унинг фикр ва ўйлари муаллиф диққати марказида туради. Эмоционаллик, романтик кўтаринкилик, диний ва маиший зулм, қоқоқ анъаналарга қарши исён руҳи ҳукмрондир. Аср бошларидаги араб жамияти ҳаёти билан боғлиқ кескин масалаларни кўтариб чиқиш ёзувчидан гражданлик ва инсоний жасоратни талаб этарди.

У муҳолифлари томонидан ахлоқ меъёрларини бузишда, анархизм ва диндан қайтишда айбланди.

«Яйловлар келини» тўпламидаги «Марта ал-Байния» ҳикоясига ёш деҳқон қизининг фожиали тақдири асос қилиб олинган. Марта маҳаллий бойнинг қурбони бўлади, маломатдан чўчиб қишлоққа қайтмайди, шаҳарга кетиб фоҳишалик қилади. «Юҳанн ал-мажнун» ҳикояси эса, руҳонийларнинг иккиюзламалиги, мунофиқлигини фош этади.

Жуброн халқи зулм ва зўравонликдан холи янги ҳаётга етишишга ишонарди. «Кофир Халил» қиссасидаги қаҳрамон Юҳанно образининг давомидир. Гўдаклигидаёқ монастырга олинган етимча Халил маънавий оталар (руҳонийлар) деҳқонларни хонавайрон қилиб, ўзларига ишлатаётганини аста-секин тушуна бошлайди. Мазкур қиссада қишлоқ бойлари ва руҳонийларига қарши деҳқонлар норозилиги кўрсатилади.

Сурия-Америка романтиклари даҳшатли ғайри маънавий дунёга ўз қалбларининг фикр ва ҳиссиётига тўла жонли оламини қарама-қарши қўйдилар. Улар ижодининг лирик йўналиши араб адабиёти учун янги жанр- мансур шеърни юзага чиқарди.

Жуброн учун ягона ҳақиқат, ягона ҳаётий маъно-муҳаббат ва гўзаллик. Адиб унга қандайдир санамга сажда қилгандек сиғинади, унинг учун севги кўшиғи, бандаларга эмас, худога насиб этган сеҳрли куйдир. У севги ҳақида сўзлайди, унинг мансур шеърларида «Юр, севгилим баландиликлар бўйлаб юрамиз» деган инжилона оҳанглар эшитилади. Жуброн буржуа дунёсига утопия руҳидаги келажак салтанатини қарши қўяди («Келажакка нигоҳ»). Бу гўзаллик, уйғунлик, умумий тенглик салтанати бўлади. Аммо ушбу гўзал дунё фақат орзу бўлиб, шоир унга эришишнинг аниқ йўлларини билмасди. Шунинг учун ҳам Жуброннинг барча мансур шеърлари маъюслик руҳи билан

суғорилган. Жуброн ва ар-Райҳоний табиатнинг араб адабиётида мисли кўрилмаган ёрқин, жонли манзараларини яратдилар. Уларда гоҳ бадий уйғунлик, гоҳ бўрон, туғёнлар билан йўғрилган қалб ҳолатлари ҳукмрон бўлади.

«Синган қанотлар» қиссаси ҳам (1912, Нью-Йорк) муҳаббат ҳақида. Ушбу автобиографик асарда Жуброн араб аёлининг дилкаш образини яратди. Селма-бой хонадоннинг ёлғиз қизи. Дўстлик рамзи сифатида ота қизини Жуброн билан таништиради. Ёшлар бир-бирларини севиб қоладилар. Лекин маҳаллий руҳонийлар раҳнамоси Селмабой мерос эгаси бўлгани учунуни ўз жиянига олиб бермоқчи. Бир неча йил турмуш қургандан сўнг Селма вафот этади. Селма образи вафо ва бурчга садоқат тимсоли сифатида бизга Пушкиннинг Татьянасини эслатади.

«Ал-Ханналик Варда», «Келин тўшаги» ҳикояларида ҳам Жуброн аёлнинг севги ва озодликка бўлган ҳуқуқини химоя қилади. Биринчи ҳикоя қаҳрамони эри билан бир неча йил турмуш қургач, бойликлардан воз кечиб, кетиб қолади. Иккинчисида эса, ўз туйғулари учун курашган аёл севган одами билан қочишга уринади. Аммо йигит кўрқок, жуъратсиз бўлгани учун уни ўлдиради. Ёзувчи мазкур асарларида туйғулар эркинлигини қуйлайди, шарқ конунларини, замирида манфаат ётган никоҳни қоралайди.

Жуброннинг фалсафий қарашлари «Юриш» шеърий туркумида (1918) ўз ифодасини топди. Уларда қачонлардир бошқа дунёларда бахт, озодлик ва абадий ҳаёт излаб адашиб юрган имконият мажозий образлар орқали тасвирланган. «Юриш»да икки овоз бир-бири билан алмашиб туради: Биринчи овоз тарки дунё қилган зоҳидники, у-шоир қарашлари ифодачиси. Унда ёвузлик ва нуқсонларга тўла ҳаёт лаънатланади. Бошқа овоз ғаму андух, курашлардан холи табиат гўзаллигини улуғлайди.

Жуброн «Бўрон» китобига кирган «Сулбан» очеркида санъатнинг буржуа жамиятидаги ўрни тўғрисида фикр юритади. Сулбан бой одамлар олдида қўшиқ айтишдан воз кечади, чунки улар хонанда ва машшоқларга таҳқир назари билан қарайдилар. У дўсти билан мусиқа қадрини биладиган камбағал хонадонига боради, у ерда қўшиқ айтади. Асарда санъат таъмадан холи бўлиб, у барчага хизмат қилиши лозим, деган ғоя илгари сурилади.

Жуброннинг олис ватанига муносабати зиддиятли. Гоҳида у чириган анъаналарга ёпишиб олган, қуллик, забунликка кўниккан ватандошларини «тубида илонлар ўрмалаб юрган ифлос ботқоққа» қиёслаб уларга ўз ғазабини сочади («Онамнинг ўғлонлари!»), гоҳида эса уларнинг аянчли тақдирига қайғуради, «буғдой бошоғига айланиб қолиб» жонажон Ливан ерларида ўсиб, очларни ўлимдан қутқозишни хоҳлайди. Жуброннинг адиб сифатида шаклланиши узоқ ва мураккаб кечди. Ғарб мутафаккирларидан Руссо, Ницше, инглиз шоирлари Блейк, Колдридж унга таъсир кўрсатадилар. Асарлардаги мавҳум ва хира рамзийлик, фантастиклик, мажоз шундан бўлса ажаб эмас.

Озодлик тўғрисидаги анархистик тасаввурлар, табиат ва туйғулар тилига мурожаат қилиш, шахснинг маҳв қилинишига норозилик ва индивидуалликка сиғиниш, давлатнинг зулмига муросасизлик-дунёқарашга оид бундай тамойиллар Жуброн кайфиятига яқин бўлиб, унинг асарларига ҳам кўчган эди.

Ницше фалсафаси айниқса Жубронга қаттиқ таъсир қилди. Адиб исёни ницшесимон тус ола бошлади. Шоир инсондан юқори шахс, у борлиқ ва йўқлик сирларини эгаллаган, гунг ва ожиз, «ўлик туғилган» оломонга қарши, ундан нафратланади, унинг устидан кулади, ёлғиз улуғвордир. Жуброн назарида «озодлик ўғлонлари» бу - Исо («Ҳажда ҳалок бўлган») ва Ницше («Ақлдан озиб ўлган»), учинчиси ҳали туғилмаган. Ўзини озодликнинг ана шу учинчи ўғлони демаса ҳам, ҳар ҳолда унинг мубошири, даракчиси деб ўйлайди. Адибнинг тўпламларидан бири бежиз «Мубошир» деб аталмаган.

Жуброн ўз ижодининг иккинчи босқичида маълум даражада романтик хусусиятни сақлаган бўлса ҳам, ҳаётни акс эттиришга янгича, фаолроқ, уни чуқурроқ англаб ёндошди. Адиб дунёқарашидagi ўзгаришни ўзига хос, лирик шаклда ифодалади: «Орзу-хаёллар водийсида яшаган ёш йигитнинг руҳи қатъийлик ва кучни кадрига етадиган эркакнинг вужудида ўз ифодасини топди».

Мансур шеър жанри адиб ижодининг бу даври учун етакчи ўрин тутди. Аммо кўҳна мавзуларни ёритиш услуби ўзгарди. Сентиментал қаҳрамон ўрнига янги персонаж - қудратли, яқка-

ёлғиз инсон кириб келди. У тақдир билан бўлган фаол курашда тақдирни ўзига бўйсиндиради.

Фақат арабларгагина эмас, балки бутун дунёга «озодлик ўғлони» пайдо бўлиши ҳақида хабар беришни ўзининг бурчи деб билган Жуброн инглиз тилида ижод қилишга ўтди, бир неча мансур шеър ва афоризмлардан иборат тўпламлар чиқариб, Америка жамияти диққатини ўзига жалб қилди.

Араб даврида яратилган асарлар нафақат унинг инглиз тилига ўтишига тайёргарлиги жараёни, балки ёзувчининг инглиз тилида яратган асосий мавзуларнинг юзага келиши ва бошланғич пайтларини кузатиш имконини ҳам беради. Сўз «Пайғамбар» мавзуси, муаллифнинг шахсий ижодий қобилияти имкон берганича маънавий мураббийликка интилиш ҳақида бораяпти.

Шоир мавзуси, унинг юксак ҳаётий бурчи романтизм учун энг муҳим мавзулардан биридир. Романтиклар шоир сиймосида башоратчи ва рисолатни кўрадилар. Улар шоир ва башоратчи илгари бир бўлган, кейинроқ вақт уларни иккига ажратган, аммо ҳақиқий шоир ҳамиша башоратчи, шунингдек, чинакам башоратчи шоир бўлиб қолаверган, деб таъкидлаганлар.

Илк бор шоир ва пайғамбар, «илоҳийликни кўришга одамларни ўргатиш учун худолар томонидан пастга туширилган шоҳ» мавзуси Жуброннинг «Шоир» деб аталмиш шеърида қаламга олинди («Кўз ёши ва табассум» тўплами). Худди шу асарда қаҳрамоннинг ёлғизлиги, унинг билим ва донолиги одамларга керак эмаслиги, уни ғам-аламлар ва мустабидлардан ўлимгина халос этиши мотивлари ифодаланган.

Сўнроқ қаҳрамон образи, маълум даражада, Ф. Ницше ғоялари таъсирида ўзгарди. «Бўронлар» тўпламидаги ҳикоя қаҳрамони Йусуф Фаҳари шоир ва мухлис, кучли ва мағрур инсон, онгли равишда ёлғизликни танлайди, унингча фақат ёлғизлик инсонларда руҳ ва фикр уйғотишга қодир.

1918 йилда инглиз тилида Жуброннинг «Телба» асари босилиб чиқади. Унда ҳам шоир ёлғизлиги мавзуси ҳукмрон, муаллиф шоирни ёлғиз бўлиш озодлигига эришган телба деб атайди.

Ана шундай йўл билан Жуброн асосий асари «Пайғамбар»га етиб келади. Унда ёзувчи инсониятнинг «абადий муаммолари» ҳақида ўз фикр ва қарашларини баён этади.

Арабчадан воз кечиб инглизчага ўтиш Жуброн учун фақат тўсиқларни енгиб, Ғарб китобхонини Шарқ таълимотлари билан таништиришда пайғамбар устоз сифатида етилганини билдирмас эди. Бу ҳол адиб эволюциясидаги, ўз вазифасининг универсаллигини тушунишдаги янги босқич эди. Диққатга сазовор нарса шундаки, Ғарб ва Шарқ романтик адабиёти вакиллари ижодида мавзу ҳамоҳанглиги сезилади.

Маълумки, Америка трансценденталистлари (Торо, Эмерсон) ижоди учун «шарқ донолиги» романтик утопия манбаи бўлиб, романтиклар уни буржуа Америкасининг меркантилизмига қарама-қарши қўйдилар. Уларнинг асарлари билан яхши таниш бўлган Жуброн бу мавзуга мурожаат этди, уни чуқур фалсафий мазмун билан бойитди.

Мавҳум образлар юзага келиши Жуброн ижоди инглиз даврининг характерли хусусиятларидандир. Уларда рамзийлик дастлабки асарлар символикасида сифат жиҳатидан ажралиб туради. («Кўз ёши ва табассум», «Замин худолари»). Анъаналарга қарши бош кўтарган исёнкорнинг ҳаяжони, жанговарлиги кейинги асарларида «яхшилик ва ёмонликдан юқоритурган» файласуфнинг донишмандлиги ва босиқлиги билан алмашди.

Жуброн Ницше ғояларидан бутунлай воз кечади. Адиб қаҳрамони ўқитувчи, мураббий сифатида одамларни эзгулик, гўзаллик ва адолат ғояларига амал қилишга чорлайди, у «тун қоронғулиги замирида янги тонг яшириниб» ётади, деб ўргатади. Ёзувчининг одамларга муносабати ўзгаради. Уларга нисбатан олдинги нафрат муҳаббат ва ҳайрихоҳлик билан алмашади.

Мустафо пайғамбар («Пайғамбар») одамларни янги, пантеистик жамиятга хос урф-одатларга зид бўлган, одамларни ҳаётининг умидбахш сирларига яқинлаштирувчи динга жалб этиш учун улар хузурига чиқади. Унинг ваъзлари инсон ҳаётининг барча маънавий ва моддий томонларини, ҳамма ахлоқий категорияларни қамраб олади. Ана шу ваъзда Жуброннинг идеали аниқ намоён бўлади - у меҳнат ва

мулоҳазаларга тўла, анъана ва қонунлар кишанларидан холи ҳаётни улуғлайди. Аммо бу ҳамма нарсага рухсат берилади, дегани эмас. Рух ва тананинг фаол ҳаракат учун озодлиги, ақл ва эҳтирослар уйғунлиги яхшиликнинг ҳаётда амалга ошишидир.

Дунёдаги уйғунликни излаш, жамиятга исён, камбағалларга ҳамдардлик ва «оломон»га нафрат билдириш орқали Жуброн улуғвор инсонга мадҳия ўқийди, унда мангу ёлқинли рух, одамларга ўз қалблари сирини ўргатадиган муҳаббат бор. Жуброн учун гўзаллик фақат табиатда эмас, унга озод инсон ҳам мансуб, чунки «гўзаллик ўз муқаддас қиёфасидан никобни кўтарувчи ҳаётдир. Аммо ҳаёт-сиз, никоб ҳам - сиз».

Амин ар-Райҳоний (1876-1940).

Амин ар-Райҳоний ҳақида араб ва ноараб мунаққидлар нималарни ёзмадилар. «Ар-Райҳонийнинг ҳар бир саҳифаси зарарли ва хавотирли фикрлар, нобуд этувчи инқилобий ғоялардир». «Бу ал-Фурейқа водийси файласуфи. Бу янги пайғамбар», «у гапга чечан ёзувчи, вайсаки». «У озодлик тарафдори, ҳар қандай зулмнинг аёвсиз душмани».

Амин ар-Райҳоний ким ўзи?

Рус китобхонини ар-Райҳоний асарлари билан таништирган машҳур арабшунос И.Ю. Крачковский уни янги араб адабиётидаги Сурия-Америка мактабининг етакчиларидан бири, деб атайди.

Ар-Райҳоний 1876 йил 24 ноябрда ўрта ҳол маронит оиласида дунёга келди. Уларнинг Байрутдан шимолроқдаги ал-Фурейқа тоғи водийсида озроқ ери бўлган. 12 ёшида у амакиси билан бирга Қўшма Штатларга боради. Оиланинг савдо-сотик ишлари уни қизиқтирмасди. У нажот йўлини китоблардан қидирарди. Хуго, Волтер, Руссо, Байрон, Шекспирларни инглиз тилида ўқиди. Шекспир театри шу қадар уни ром этдики, 17 ёшида штатма-штат кечиб юрган сайёр труппага кирди. Уларда кўпинча Шекспир пьесаларидаги масхарабозлар ролини ўйнади. 1897 йилда Колумбия университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Лекин бир йилдан сўнг уни тарк этди ва мустақил ўқишини давом эттирди.

Ар-Райҳоний вақти-вақти билан Ливанга келиб тураркан, маълумотидаги етишмовчиликларни тўлдиришга ҳаракат қилар, араб тили ва адабиётини кунт билан ўрганарди.

Уни, айниқса, суриялик кўзи ожиз файласуф-шоир, хурфикрли мутафаккир Абул Аъло ал-Маърий ҳайратга солди. Нью-Йоркка қайтгач, у ал-Маърий шеърларини инглиз тилига таржима қилди.

Араб маданияти билан қанчалик қизиқмасин, ар-Райҳоний ватанидаги ҳаётни идеаллаштирмади. 1900 йил 9 февралда Нью-Йоркдаги маронит жамияти ташкил бўлганига бир йил тўлиши муносабати билан араб тилидаги нутқи бунга далил бўла олади. Шу нутқида у араблар бирлиги йўлида диний мурасага, сабр-тоқатга чақирди ва Ливанда ҳукмрон бўлган динлараро душманликни кескин қоралади. Унинг фикрича, душманлик ва черков пешволарига кўр-кўрона бўйсиниш мамлакат қоқлигининг сабабчисидир. Ана шу нутқдан кейин «Ҳайвонлар оламида уч томонлама келишув» (1903) памфлети юзага келди. Китоб қаҳрамонлари инсон тили билан сўзлашувчи ҳайвонлар. («Калила ва Димна»га таклид). От ҳайвонларни буғ поезд ва автомобилга қарши чора кўриш учун отхонага мажлисга йиғади, гўё улар ҳайвонлар ҳокимиятини барбод қилаётган эмишлар. Муаллиф фикри баёнчиси бўлган тулки ҳайвонларни тараққиётга тўсқинлик қилишда айблайди. Ҳайвонлар уни судга берадилар. Сўнг адолат тимсоли-шеър пайдо бўлади. От, эшак, хачир ўзларига шафқатли бўлишни сўраб сўзлайдилар. Шер кечиради, аммо улар барибир тараққиёт тимсоли поезд гилдираклари остида ҳалок бўладилар.

«Мана шу жажжи китобча Сурия ва баъзи Америка ёшлари онгида чинакам инқилоб қилдики, айтишларича, хатто Эмил Золянинг ўзи ҳам китобларида ар-Райҳонийнинг «Уч томонлама келишув»идагидек шафқатсиз бўлмаган,⁶ деб ёзади Нью-Йорк газеталаридан бири.

1904 йилда Райҳоний «Ҳачирбон ва Руҳоний» қиссасини нашр этди. Унда насоро руҳонийларининг очкўзлиги ва хасислиги танқид қилинади. Райҳонийнинг илк асарлари 1910 йилда «Райҳоният» номи билан чоп қилинди. Улар тўртта (1910-1928):

⁶ Современная арабская проза. М., 1961. стр. 3

шеърлар ва наср, эссе, хикматли сўзлар, машхур 2-жилдлик Араб ярим ороли мамлакатлари ва Месопотамияга қилинган саёхатлар баёни, бир қанча роман, араб мамлакатларига бағишланган тарихий ва географик асарлар. Бу тўпламларни И. Ю. Крачковский «Бу ёзувчининг барча изланиш ва дардларининг ёркин кундалиги» деб атаган эди.

Амин ар-Райҳоний мунаққидлари икки гуруҳга бўлинади: консерватив гуруҳ уни Ғарбнинг ташландиғи деб, турли маломатларни унга ағдаришди; инқилобий доиралар эса, адибни ўз файласуфи ҳисоблашарди. Узоқ йиллар Ғарбда яшаган адиб, ғарбча турмуш тарзи ва ижтимоий тузумдан ихлоси қайтган эди. «Нью-Йорк» мансур шеърида у капитализмга турли айблар кўяди. «Эх, Нью-Йорк, сен заминнинг бойликларини йиғдинг, сенинг саройларингда жавоҳирлар, олтин, қимматбаҳо тақинчоқлар мўл. Қоронғу кулбаларингда эса қашшоқлик, очлик ва нолалар».⁷

«Шундай кунда қашқир ҳам ёқимтой» ҳикоясида Райҳоний ишсизнинг оиласида очлик ва шамоллашдан гўдак вафот этгани тасвирини беради. Ғарб цивилизациясидан ҳафсаласи пир бўлган Райҳоний она юрти Ливанга қайтди. Бу ерда ҳам адиб чуқур ҳаётий зиддиятларга дуч келди. Мамлакатда хорижий капитал, турк пошшолари ҳукмрон, бир вақтлар истеъдодли, бадавлат бўлган халқ изтироб ва очликдан азоб чекарди («Байрут тасвири»). «Байрут-мис гардишидаги Шарқ дурдонаси, балчиқдаги дур бўлиб, унинг тепасида электр шовқин солади,» - деб алам билан ёзади адиб она шаҳри ҳақида.

Амин ар-Райҳоний дунёни ўзгартириш йўлини аввало шахснинг ўз-ўзини такомиллаштиришида ва халқни маърифатли қилишда, «тўғри тарбия ва ҳақиқий таълимда» деб билди. Аммо энди унинг севимли шиори «шахс такомиллида-жамият такомилли, жамият такомилли эса - ҳокимият такомилли» ҳам ёзувчи учун етарли эмасдек туюлди. Энди уни зулмга қарши исён, ижтимоий инқилоб фикри банд этган эди.

1917 йилги Россия инқилоби ҳақидаги хабарни ар-Райҳоний катта қизиқиш ва ҳайрихоҳлик билан қабул этди. Унда «тозаловчи бўрон»ни кўрди, ваҳоланки пролетариат диктатураси унинг мутлоқ тенглик ва озодлик ҳақидаги идеалларига зид эди.

⁷ Ушбу китоб, 108-бет

У болшевиклар тинч инкилоб, маърифат ва ислоҳатлар йўлидан борадилар, уларнинг ноёб тажрибалари муваффақиятли яқунланади, мутлако янги жамият қурилади, деб ўйлади.

Райҳоний ижодида икки қисса алоҳида ўрин тутади: «Гирдоб бинафшаси» (1910) ва «Ҳарамдан ташқарида» (1917) қиссалари худди Жуброннинг «Синган қанотлар»и сингари Шарқда аёл аҳволи мавзуси билан боғланиб кетади.

Араб романтиклари маърифатпарварлардан феодал анъаналарига қарши курашнинг муҳим кирраларидан бири-аёл озодлиги учун кураш эстафетасини қабул қилиб олдилар. «Ҳарамдан ташқарида» романи воқеалари Туркияда биринчи жаҳон уруши йилларида содир бўлади. Жаҳон юқори лавозимли турк зобити Ризо пошшонинг кизи. У турмушга чиқади, лекин кўп ўтмай эри уйга иккинчи хотинини олиб келади, бу Жаҳонга оғир ҳақорат бўлиб туюлади, у эрининг хонадонидан кетади. Жаҳон қолган умрини мусулмон аёлларининг оила ва жамиятдаги ҳуқуқлари учун курашга бағишлайди. Ҳарбий госпиталда шафқат ҳамшираси бўлиб ишлайди, ўша ерда немис генерали Фон Вилленштейнни учратади. Чуқур эътиқодли мусулмон Жаҳон генералнинг севгисини рад қилмайди, у билан бирга яшашга рози бўлади.

Жаҳон чинакам романтик образ. У анъаналарга қарши бош кўтарган, юксак мақсадларга интилувчи, эҳтиросли (унинг шиори - қасос ёки ўлим), мағрур табиатли аёл. Жаҳонда маърифатпарварлик романларида учрамайдиган хусусиятлар мавжуд. Унинг қалби аламли зиддиятларга тўла.

Райҳоний қаҳрамони ўзи каби фожиали, ёлғиз, у шарқ дунёсида ҳам, Ғарб дунёсида ҳам ўзини бегона ҳис этади. Ҳатто ўзининг азиз отаси, кекса пошшо билан ҳам умумий тил топиша олмайди, севган инсони-немис генерали ҳам душманга айланади.

Жаҳон озодликка санамга сиғингандек сигинарди, озодлик у интилаётган муқаддас мақсад эди. Жаҳон оиладаги соф аёллик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан чекланмасдан, ўзини озод шахс сифатидаги мавқеини ҳам ҳимоя қилар эди.

Қисса фақат феминистик маънога эга эмас. Жаҳон тақдирида анъана тарафдорлари ва тараққийпарварлар, Шарқ ва Ғарб, инсонийлик ва Ницшега хос беқайдлик бир-бири билан чатишиб кетган. Ницшечиликнинг асл қиёфасини очиб бериш, унинг

таъсирини сусайтириш араб дунёси учун алоҳида аҳамият касб этади. Ницше таълимоти XX аср бошларида араб адиблари ва сиёсий арбобларини ҳаётда ўзлигини танишга, фаолиққа, иродали бўлишга чақиргани билан ўзига жалб этди. Одатда, бу чақириқ уларда маърифат ва мустақиллик учун кураш билан боғланиб кетарди. Ар-Райҳоний ҳам қолоқлик ва сусткашлиққа қарши бўлиб, ницшечиликнинг ғайринсоний моҳиятига тушуна олди ва унга очик қарши чиқди.

Бу асарнинг умумий романтик мазмунига реалистик унсурларнинг сингиб кетгани яққол сезилади. Воқеалар содир бўлган жой (Истанбул), вақт (биринчи жаҳон урушининг илк даври) аниқ кўрсатилган, Шарқ учун ўта долзарб воқеалар ўз аксини топган. Улар ахлоқий жиҳатдангина эмас, сиёсий нуқтаи назардан ҳам бадиий тадқиқ этилган. Ҳақиқатга яқинроқ қилиб тасвирлашга интилиш шу билан изоҳланадики, Жаҳон араб эмас, турк. Олий табақага мансуб турк аёллари кўпроқ европалашган ва уларда эркинлик кўпроқ эди. Шу даврда биронта мусулмон араб аёли Жаҳон мавқеига кўтарила олмасди.

Қиссанинг учинчи нашрига (1933) ар-Райҳоний баёнининг романтик эмоционал оҳангини силлиқловчи ўзгаришлар киритади, энг муҳими мелодраматик якунини ўзгартирди. Жаҳон касос олади, лекин ҳалок бўлмайди. Истамбулдан узоқ жойда, бошқа ном остида курашишни давом эттиради, тараққийпарвар газеталар билан ҳамкорлик қилади, ўзининг окбадан ўғлини озодлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялайди.

1915 йилда ар-Райҳоний америкалик журналист ва рассом Берта Кейс билан топишади, бир йилдан сўнг унга уйланади. Эрхотин Мексика, Франция, Испания бўйлаб саёҳат қилдилар. Андалузияга борганда испанларнинг архитектураси, урф-одати, миллий характерида унинг қалбига яқин бўлган гарбий-шарқий умумийлик, ўхшашликларни излашга интилади. 20- ва 30-йиллар араб мамлакатларига саёҳатлар ва жўшқин, тинимсиз ижодий изланишлар билан кечади. Унинг араб Шарқида, она халқи маданияти сарчашмаларига саёҳат ҳақидаги орзулари аста-секин идрок этилган сиёсий мазмун билан бойиди. Унинг саёҳатдан мақсади арабларни ўзаро яқинлаштириш, талаб ва ҳаракатларда ҳамкорликни таъминлаш бўлиб, «Араб подшоҳлари», «Тоғлар ва саҳролар Арабистони» (1930), «Араб ибн Сауди» (1928) асарларида

Ўз ифодасини топди. 1935 йилда унинг барҳаётлигидаги охириги асар «Эрон қалби» китоби чиқди. Ливан бўйлаб саёхатлари натижасини 1947 йилда, вафотидан сўнг босилган «Ливан қалби» китобида ифодалади.

Амин ар-Райҳоний 1940 йил 13 сентябрда вафот этди. Адибнинг мероси унинг укаси Альбертга қолди. У ёзувчи туғилган қишлоқ ал-Фурейқадаги адиб уйида музей ташкил қилди. Ўша ерда Райҳоний кутубхонаси, унинг ёзишмалари, араб ҳукмдорларининг тортиқлари сақланади.

Унинг ҳаётига оид асарларда ар-Райҳоний шоир, романтик шоир сифатида эмас, аввало жамоат арбоби, араб мамлакатлари бирлиги, ислохатлар ва маърифат курашчиси сифатида тасвирланади.

Адиб замондоши бўлган етук араб ёзувчилари мумтоз услубнинг кўҳна унсурлари - ташбиҳ, муболаға, тажнис, кофияни янгича қўллаш тарафдори бўлиб чиқдилар. Ана шундай «якши услуб»ни мукамал эгаллаган машҳур миср адиби, ар-Райҳоний тенгдоши Мустафо ал-Манфалутий (1876-1924)дир. Ар-Райҳоний эса, араб адабий тилининг барча бойликларини эгаллаган ҳолда, унга эркин муносабатда бўлар, жумлалари мумтоз услубият коидаларига мос келиши-келмаслиги тўғрисида қайгурмасди. Танқидчиларнинг синчковлик билан қилган эътирозларига ар-Райҳоний парво қилмасди- тўла ижод эркинлиги адибнинг шиори эди. Унинг назарида ҳозирги адабиёт фойтунчилари ҳам нафратга лойиқ, чунки улар «билимлари фойтунига ҳукумат нархномасини осиб олиб, йўловчига маъқул бўлган томонга қаламни суравердилар («Адиблар»). Ҳамма ҳурмат қиладиган ўрта аср араб адиби ал-Мутанаббийни осий, мустабид ҳукмдор ўнгида жилпанглайдиган ва ахлат орасида судралиб юрадиган истеъдод» деб атайди («Ал-Мутанаббийнинг икки шеъри»).

Ар-Райҳоний ёзувчиларни икки тоифага бўлади: «Уларнинг бир тоифаси одамлар учун, бошқалари ўзи учун ёзади» («Адиблар»).

Бир қараганда, бу адабиётнинг сиёсатдан мутлоқ йироқлигини тан олиш, реал ҳаётдан чекинаётганларни оқлашдек туюлади. Аммо ар-Райҳоний бу сўзларга ўзгача маъно беради. Ўз-ўзини қониқтириш виждон буюрганини қилиш, бу эса ёзувчи ҳалол ва фидойилик билан, ҳеч кимга қарамасдан, ҳақиқатга фикр-ўй, сўз ва

иш билан хизмат қилишини англатади («Улуғ шаҳар»). Шундай қилиб, санъаткор озодлиги ар-Райҳонийга анархистча чегарасизлик бўлмай, балки юксак мақсадни кўзлашдир.

Ар-Райҳонийнинг ёзувчи бурчига муносабати «йиғлоқи шоирлар»ни кескин қоралашида яққол намоён бўлади. Йиғлоқи шеърийат гарчи самимий бўлса-да, одамларга заррача наф келтирмайди. Ана шу фикрни ар-Райҳоний «Шоирларга насиҳатлар» асарида ривожлантиради.

Ар-Райҳоний асарларида табиат ҳамиша жонли тасвирланади, чунки унинг пантеистик тасаввурида табиат тушунчаси ҳамиша худо тушунчаси билан боғлиқ. Худо, унинг таърифича, «муҳаббат ва ҳақиқат», «яширинган борлиқ», «табиат замиридаги сир».

Ар-Райҳоний худога чинакам сиғиниш диний маросимлари бажо келтиришда эмас, табиат қонунлари бўйича ҳаракат қилишда, ўз қалбида Худо нурини, виждонда Худо адолатини сақлашдир, ҳамиша, ҳар жойда, ҳар қандай шароитда ёлгонга қарши ҳақиқатни ҳимоя қилишдир, деб ўргатади.

Ар-Райҳонийдаги Худо-табиат ҳақидаги тасаввурлар, бахт тушунчаси билан ҳам боғлиқ. Бахт табиат ва унинг қонунлари билан тўла уйғунликда яшашдир,- дейди адиб. «Тўла уйғунликка ҳар қандай ишга ижодий ёндошгандагина эришиш мумкин» («Бахт нима?», «Экувчилар учун уруглик»).

Ҳаёт ва динни бундай тушиниш Л. Н. Толстой таълимотининг баъзи қоидаларини эсга солади. Эҳтимол бу унинг таъсиридир, чунки ар-Райҳоний учун Толстой «озодлик, биродарлик, муҳаббат намунаси» эди («Толстой»).

Ар-Райҳонийдаги диний - фалсафий концепция анча барвақт шаклланди. У «ар-Райҳоният»нинг I ва II жилдларидаги асарларда ўз аксини топди. Бу концепциянинг амалга татбиқ этилиши идеал жамият ғояси ва уни амалга ошириш йўллари ҳақидаги фикрлар қисман эволюцияни бошдан кечирди, чунки ар-Райҳоний айтганидек, «ақлли одам ҳақиқат талаб этса, ўз эътиқодини ўзгартириш ёки ислоҳ қилишдан ўзини тиймайди».

Ўта ҳаққонийлик ва самимийликка интилган ар-Райҳоний ўз ички зиддиятларини яширмайди. Бу айниқса, идеал жамиятни куриш йўллари ҳақида сўз кетганда яққол сезилади. Ар-Райҳоний ҳаракатнинг тинч йўлини шахс, жамият, ҳокимиятни мукамаллаштириш схемасини тавсия этди. Аммо у билибми -

билмайми, революцион тўнтариш имкониятини ҳам инкор этмайди («Инқилоб, экстремизм»). Ҳатто инқилобни табиатнинг экстремал ходисалари зилзила, сув тошқини кабилар билан солиштириб, уни инсоний адолатнинг кўриниши сифатида оқлади. Айни пайтда унинг назарида, маънавий инқилоб, инсон қалбидаги кўзғолон умумхалқ кўзғалонидан олдин содир бўлиши лозим.

Ар-Райҳоний шеърятда чинакам новатор сифатида намоён бўлди. Унинг шеърлари араб сарбасти (верлибрини) яратишдаги илк уринишлар эди. У араб шеърятига янги шакл - «аш-шиър ал-мансур» мансур шеърни киритди.

И. Ю. Крачковский бу атамани «настрий шеър» деб таржима қилди, уларнинг И. Тургеневнинг настрий шеърлари билан муқояса қилди.

Ар-Райҳоний асарнинг маъно яхлитлигини ҳимоя қилиб, қасиданинг композицион қурилишини инкор этади. Унинг фикрича қасида қурилиши шоирларга шахснинг дунё ҳақидаги мушоҳадаларини ифодалаш имконини бермайди. У шоирларни пуч, сўзлар беагадан иборат бўлган поэтик тилдан воз кечишга чақиради.

Ар-Райҳоний поэтик ижодининг илк босқичида жаҳон романтик адабиётига дахлдор мавзуларни кўтариб чиқди. Озодлик идеали на Ғарбда, на Шарқда амалга ошиши мумкин бўлмаган шахснинг мутлоқ озодлиги сифатида талқин қилинади. («Нью-Йорк», «Гадо Навуходонасор»), табиат мавзусига мурожаат этиб уни илоҳийлаштиради, бузук жамиятга ва иккиюзламачи расмий дин вакилларига қарама-қарши қўяди («Табиат», «Шифо бер», «Водий маъбудаси», «Менинг водийдаги ибодатхонам»). Бу асарларда табиат инсон хусусиятларини касб этади, у мангу ҳаракатда тасвирланади.

Романтик индивидуализмдан, умуман, воқеликка қарши исёнданватанни асоратга солишга қарши норозиликка юз ўгириш ар-Райҳонийнинг XX аср 20-30 йиллар шеърятига хос хусусиятдир. Шоирнинг диққат марказида араблар тақдири, Шарқ қоқоқлиги танқиди туради.

Ар-Райҳоний Шарқ ва Ғарб маданий аънаналари синтези асосида араб уйғониши зарурати ва мумкинлигини эълон қилади («Араблар бургути», «Ироқнинг худоси», «Миср»). Ар-Райҳоний

энди жўшқинлик, ҳиссиётлар тугёнидан ўқувчини фалсафий мушоҳадага ундовчи вазмин баён услубига ўтади.

Ар-Райҳонийнинг образлар олами икки манбадан-Қуръон ва Америка романтик шоири Уолт Уитмен (1810-1892) шеърятидан озикланади. Уолт Уитмен ар-Райҳоний руҳига энг яқин шоир. У буржуача яшаш тарзига қарши бош кўтарган исёнкор, умуминсоний биродарлик тарафдори, инглиз романтизми тақлидчилари шеърятининг эскириб кетган қонунларини бузиб ташлаган ижодкордир.

Шоир Қуръондаги қиёмат сюжетини эскиликнинг емирилиши, янгиликнинг туғилиши сифатида талқин қилади. («Самум», «Мен-Шарқман»). Оллоҳ тўғрисидаги сюжетда ар-Райҳоний шеърятда инжил сюжетлари – инсоннинг ўлими ва тирилиши, инсоннинг чормихга тортилиши ҳам учрайди. («Биз иккимиз бу ерда бегонамиз», «Менинг водийдаги ибодатхонам»).

Уитмендан шоир динга янгича муносабатни, фанга меҳрни, уни оптимистик идрок этишни, демократия табиатини қуйлашни қабул этди. Автопортрет, астрономик образлар, индустриал пейзаж, мифологияга қизиқишнинг кучайиши Уитмен шеърый усулларининг унга кўрсатган таъсиридан далолат беради. Шарқ ва Ғарб анъаналарининг қўшиливи шоирнинг Уитмен шеърый техникасига бориб тақалувчи – сажъ ва сарбабга муносабатида яққол кўринади. Арузга хос бадастир ўлчов ар-Райҳонийда учрамайди.

Ўз вақтида ар-Райҳоний чуқур изтироб ва эҳтирос билан тилга олган муаммолар нақадар долзарб эканлигини араб Шарқида содир бўлаётган бугунги воқеалар яққол кўрсатиб турибди. Соддадил, гўзал туйғули идеалист шоир халқаро сиёсат, синфий зиддиятларнинг нозикликларига унча тушунмаган «маънавий инқилоб»га ишониб адашган ҳам бўлсин, лекин унинг ижоди ҳалигача ўз аҳамияти ва қийматини йўқотган эмас. Мустақиллик ва тараққиёт учун курашаётган араб фидойилари учун ар-Райҳоний ижоди маънавий қувват ва самимийлик мактабидир. Ундаги фалсафий теранлик шовинизм билан заҳарланмаган жўшқин ватанпарварни - ҳақиқатга садоқатли китобхон қалбини ўзига тортади.

Михаил Нуайме(1889-1988)

Михаил Нуайме 1889 йилнинг 22 ноябрида Бискинта кишлоғида, камбағал насоро оиласида туғилди. Михаил ва унинг икки акаси Бискинтада Рус Императорининг православ Фаластин жамияти миссионерлари очган бошланғич рус мактабида таълим олдилар. Беш йилдан сўнг у Назаретга, рус тили ўқитувчилари семинарийсига ўқишга юборилди. Машхур муҳожир адиблар – Насиб Арида, И. Ҳаддод, таржимонлар – Салим Кобайн, Халил Байдас, Антуан Баллан ва бошқалар ана шу семинарийдан етишиб чиққан эдилар. М. Нуайме семинарийда рус тилини пухта ўрганди, рус мумтоз адабиёти – Л. Толстой, А. Достоевский ижоди билан танишди. Уни 1906 йилда энг қобилиятли ўқувчилар қаторида Россияга, Полтава диний семинариясига юбордилар. «Семинарияда мен яна рус адабиётига шўнғидим. Менинг нигоҳимда янги, ажойиботларга тўла дунё пайдо бўлди. Мен чанқоқлик билан ўқидим»⁸ деб ёзган эди Нуайме И. Ю. Крачковскийга йўлланган «Ҳасби хол»ида. Семинарияда у адабий тўғаракка қатнашади, рус тилида шеър ёзишни машқ қилади.

Рус адабиёти М. Нуаймега ватанида ҳукмрон бўлган колоқлик ва турғунликни ҳис этишга кўмаклашди. М. Нуайме Россияда Столипин ислоҳоти даврда, халқ оммасининг қашшоқлашган, капитал ҳукмронлигига норозилик билдираётган даврида ўқиди. Табиатан инсонпарвар бўлган М. Нуайме дунё зўравонлари ўзбошимчалигини, бировларнинг зебу-зийнат ва ноз-неъматга гарқ бўлиб, бошқаларнинг даҳшатли қашоқликка маҳкумлигини қоралади.

Студентлар ғалаёнида иштирок этгани учун М. Нуайме бир йилга семинарийдан ҳайдалади. Имтиҳонларни экстерн топшириб, 1911 йилда у диплом билан ватанига қайтади. Сорбоннага ўқишга киришга таёрланади, аммо оиланинг оғир иқтисодий аҳволи уни акаси билан биргаликда Америкага кетишга мажбур қилади. У ерда Михаил савдо ишларида акасига ёрдам беради. Инглиз тилини ўрганиб, Вашингтон университетининг адлия факультетига ўқишга киради. Уни 1915 йилда тугатиб, санъат ва ҳуқуқ бакалаври даражасини олади.

⁸ М. Нуайме. Мен 70 лет. М., 1980, стр. 61

М. Нуайме биографиясини қисқача баён қилар эканмиз, унинг Сурия-Америка мактаби билан ҳамкорлигига ҳам тўхталишимиз лозим.

Нуайме 1919 йил ёзида Нью-Йоркка қайтади, тараққийпарвар муҳожир адиблар йиғилган «Ас-Саиҳ» газетасида иштирок эта бошлади, 1920 йилда улар ўзларининг «Қалам лигаси» ёхуд «Ёзучилар лигаси», деб аталган ташкилотларни тузадилар. Унинг котиби М. Нуайме эди. Лига аъзоларида аниқ ишланган ягона эстетик платформа ҳам йўқ эди. Масалан, Лиганинг бошлиғи ва жони Жуброн романтизм методи тарафдори, Лиганинг котиби М. Нуайме эса, кўпроқ танқидий реализмга мойил эди. Лекин уларнинг ҳаммасини новаторликка интилиш, хурофотга айланган анъаналарга нафрат бирлаштирарди.

Нуайме Лиганинг фаол ходимига айланди. Унинг номи фақат муҳожирлар орасидагина эмас, ўз ватанида ҳам публицист, танқидчи сифатида шуҳрат қозонди. Араб тилидагина эмас, инглизчада ҳам гўзал асарлар яратди. Танқидчилар фикрича, М. Нуайменинг беқиёс реалистик новеллаларидунёга келишида рус адабиёти таъсири ҳам йўқ эмас. У ўзининг она юрти Ливан кишлоқлари, муҳожирларнинг аянчли тақдири, ўзининг армия ҳаётига оид таъсуротлари тўғрисида асарлар ёзади. Адибнинг барча асарларида инсонпарварлик, камбағал одамларга ҳамдардлик, нозик юмор мавжуд («Бор экан-да, йўқ экан»).

Бадиий адабиёт М.Нуайме ҳаёти мазмунига айланади. У - сон-саноксиз ҳикоялар, танқидий мақолалар, Жуброн Халил Жуброн ҳақидаги монография, «Оталар ва болалар» номли пьеса ва бошқа қизиқарли асарлар муаллифи. Деярли, 30 йил давомида дунё кезди, кўп нарсаларни кўрди. Адиб 1932 йилнинг 3 апрелида она юртига қайтди, ўзининг энг яхши асарларини Шаҳрубада (Ливан) ёзди. У 1934 йилда «Жуброн Халил Жуброн» китобини нашр эттирди. Янги араб адабиёти ва маданиятини яратишдаги курашда биз Жуброн билан ҳамфикр эдик», -деб ёзган эди у китобнинг муқаддимасида. 1936 йилда Қоҳирада унинг «Келажак ҳаёт учун кўр-қут» асари чоп этилди, 1945 йилда эса, Байрутда «Асрлар шивири», кейин «Дунё овози», «Ғалвир», «Йўлдаги новдалар», «Бор экан-да, йўқ экан» «Олийлар», «Абу Батта» босилиб чиқади. Бу китобларда урушни фош этишга бағишланган мисралар ҳам оз эмас.

М.Нуайме 50-йиллар бошида қатор араб ва Европа мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилади. 1956 йилда Москва ва Ленинград, Волгоград, ёшлиги ўтган Полтава шаҳрида бўлади. Саёҳатдан қайтгач, «Москва ва Вашингтондан узоқда» китобини ёзди. (1957, Байрут), 1959 йилдан у хотиралар ёзишга киришди.

Хотираларнинг биринчи қисми «Болалик» 1959 йилда, иккинчи ва учинчиси 1960 йилда чиқади. М. Нуайменинг охириги асарлари «Охириги кун» романи (Байрут, 1963) ҳамда ҳикоялар тўплами ва эссе бўлиб, «Далаларда» (Байрут, 1965), деб аталади. 1970 йилдан бошлаб Байрут нашриёти М. Нуайменинг тўла асарлар тўпламини нашр этишга киришади. Унинг адабиётшуносликка оид ҳамда танқидий асарлари шу тўпламларга киритилди (шеърлар, ҳикоялар, пьесалар, очерклар, филология, сиёсат ва бошқа муаммоларга бағишланган чиқишлар). Умрининг охириги йилларида М. Нуайме Бискингда дарвешона ҳаёт кечирди, кўп ёзди. М. Нуайме дабдабали ҳаёт кечирishi мумкин эди. Аммо у табиат қўйнида, ғарибона яшашни, худди Л. Толстой сингари оддий одамлар билан фалсафий – ахлоқий мавзуларда суҳбатлашишни ёқтирарди. Бу тасодифий ўхшашлик эмас. М. Нуайме ўз хотираларида ёшлик йилларини эсларкан, «Ясная Поляна - Толстой уйи мен учун йўлимни ёритувчи маёқ бўлди»⁹ -деб ёзган эди.

Нуаймени қизиқтирган энг муҳим нарса инсоннинг маънавий моҳияти бўлиб, узоқ умри давомида адиб бошқалар маънавий оламини чуқур ўрганди. 1979 йил кузида Михаил Нуайме 90 ёшга тўлди. Унинг асарлари барча араб мамлакатларида машҳур, кўплаб жаҳон тилларига таржима қилинган эди. Унинг ҳақида атоқли Миср адиби Абд ар-Раҳмон ал-Хамисий шундай деган эди: «Биз араб миллати ўғлонлари М.Нуаймени араб замонавий адабиёти ва маънавий ҳаётимизнинг ғурури деб ҳисоблаймиз. У инсон тафаккури йўналишлари ичидаги энг соф, беғубор гуманистик мактабнинг тимсоли эди».¹⁰

Нуайме 100 ёшга тўлишига бир йил қолганда дунёдан кўз юмди. Адибнинг Полтавадаги мухлислари ва шогирдлари бу санани нишонладилар.

⁹ М. Нуайме. Вдали от Москвы и Вашингтона. Байрут 1961, с 76-77

¹⁰ Ўша китоб, ўша бет

Нуайме ижодини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин. Энди шеър машқ қила бошлаган биринчи давр (1906-1912 йиллар) унчалик қизиқиш туғдирмайди.

Иккинчи (1912-1932 йиллар) давр муҳожирлик, ёзувчи балоғати даври. «Оталар ва болалар» пьесаси (1917) «Аркашнинг хотиралари» қиссаси (1918), «Бор экан-да, йўқ экан» ҳикоялар тўплами, шунингдек, тақризлар, шеърлар шу даврда ёзилган. М. Нуайме фаолияти «Қалам ассоцияси»га киргандан кейин алоҳида қулоч ёзди.

Учинчи давр муҳожирликдан кейинги йилларни ўз ичига олади.

«Оталар ва болалар» пьесаси гоявий мазмуни, ҳаётий ходисаларга берилган баҳо, ҳаётий воқеалар тасвири, асосий конфликтнинг қўйилиши жиҳатидан И. С. Тургеневнинг шу номдаги романини эслатади. Худди Тургеневдек Нуайме ҳам икки авлод курашини кўрсатади. Асар марказида оталар ва болалар, консерваторлар ва янгилик тарафдорлари ўртасидаги зиддият ётади. Нуайме пьесасидаги воқеалар XX аср бошларида Ливандаги шаҳарлардан бирида содир бўлади. Мархум Бутрус бек Самаҳа оиласида ҳаёт одатдаги оқимда давом этади, болалар ота-оналарини иззат - ҳурмат қиладилар. Шафқатсиз, золим она ўз қизини аслзодаларга мансуб ахлоқсиз, калтафаҳм одамга эрга бермоқчи бўлади. Унинг катта ўғли Илёс Самаҳа, гарчи илғор фикрли бўлса-да, она иродасига қарши бора олмайди. Онанинг сўзи Илёс учун ҳам қонун, у на ўз озодлиги, на синглиси бахти учун курашишга қобил, ягона чора ўз-ўзини ўлдириш, деб билади.

Мана Илёс хонадонига дўсти муаллим Довуд Салама келади. У Илёс ва синглисида ўз бахти учун курашишга интилиш уйғотади. Қўпол, раҳмсиз Ум Илёс ва очкўз Муса бек Аркушлар ўз манфатларини жон-жаҳди билан ҳимоя қилувчи ва орномусҳақида дворянча тушунчаларга амал этувчи Тургенев зодагонлари, ака-ука Кирсановлардан кўра А.Н.Островскийнинг гротеск усулида яратилган персонажларини кўпроқ эслатади.

М. Нуайме пьесасидаги Илёс Самаҳа адабий прототипи Аркадий Кирсановдан юқори туради. Маълумки, Аркадий Кирсанов ўзининг озодлик ҳақидаги идеалларини унутиб уйланади ва осойишта оилавий бахт эгаси бўлади. Илёс эса ўсади,

иккиланмай «болалар» томонига ўтади, янги идеаллар учун онгли курашчига айланади.

Асардаги иккита аёл образи диққатга лойик. Мулойим қиз Зийнат Довуд таъсири остида ўзгаради, ўзининг севгиси ва жамиятдаги ўрни учун курашади. Онасининг иродасига зид равишда турмушга чиқади. Довуднинг синглиси, ўқиган, оқила қиз Шоҳида Илёсда ҳаётга муҳаббат, эзгуликка ишонч туйғуларини уйғотади.

Худди Евгений Базаровдек Довуд Салама ҳам «болалар» вакили, ўтмиш мухолифи, аслзодаларга мансуб эмас, ҳар иккиси динга қарши. «Менинг иймоним – менинг қалбим. Мен унгагина кулоқ осаман», дейди Довуд. Базаров сингари Довуд ҳам туну кун ишлайди, ҳаёт моҳиятини меҳнатда кўради. Довуд Базаровдек жамиятнинг жиддий касалликларини кўради ва уларни даволаш йўлларини билади.

Довуд ўз дўстини чидам билан тарбиялайди, Зийнатга хатоларини тўғирлашда меҳр ва садоқат билан кўмаклашади. Пьесанинг ёш қаҳрамонлари Тургеневнинг Базаровидек ўзларининг ҳақликларига ишонадилар, бу ишонч уларга курашларда ғолиб чиқишга кўмаклашади.

Тургенев қаҳрамони ёлғиз. Унинг қарашларини ҳеч ким тўла қўллаб қувватламайди. Доуд тақдири ўзгача, синглиси Шоҳида ҳамшиша унинг сафдоши. Уларга Зийнат ва Илёслар ҳам қўшиладилар. Бирқанча фарқларга қарамасдан ҳар икки асар тараққийпарвар кучларнинг умри тугаб бораётган ўтмиш билан бўлган курашларини акс эттиради. Бу мавзу XIX аср ўрталаридаги Россия учун қанчалик муҳим бўлса, XX аср бошларидаги араб Шарқи учун ҳам шунчалик долзарб эди.

Рус адабиётининг М. Нуаймега таъсири «Оталар ва болалар» пьесаси билан чекланмайди, у теран томирларга эга. М. Нуайменинг ижодий услуги, эстетик қарашлари рус адабиёти таъсирида шаклланди. Нуайменинг адабий эсселари, танқидий обзорлари, араб адабиётининг айрим асарларига ёзган тақризлари «Ғалвир» (1920) номли мақолалар тўпламига кирган. М. Нуайме китобга эпиграф қилиб «Агар сен одамларни ғалвирдан ўтказсанг, улар ҳам сени ундан ўтказадилар» деган араб мақолини олади. Адиб ўз мақолаларида кўпчиликка танилган ёзувчиларни ҳам ғалвирдан ўтказишдан чўчимаган. «Ғалвир» китоби рус адабий

танқид мактаби таъсирида, биринчи навбатда В. Г. Белинский таъсири остида дунёга келди.

Нуайме «Адабиёт ўзаги» мақоласида адабиётнинг жамиятдаги муқаддас бурчи ҳақидаги тушунчалари билан ўртоқлашади: «Оламнинг энг ноёб гавҳари инсондир, адабиёт унинг интилишлари ва орзу умидларини ифодалаб, умид уйғотиб, бахт ва адолатга йўл кўрсатиши керак. У адабиёт орқали ҳали ундан яширин бўлган нарсаларни кўриши лозим. «Тиллақўнғизлар» мақоласи китобхон ва ёзувчиларни жаҳон адабиёти асарлари билан таништириш заруратига йўналтиради.

Нуайме араб адабий тили тўғрисида кўп ёзди. Замонавий шоирларнинг эскирган сўзларга мурожаат қилишларини танқид қилди. «Бақаларнинг қуриллаши» мақоласида эса тилни янгилашга қарши чиққан пурист олимлар тўғрисида ёзади.

Учинчи муҳожирликдан кейинги даврда (1932 йилда Нуайме Ливанга қайтади) адиб муттасил ишлади, муҳожирликда яратилган асарларни эълон қилди, «Бор экан-да, йўқ экан» ҳикоялар тўплами, «Учрашувлар» қиссаси, «Босқичлар» фалсафий эссе ва мақолалар тўплами, «Тинчлик овози», «Нур ва зулмат», «Йўллар», «Мирдод ҳақида китоб» фалсафий рисоласи устида ишлади.

Бу даврдаги эътиборга лойиқ асарларидан бири «Жуброн Халил Жуброн, унинг ҳаёти ва ўлими, адабий ва бадиий ижоди» китоби эди. И. Ю. Крачковский ушбу китоб билан танишар экан, у араб адабиёти учун янги бадиий биография жанрини бошлаб берганини таъкидлайди. М. Нуайме китобга ёзган сўз бошисида «Менинг мақсадим Жуброннинг қисқача ҳаёт йўлини ёритишдир. Унинг турли мусибатлар билан кураши қанчалик қатъиятли ва эзгуликка бўлган ишончи нақадар гўзаллигини кўрсатиши учун Жуброннинг баъзи хатоларига тўхталаман. Китобхон Жуброн табиатини бутун яхлитлиги, ранг-баранглигини тушуниши учун айрим ожизликларини очдим, шуҳрат ва улуғворликка чанқоқлигини яширмадим. Мен бу китобни батафсил, ҳар томонлама, самимият ва муҳаббат билан ёздим, қаламимни попоқлар назаридан сақладим»¹¹.

¹¹ Современная арабская проза, М., 1961, стр. 10

«Москва ва Вашингтондан олисда» (1957) китоби, Нуайме ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларининг ўзига хос баёнидир. Гарчи бу китобда муътабар араб адиби дунёқарашидаги чалкашликлар ўз ифодасини топган бўлса-да, ёзувчининг Полтавадаги ҳаётини акс эттирувчи материаллар жуда қизиқиш уйғотади. Асар муаллифнинг Россияга, унинг маданиятига бўлган илиқ муносабатини ифода этади.

1959 йилда Бейрутда М. Нуайме хотираларининг биринчи қисми «Етмиш ёш» босилиб чиқди. Хотиралар унинг ижодини тадқиқ этувчиларга, араб воқелиги билан танишмоқчи бўлганларга ноёб материал беради. Аксарият тадқиқодчилар М. Нуаймени араб адабиётида қисқа ҳикоялар устаси ҳисоблаган Муҳаммад Теймур билан бир қаторга қўядилар. Адиб «Унинг янги йили» (1914) деб аталувчи илк ҳикояси долзарблиги, ҳаққонийлиги билан танқидчилар диққатини тортган эди. Ёзувчи ҳикояларининг ўзига хос хусусиятлари - фикрнинг чуқурлиги, тасвирнинг мантиқийлиги, тилнинг содда ва аниқлиги.

Ҳикоянавис сифатида Михаил Нуайме араб муҳожир адабиёти ва рус классикларидан таъсирланди. Танқидчи Юсуф Нажм рус адиблари таъсирини Нуайме томонидан мураккаб зиддиятларни очишда ва киши қалбининг нозик ифодасида кўради. «Новелланинг асоси, - дейди Нуайме -воқеалар ва одамлар тасвиридаги қисқалик, диалогларнинг жўшқинлиги». А. П. Чехов ҳам «қанча қисқа бўлса, шунча яхши» деганда шуни кўзда тутган.

Ёзувчи ҳикояларининг мавзулари хурофот ва бидъат қурбони бўлган ватандошлари ҳаёти билан боғлиқ. Нуайме ярамас одат ва анъаналарни кескин танқид қилади («Туғмас аёл», «Унинг янги йили»), шуҳратпарастлар, мансабпарастларнинг маънавий қашшоқлигини очиб ташлайди, аёлларнинг ҳуқуқсизлигига қарши чиқади, Америкадаги араб муҳожирларининг андуҳли ҳаёти манзараларини чизади («Бор экан-да, йўқ экан», 1937, «Олийлар», 1956, «Абу Ботта», 1959). Инсонпарварлик-Нуайме ижодининг бош хусусияти. Шу жиҳатдан у инсонни даҳолик хусусиятлари, қудратли ва ақлли мавжудот бўлгани учун эмас, тўғрироғи, у ўта ожиз ва кичик бўлгани учун севган. Шу жиҳатдан Нуайме Чеховга яқин туради.

«Ҳақиқатпараст» ҳикояси қаҳрамони Содиқ-камбағал, етим. Ҳаётида виждон амри билан яшашга, ҳақиқатпарастлик билан ҳалол яшашни истайди. У қаерда ишламасин, ўша ерда кўнгилсизлик келиб чиқади, чунки у алдашни, қаллоблик қилишни хоҳламайди. Машҳур адвокатга шофер бўлганида боши осмонга етади. Аммо кунларнинг бирида машинани бошқараётган адвокат бир болани уриб юборади, барча гувоҳларни қўлга олади, Содиқдан бошқа ҳеч ким гинг демайди. Адвокат бутун айбни Содиққа ағдаради. Уни 10 йил озодликдан маҳрум қиладилар. Қамокда тушкунликка тушган Содиқ ўз жонига қасд қилади. Ўлими олдидан ёзган хатида: «Ҳақиқатга ўрин бўлмаган ҳаётга лаънатлар бўлсин. Сен алдоқчи, ёлғончи, ўгри, қаллоб, вайсаки, кўпол эмассан. Нима учун одамлар сендан бегонасирашади, бахт сенга кулиб боқмайди?, -деб ўзидан сўрайди ва бу сўроққа жавоб тополмайди. Ёзувчи Содиқдаги соф ниятлар, истаклар билан уни ўраб олган одамлардаги мунофиқлик, сохталик орасидаги чуқур зиддиятларни очиб ташлайди.

«Олийлар» ҳикоясида жафокаш, чорасиз Ливан деҳқонлари адолатсизлик билан курашишга ноқобил қилиб тасвирланади. Кичкина деҳқон боласининг ягона қувончи кўзичоқ ва хўроз. Қишлоққа хўжайинлар келадилар. Қизларининг хархашаси деб Рашоднинг кўзичоғи ва хўрозини олиб кўядилар. Воқеа иштирокчиларидан ҳеч бири бечора болани ҳимоя қилмайди. Ёзувчи ҳикояларида китобхон кўз ўнгидан меҳнаткаш соддадил деҳқонларнинг образлар галерияси ўтади. Нуайме уларни идеалаштирмайди, уларнинг ишонувчан ва мутеъ қилиб тасвирлайди.

Фуад («Икки исёнчи») бутун умр қашшоқлик билан олишади. Унинг онаси ўглини ўқитиш учун кучини аямасдан кир юувчи, хизматкор бўлиб ишлайди.

Дорилфунунни битиргач Фуад узоқ вақт иш тополмайди. Муҳтожлик уни ўғрилик қилишга мажбур этади. Фуад пушаймон бўлади ва ўз ҳуқуқлари учун курашиш, бирлашиш лозимлигини тушунади. Ҳикоя охирида Фуад ва унинг хотини адолат учун фаол курашчига айланадилар.

Муҳожирларнинг Америкадаги аянчли тақдири «Каккулик соат» ҳикоясида ифодаланган. Никоҳ куни Зумрад бўлажак куёв

Хаттарни ташлаб бошқа йигит билан Америкага кетади. Бу мамлакат тўғрисидаги ажойиб ҳикояларга мафтун бўлган Хаттар ҳам Америкага кетишга қарор қилади.

Дастлаб унга омад кулиб боқади. Йиллар ўтиб Хаттар одамгарчиликдан чиқиб «доллар машинасида айланадиган арзимас кум донасига» айланганини тушунади. Нуайме Хаттар тақдирини бошқаларга намуна эканини таъкидлайди. Ақлли, кучли, жасоратли инсон ўзининг энг яхши даврини дарбадарликда ўтказиб, 20 йилдан сўнг ватанига қайтади, ўз ватандошларини она ерини севишга чақиради, ватансиз ҳаёт йўқлигини уларга тушунтиради. Хаттар «одамларпулнинг кули бўлган жамиятда бахтнинг ҳаёлий эканини хис этади. Нуайме 1967 йил апрелида араб мамлакатлари билан дўстлик жамиятининг бир гуруҳ аъзолари билан бўлган учрашувда маънавиятсизликнинг зарари тўғрисида гапирган эди. 78 ёшли М. Нуайме меҳмонлари орасида Крачковскийнинг шогирди, ёзувчи ижодининг тадқиқотчиси А. Долинина ҳам бор эди. Машҳур адиб ва олим ўз суҳбатида зўр бериб тарқатилаётган «молпарастлик руҳи», манфаатпарастлик, маънавиятсизлик, бир сўз билан айтганда» «америкалаштириш» уни ранжитаётганини таъкидлаган эди.

Вақт ўтиши билан М. Нуайменинг хавфсираши бежиз эмаслиги аён бўлди. Унинг она юрти фуқаролар уруши билан чулганди, қуролли можароларни эса ўзларининг молпарастликлари йўлида халқ манфаатларини қурбон қилганлар уюштирдилар. Урушга нафрат билан қаровчи инсонпарвар адиб М. Нуайме мўътабар ёшга етганида даҳшатли халқ фожиаларининг гувоҳи бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Сурия-Америка мактабининг фаолияти янги араб адабиёти тарихида катта даврни ташкил қилади. Унинг аҳамиятини илк бор И. Ю. Крачковский тан олган эди. Рус ва Европа тадқиқотчилари М. Нуайме, Жуброн, ар-Райҳоний асарлари билан у туфайли танишиш имконига эга бўлдилар. У биринчи бўлиб мазкур адибларнинг рус мумтоз адабиёти билан бўлган ғоявий ва бадий алоқаларини пайқади. Сурия-Америка мактабининг ўзига хослиги шундаки, бу мактаб намояндалари баъзи муҳожирлар сингари Сурия ва Ливан билан алоқаларни узмаган ҳолда Ғарб маданияти билан яқиндан танишдилар, кўҳна араб адабий анъаналарига камроқ амал

қилдилар. Ушбу мактаб вакиллари маиший қисса, роман, реалистик новелла, мансур шеърнинг дастлабки намуналарини яратиш шарафига муяссар бўлдилар. Шу мактаб вакиллари араб адабиётига янги бадиий метод-реализмни олиб кирдилар, реализмга хос хусусият – ҳаётни, воқеликни танкидий идрок этиш ёзувчиларга асарлар проблематикасини демократлаштириш, ўз даврининг жуда кўп муаммоларини ёритиш имконини берди.

Ёзувчиларнинг реализмга томон йўли онсонликча кечмади. Уларнинг ижодида реализм, романтизм ва сентиментализм билан чатишиб кетди. Табиатга меҳр, ватанни қўмсаш, адолатли жамият ҳақидаги ўйлар, гуманизм араб Шарқи адиблари ижодидаги етакчи ғоялардир. Ёзувчилар ижодида диний ақидалар, колонил зулм кишанлари, Сурия ва Ливан халқларнинг ҳуқуқсизлигига қарши норозилик ифодаланди, араб мамлакатларининг ижтимоий тараққиёти масалалари ҳам дадил кўйилди. Сурия-Америка мактаби шоирлари араб шеърятининг анъанавий қонунларини янгиладилар. Абу Мади, М. Нуайме, Жубронлар фақат шаклдагина эмас, мазмунда ҳам анъаналарга кўр-кўрона амал қилишдан воз кечдилар, янги жанр – мансур шеърни яратдилар. Диний мавзу муҳожир араб адиблари ижодида салмоқли ўрин эгаллади. Уларга хос характерли хусусият – диний мурасасозлик, диний фанатизмдан холилик. Қалам ассоциацияси аъзолари масиҳийлик ва исломга эътиқод қилар эдилар, шунинг учун дунёни сўфиёна идрок этиш ҳар икки динни яраштирувчи синалган восита бўлди. Ассоциация аъзолари диний низолар кемириб ётган ватан фуқароларини ўзаро бирдамликка муҳтож эканини ҳис этдилар. Шунинг учун муаллифнинг «Мен»ини дарвеш, танҳо мусофир, таркидунё қилган сўфий образи билан тенглаштириш юзага келди. Тасаввуф билан боғлиқ символика муҳожирлар шеърятини янги мазмун билан тўлдирди, фикр ва ҳиссиётга бой ички оламини очишга кўмаклашди.

Саволлар:

1. Сурия-Америка мактабининг ташкил этилишига нима сабаб бўлди?
2. Сурия –Америка мактаби вакиллари қандай мавзуларни ўз асарларида ёритишди.

3. Сурия-Америка мактаби вакиллари шеъриятда қандай ўзгаришлар киритдилар?
4. М.Нуайме ижодига файси адабиёт кўпрок таъсир кўрсатган?

Мустақил таълим учун мавзулар:

1. Ж.Ҳалил Жуброн ижодида романтизм.
2. М.Нуайме ижодига рус адабиётининг таъсири.
3. А. Ар.Райхоний ижодида реализм.

Адабиётлар:

1. Акбарова М. Х. Очерки истории арабской литературы нового времени. Т., 2001.
2. Акбарова М. Х. Сирийский рассказ. Т., 1975.
3. Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени. М.:1968.

Кўшимча адабиётлар:

- 1) Ходжаева Р.У. Янги араб адабиёти тарихи. Т.: 2004.
- 2) Крачковский И. Ю. Изб. Соч. Т.3. М.-Л. 1956.
- 3) Арабская романтическая проза XIX-XX вв., М., 1981, С. 7.
- 4) Современная арабская проза, М., 1961
- 5) М. Нуайме. Вдали от Москвы и Вашингтона. Бейрут 1961
- 6) М. Нуайме. Мои 70 лет. М., 1980

СУРИЯ ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ

Дарсинг мақсади: магистрантларни Сурия Ёзувчилар уюшмаси вакиллари ижоди ва фаолияти билан яқиндан таништириш

Режа:

- 1) Сурия ёзувчилар уюшмасининг ташкил топиши.
- 2) Сурия ёзувчилар уюшмасининг мақсад ва вазифалари.
- 3) Сурия ёзувчилар уюшмаси вакиллари асарларининг мавзулари.

Таянч иборалар: реализм, оқимлар, ижтимоий мавзулар, Уюшма фаолияти.

Иккинчи жаҳон уруши даврида миллий-озодлик ҳаракатлари бутун дунё бўйлаб давом этарди. Шу жумладан Сурияда ҳам француз ва инглиз мустамлакачиларига қарши кураш авж олган эди. Ва ниҳоят сурияликлар 1946 йилда мустамлакачилик устидан ғалаба қозонишди, мустамлакачилар Сурия ва Ливан ҳудудларидан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

Мана шу кундан бошлаб сурияликлар 17 апрелни мустақилликка эришган кун сифатида байрам қилишади. Суриянинг мустақилликка эришуви маданиятни ривожланишига катта шарт-шароитлар яратди. Жамиятнинг маданий ҳаётини юксалтириш учун ёш ёзувчилар урушдан кейинги Сурия адабиётини ривожлантиришга ҳаракат қилдилар.

Мамлакатдаги адабий ҳаётнинг энг муҳим кўринишларидан бири - бу 1951 йилда Сурия ёзувчилар уюшмасининг ташкил этилишидир. Уюшма атрофида Маваҳиб ал-Қайали (уюшма раиси), Шавқий Боғдодий (машҳур шоир ва ёзувчи), Хасиб ал-Қайали (қишлоқ ҳаётини хажв қилувчи ҳикояларнинг иқтидорли муаллифи), Васфи ал-Бунни, Саид Хавранийя, Лиан Дейрани, Хана Мина ва бошқалар йиғилишган эди. Шунингдек уюшма таркибига ёш ҳикоянавислар: Одил Абу Шанаб, Фатих ал-Мударрис, Салах Дихни, Хусейн Жаркис, Мурод ас-Сибай ва Субхи ал-Халажлар киришган эди.

Мазкур ёзувчиларнинг ижодида ҳикоя жанри ўзининг кейинги ривожланиш босқичига ўтди. Улар кекса авлод ёзувчиларнинг тажрибаларини, жаҳон адабиётининг гўзал намуналарини ўрганишиб, ҳикоя жанридан демократия, мустақиллик ва тинчлик учун курашишда фойдаланишди.

Сурия ёзувчилар уюшмасининг вакиллари уюшманинг мақсад ва вазифалари ҳақида шундай дейишади: «Биз тараққийпарвар, илғор ёзувчилармиз. Бизнинг мақсадимиз – олдинга, ўз эзгу мақсадимиз сари интилишдир. Биз Ватанимизга ишонамиз, биз ишонамизки биз унга хизмат қила оламиз. Агар бизлар ўз Ватанимизнинг ҳаёти, муаммолари билан яшамасак, ўзимизни ёзувчи деб ҳисобламаймиз, чунки бизлар унинг вакилларимиз».*

Уюшма вакилларининг фикрига кўра реалистик санъат халқ ҳаёти билан чамбарчасдир. Чунки реализм орқали ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари очилади. Шунинг учун уюшма вакиллари жаҳон адабиётининг классик вакилларида реалистик методларни эгаллашга ҳаракат қилдилар. Улар Ч.Диккенс, О.Бальзак, М.Горький, Л.Толстой каби буюк реалист ёзувчилардан таъсирландилар. Шуни таъкидлаш лозимки, Сурия адабиётига рус адабиётининг таъсири жуда катта бўлган.

Сурия адабиётида реалистик тамойилларнинг ривожланишига ёзувчиларнинг рус адабиёти билан ошнолиги ижобий таъсир кўрсатди. Сурия бошқа араб мамлакатларига нисбатан кўпроқ даражада рус адабиёти билан чуқурроқ танишиш имкониятига эга эди. Бу ҳол XIX асрнинг 80-йилларида Фаластин жамияти томонидан ташкил этилган мактаблар туфайли бўлиб, уларда рус тили мажбурий фан сифатида ўқитилар эди. Шу боис Сурия ва Ливан ҳозиргача рус адабиёти билан бўлган анъанавий боғланишларини сақлаб қолдилар. Адабиёт соҳасидаги давлат мукофоти совриндори араб ёзувчиси Ҳусейн Фавди бундай ёзган эди: "Биз "Зайнаб" ёки "Исо ибн Ҳишом" эмас, рус ёзувчилари асарлари таржималари орқали улғайганмиз".¹²

* Акбарова М.Х. Сирийский рассказ. Т. «Фан», 1975. стр.31.

¹² Коноров Н. Цесток лимона. Предисловие - М.: 1973. С.3.

Сурия ёзувчилари уюшмаси аъзолари куйидагилар эди: Мавохиб ал-Қайали (раис), Хасиб ал-Қайали, Васфи ал-Бунни, Шавқи Бағдодий, Саид Ҳавранийя, Адил Абу Шанаб ва б. Сурия ёзувчилари жаҳон адабиёти классикларининг реалистик методларини ўзлаштиришга жуда кўп ҳаракат қилар эдилар: Сурия нашриётларининг О.Бальзак, Ч.Диккенс, М.Горький, Л.Толстой каби улиан реалист ёзувчилар ижодига қизиқиши ҳам шундан далолат беради.

Уюшмага аъзо бўлган ёзувчилар буюк рус ёзувчилари ижодига кенг ўқувчилар доираси диққатини жалб қилиш мақсадида адабий клубларда маърузалар ўқишар, матбуот ва радио орқали баҳс, мунозаралар ташкил қилар эдилар. Совет - Сурия маданий алоқалари жамиятининг ташкилотчиларидан бири рус ва совет адабиётининг фаол таржимони ва тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди. Л.Толстой, А.Чехов ва бошқа рус ёзувчилари ҳақидаги маърузалар унинг қаламига таалукли. Н.Тихонов ҳикоялари, Павлянконинг "Чўл куюши", М.Горькийнинг "Она" романи таржималари ҳам унга тегишли.

Сурия ёзувчилари уюшмаси аъзолари бир қатор новеллалар мажмуаларини нашр эттирдилар. Улар орасида Шавқий Бағдодийнинг "Маҳалламиз қон қусмоқда", Саид Ҳавранийянинг "Одамларнинг ўз шодлиги бор", Мавахиб ал-Қайалининг "Оқ рўмоллар", Хасиб ал-Қайалининг "Қишлардан хабарлар", Васфи ал-Буннининг "Гута марказида", Одил Абу Шанабнинг "Дунё, аммо у тордир" каби тўпламлари мавжуд.

Уюшма аъзолари ижоди орқали Сурия ҳикоянавислигига халқ вакилларининг образи кириб келди. Ёзувчилар деҳқонлар, аёллар масаласига алоҳида диққат қилар, халқнинг миллий - озодлик кураши билан боғлиқ воқеаларни қаламга олар эдилар. Адабиётга янги қаҳрамон - яқиндагина фақат кулги учун ёки иккинчи даражаси сиймо сифатида тасвирланган фаллоҳ-деҳқон образи кириб келди.

Ёзувчиларнинг адабий услублари турли-туман бўлишига қарамай демократик эътиқод, ватанга муҳаббат туйғулари, ижтимоий адолатсизликни кўпориб ташлашга бўлган интилиш, ўз халқига сидқидилдан хизмат қилиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш истаги уларни бирлаштириб турар эди. Ушма аъзолари асарлари бадий жихатдан ҳам мукамалликка эга

бўлди. Улар ижодида анъанавий эстетик қонун-қоидалар - кўпгина шарқ адабиётларига хос бўлган насихатгўйлик, дидактикага мойилликни енгиб ўтишга қаратилган мураккаб жараён ўз аксини топган. Бу ёзувчиларнинг адабий изланишларига А.Чехов, Л.Толстой, Г.Мопассан, В.Гюго каби жаҳон реалистик адабиёти намёндалари ижоди катта таъсир кўрсатди. Улар ижодида кўзга ташланадиган қаҳрамоннинг ички дунёсига чуқурроқ кириб боришга интилиш, мавзунини бадий акс эттиришнинг турли усулларидан фойдаланиш, диалоглардан, ички монологлардан самарали фойдаланиш, турмуш воқеликлари унсурларини тасвирлаш ва бошқа тамойиллар шундан далолат беради.

Бадий тил масаласида Ушма ёзувчилари Миср адабларига эргашиб, Х. Ал-Кайали, Мавоҳиб ал-Кайали, В. ал-Бунни адабий тилни имкон қадар жонли тилга яқинлаштиришга интилар эдилар.

Сурия ёзувчилари ушмаси 1958 йилда тарқалиб кетди. Суриянинг Мисрга қўшилиши оқибатида юзага келган мураккаб сиёсий шароит бунга сабаб бўлди. 1958-1959 йиллардаги воқеалардан сўнг бир қатор ёзувчилар хорижга кетишга мажбур бўлдилар. С.Хаврония, Ш.Бағдодий Ливанга, Х.Мина Хитойга, Васфи ал-Бунни Совет Иттифоқига муҳожирот қилдилар.

Ушма - қисқа муддат давомида фаолият кўрсатган бўлса-да, Сурия адабиёти тарихида из қолдирди. Ёзувчилар нафақат ижтимоий адолатсизлик мавжудлигини қаламга олдилар, балки унга қарши курашиш йўлларини ҳам кўрсатиб бердилар.

Сурия адаблари ижодида деҳқонлар мавзуси салмоқли ўрин эгаллайди. Мустақиллик даврида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохатлар аграр муаммони охиригача ҳал қилиб бера олмади. Кам ерли деҳқонлар ва ижарачилар аҳволи илгаригидек оғирлигича қолди. Шунини таъкидлаш жоизки, 30-40 - йиллар адабиётида фаллоҳлар ҳаёти фақат Ушма ёзувчилари асарларида ҳаққоний реалистик ва демократик ёндашув асосида акс эттирилди. Бу даврда Хасиб ал-Кайали ижоди кенг жамоатчилик эътиборини қозонди. Унинг новеллалари қаҳрамони оддий одамлар, ёзувчи улар билан ҳар қуни кўчада, дўконларда, мачитда учрашади. Адиб уларнинг ҳаётини, турмушини,

анъаналарини яхши биледи, бу эса унга ёрқин, жонли образлар яратиш имконини беради.

"Қаҳрамон" ҳикоясида қишлоқ турмушнинг мунгли манзараси жонлантирилади.

Зайтун дарахтлари ёниб кетгунга қадар Иддибада ҳаёт чидаса бўладиган даражада давом этарди. Тирикчиликнинг ягона манбаидан маҳрум бўлганларидан сўнг, фаллоҳлар қишлоқни ташлаб кетишга мажбур бўладилар. Кимдир ал-Жазирага, яна кимдир Дамашққа кетади. қаерга боришмасин, бу жафокаш одамлар тўғри келган ишни қилишар, эрталабдан кечгача бир бурда нон учун меҳнат қилар эдилар. Ҳикоя қаҳрамони Аҳмад Дамашққа келиб доимий иш тополмайди ва очликдан ўлмаслик учун хавфли ўйинлар кўрсатадиган сайёр кироқчига айанади. Ўқувчи тасавурида Аҳмад толейсиз ва жафокаш инсон сифатида гавдаланади. "У қоп-қора устундек бўй чўзган эди. Унинг кўкраги ва қўллари тарам-тарам чизиклар ва қабариклар билан қопланган, шу аллоҳда у қуриб қолган зайтун дарахтига ўхшаб кетарди. Унинг юзларидан бахтсизлик содир бўлгандан кейин қишлоғи чеккан азоб - уқубатлар изини кўргандек бўлдим. Бизни қуршаб олган жимжитлик ўша тун очликка маҳкум қилган, бир бурда нон учун темирни букишга, олов кечишга, баданига санчилган игна азобини чекишга тайёр турган одамларнинг унсиз фарёдидек тугалди."¹³

Одил Абу Шанабнинг "Бу воқеа Дамашқда бўлган эди" ҳикояси қаҳрамони Саид ва унинг қизи Аминани ҳам боши оққан томонга кетишга мажбур қилади. Аммо Дамашқда ҳам бечора йўқсил тақдири ҳеч кимни қизиқтирмайди. Бечораликдан Саид сеvimли қизчасини хизматкорликка беришга мажбур бўлади.

"Саид хонадонни тарк этаётганида йиғи овозини эшитди. Амина нега йиғлайди? Энди унинг қорни тўқ бўлади, Дамашқда қолади-ку. Тўғри, у бундай бўлишини хоҳламасди. Аммо бечора, оч ота нима ҳам қилсин?"¹⁴

Очлик, қашшоқлик фаллоҳларни жиноятга ҳам бошлайди. "Совуқ, ёмғирли кунда қаҳвахона деразасидан бир фаллоҳни кузатдим. У ўткинчилар ўз "матах"ини ўтказмоқчи бўларди. Бировлар унинг "матах"ини кўриш учун тўхташар, бошқалар эса,

¹³ Ас-Саифа ал-ватания. 1956. №2. Б.14

¹⁴ Рассказы сирийских писателей. - М.:1958. С.108

бошлари чайқаб ўтиб кетишар эди" - Х.Мина ўзининг "Бола сотилади" ҳикоясини шундай бошлайди. Йўқчиликдан қишлоқни тарк этган бу бечоранинг "матах"и ўн уч яшар қизи эди. Ҳикоячи уни дийдаси қаттиқликда айблаганида, у шундай жавоб беради: "О, афандим, менда ҳам юрак бор. Ахир, у очлик ва совукдан ўлиб кетишини кутмай олдинроқ сотиб юборганим маъқул эмасми?" Ўқувчи фаллоҳ тақдири ҳақида ёзувчи билан биргаликда чуқур ўйга ботади. Муаллиф қўллаган ташбихлар унинг кўнгли ким томонида эканини очик кўрсатиб туради. Фаллоҳ етиштирган ҳосилнинг олиб қўйган заминдорни ёзувчи чигирткага ўхшатса, фаллоҳни меҳнаткаш чиғанокқа қиёслайди.

Шавқий Бағдодий ижодида ҳам ижтимоий мотивлар реалистик ҳикоя қолишида ифодаланади. Ёзувчи сил касалига йўлиққанлар яшайдиган маҳалла аҳолисининг даҳшатли ҳаётини юксак бадиий маҳорат билан тасвирлайди. Одамлар бу ерда куёш нури тушмайдиган кулбаларда яшайдилар. "Ҳамма уйларнинг ташқарисию ичкараси бир хил: оқар сув чиқиб кетадиган ариқчали пастак остона, миҳ қоқса икки бармоқ билан осонгина суғуриб олса бўладиган даражада чириб кетган эшик. Бари шу."¹⁵ Уйларда яшовчиларнинг ранги шу уйлар қўрилган тошлардек нурсиз. Бу хароба кулбаларга куёш бир зумгина нур сочар, кейин эса яна барча нарса қоронғулик қаърига чўмар эди. Маҳалла аҳлининг онгина ҳам қоронғулик чўлғаб олган. Улар ўлимдан қўрқиб яшашар, ўлим эса кунига улар орасида кимнидир юлиб олиб кетар эди. Мавҳумлик қаршисида улар ўлимни ҳам худди бир жонли мавжудотдек тасаввур қилишарди. Ҳаётнинг бунчалик азоблари нима учунлигини тушунишмагани сабабли улар ўлимдан нажот фақат куёшда, деб ўйлашарди. Муаллиф қаҳрамонлари ўрнига ўзи бунга эътироз билдиради. Бу маҳалла аҳолисининг ҳаёти ҳукуматни қизиқтирмайди, амалдорлар фақат уларни шаҳарнинг бошқа қисмларидан ажратиб қўйишигина ўйлайди. Ниҳоят, маҳалла аҳлини шаҳар ташқарисига кўчириб юборадилар.

Сурия ёзувчилари халқ қашшоқлиги, азоб - уқубатини дард билан тасвирлайдилар. Айни пайтда уларнинг асарларига тушкунлик руҳи бутунлай сезилмайди. Улар ўз ўқувчиларига

¹⁵ Ш. Бағдодий. Маҳалламиз ким кўсмакда. - Байрут. 1954. Б.5.

фақат хайрия ишлари билан бундай аҳволни ўзгартириб бўлмаслигини ўқтирмақчи бўладилар. Ёзувчилар деҳқонлар, оддий одамларни тасвирлар эканлар, адиблар уларнинг асосий хислатлари - меҳнатпарварлик, одамохунлик, ҳалолликларини бўрттириб тасвирлайдилар.

Х. Ал-Кайалининг "Шақилдоқфуруш" асаридаги Мустафо куни билан харидор излайди. Шақилдоқ сотиб оиласи қорнини тўйдирмақчи бўлади, лекин шақилдоғини ҳеч ўйламасдан Аҳмад Афанди уйида ишлайдиган фаррош аёлнинг ўғилчасига текинга бериб юборади. Ш.Бағдодийнинг "Маҳалламиз кон қусмоқ" асаридаги силлар яшайдиган маҳалла аҳли чидаб бўлмас шароитда яшасалар ҳам ўзаро муносабатда одамгарчиликни унутмайдилар. Ёш қизалоқ Аюш сил касалига йўлиққанида қўшнилар ундан ҳол сўраб келадилар, вафот этганида эса, бутун маҳалла мотам тутиб уни дафн этади.

Сурия ёзувчилари айниқса болалар ҳақида алоҳида куюнчаклик билан ёзадилар. Болаларни фожеали тақдирида улар жамиятдаги меҳр - оқибатсизлик, ахлоқий қадриятларнинг йўқолиб бориши нишонларини кўрадилар. Ш.Бағдодийнинг "Ваҳдий ташвишлари" номли таъсирчан ҳикоясида оиласи, касал отасини боқиш учун ота - онаси ва қишлоғидан узоқда яшайдиган бир кишининг уйида чўрилик қилаётган ўн яшар қизалоқ тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. "Қора франк" номли бошқа ҳикояда тиланчи болалар ҳаёти тасвирланади. Кичкинагина бола бир йўловчи илтифотсизлик билан отган тангани олишга чопиб кетаётганида уни машина уриб кетади. Мактаб бой оилалар болаларининг насибаси холос, В. ал-Буннининг "Кўчада" ҳикоясидаги икки бола учун эса, мактаб - гўшт дўкони. Улар шу ерда, суяклар, ахлат ва қон ичида ўзларининг устози Аббуд раҳбарлигида "таълим" оладилар.

Ушма ёзувчиларининг реалистик иқтидори, айниқса, юмористик образлар яратишда намоён бўлди. Хасиб ал-Кайали ўз қаҳрамонларини севади, аммо ҳеч қачон уларни бежаб тасвирламайди. Адиб уларни қандай бўлса, шундай - қўполрок, назокатдан йироқ, баъзан бақироқ, зардали, баъзида эса содда, ишонувчан қилиб, аммо ҳар доим ҳаётий, таниш ва тушунарли қилиб тасвирлайди. "Мен оддий одамларга уларни хушнуд қиладиган, кулдирадиган, жунбушга келтирадиган воқеаларни

айтиб бериш келади. Бунга муваффақ бўлганимда уларнинг хорғин, озиб - тузиб кетган юзларига табассум бағишлаб, озгина вақтга бўлса ҳам оғир меҳнат ва ташвишлардан кутқаргим келади," - ёзган эди Х. Ал - Кайали ўзининг "Мен ким учун ёзаман?" деган мақоласида.

Жамил ал-Араби ва Муниб ал-Афанди ("Мирза" ҳикоясидан) қишлоқнинг икки мирзаси муштарийлар йўқлигидан изтироб чекадилар, сартарош Абдулғафур эса ("Бир мижоз") қишлоқнинг сартароши Абу Исмоил хафа бўлиб қолмасин деб унинг замонавий жиҳозланган сартарошхонасининг ёнидан ўтиб, рақибига соч олдирадилар. Хасиб ал - Кайали бой заминдорларни, ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларидан маҳрум ҳокимларни тасвирлаган ҳикояларида бошқача сиймода гадаланади. Ёзувчининг энгилгина, дилкаш кулгуси бундай ҳолларда ўткир сатирага айланади.

"Задагонлар вакили" ҳикоясида бош қаҳрамон нутқи ва фирибгарлик йўли билан алдаб юрган ҳокимият намояндалари устидан кулади. Парламентга номзод Собир ал-Абъянийнинг нутқи баландпарвоз, шеърлар билан безатилган. У фаллоҳларга мурожаат қилиб дейди: "Эй муҳтарам жаноблар! Мен юқори лавозим ва нуфуз илинжида найибликка интилаётганим йўқ. Мен камбағалларга ёрдам бермоқчиман, чунки ўзим ҳам камбағалман, ҳеч вақоим йўқ. Буюк Аллоҳ, унинг фаришталар ва пайғамбарлари номига қасамки, мен сайлов харажатлари учун пулни ҳам қарзга олганман..."¹⁶ У халққа тоғ - тоғ ваъдалар беради. Содда фаллоҳлар унинг гапларига ишониб, нутқини олқишлар билан кутиб оладилар. Лекин ўқувчи тез орада қишлоқ аҳлининг нойибларидан кўнгли қолиши, уларнинг ҳаёти илгари қандай оғир бўлса, шундай қолишни сезиб туради.

Ёзувчи "Қишлоқ доктори" ҳикоясида очкўз ва шафқатсиз, алдоқчи қишлоқ врачлари обрўини маҳорат билан чизади. Адибнинг унга бўлган салбий муносабати докторнинг ҳаёти, ташқи қиёфасини чизганидаёқ сезилиб туради. Дотор "Расми Афанди аллақачон қирқдан ошган эди. Унинг ташқи қиёфаси кўримсиз: пешонаси япалоқ, касалларникидай сарғайиб кетган юзи нурсиз, ажин босган лунжлари халтадек салқиган, бақбақаси буқанинг

¹⁶Х. Ал - Кайали Шайхдан хабар Байрут: 1955. Б. 70.

томоғидек осилиб тушган, кўзлари шилпик, киприклари сийрак, қорни мешдек. Устига - устак унинг феъли ҳам ғалати".¹⁷ Расми Афанди камбағалларни узоқ кўриб ҳам ўтирмайди. Бемор ўз касалидан шикоят қилиш учун оғзини жуфтлаши биланоқ у олдиндан тайёрлаб қўйган рецептни унинг қўлига тутқазиб "Яна ким бор?" деб қичқиради. Бадавлат мижозлар келганда Расми Афанди бутунлай бошқача - хушмуомила, меҳрибон бўлиб қолади.

Аёллар аҳволи, уларнинг ўз жуфтини танлаш ҳуқуқи барча Араб Шарқининг илғор ёзувчилари, публицистлари, жамоат арбоблари қатори Ушма ёзувчиларининг ҳам диққат марказида эди. Мусулмон аёли икки томонлама зулм остида эди. Шунинг учун ҳам янги араб адабиётининг Қосим Амин, Жуброн Халил Жуброн, Амир ар-Райҳони, Михаил Нуайме каби улкан ёзувчилари ижодида аёллар масаласи салмоқли ўрин эгаллар эди. Ушма ёзувчилари аёллар мавзусини ҳам ижтимоий, ҳам кундалик турмуш нуқтан назаридан ёритганлар. Ёзувчилар қаҳрамонлари яшайдиган муҳит бир-бирига ўхшаш. Улар, асосан, жамиятнинг камбағал, қашшоқ табақалари намояндalари.

Саид Хаврания ҳам аёллар тақдири ҳақида жуда кўп асарлар ёзган. У ўзининг демократик қараши туфайли неча бор қамокларга ташланган, бадарға қилинган. Адибнинг "Мис сандиқ" ҳикояси воқеалари биринчи шахс тилидан баён этилади. Шу йўл блан ёзувчи ўқувчиси билан бевосита мулоқотга киришади. қаҳрамоннинг хотиралари орқали ўқувчи унинг онасининг саргузашти билан таанишади, онанинг машаққатли ҳаёт кечирганига қарамай ўғли, атрофидагиларга бўлган илиқ муносабатини сақлаб қолганини билиб олади. "Онам хорғин эди. Унинг қай аҳволда уйга қайтганлари ҳамон ёдимда - сочлари тўзғиган, ҳансираган, қўлларини совун ўйиб юборган ҳолда келар эди. Мени қўчоқлаб кўксига босганида, кўзида йилтираган ёшни кўрар эдим".¹⁸ Ёзувчи боласи учун ўзини фидо қилган онасига ўз вақтида меҳрибончилик қила олмаган қаҳрамонининг зиддиятли ҳиссиётларини тасвирлар экан, йиғлоқи сентименталликка берилмайди.

¹⁷ Рассказы сирийских писателей. М.: 1958. с.54.

¹⁸ Саид Хаурания. Охириги арамониш - Байрут. б.42-43.

Васфи ал-Буннининг "Қамоқхонадаги оила" ҳикоясида воқеа бошқача ижтимоий муҳитда рўй беради. Врач Салим Маҳмуднинг зиёли оиласида зиддият рўй беради. Ёзувчи бу "зиёли" шахс юзидан ниқобни йиртиб ташлайди. Врач хотини ва ўз онасини ҳимоя қилган ўғлига кун бермайди. У ҳатто эшигидаги қулфнинг тешикчасига ҳам латта тиқиб қўяди. "Аёл киши шу тешикдан келишган бегона эркакларга қарасинми? Ёки бегона эркаклар бу тешикчадан бировнинг хотинига қараса бўладими?"¹⁹ Ёзувчи қўллаган ёрқин ташбиҳлар, топиб айтилган эпитетлар ўқувчи тасавурида Салим Маҳмуднинг жонли образини мужассамлантирибгина қолмасдан муаллифнинг унга нисбатан муносабатини ҳам ифодалайди. "Стул тепасида куррасимон, оқ тарвузга ўхшаган жисм кўтарилади, унинг чаккаларидан соч ёки шунга ўхшаш нарса осилиб туради... "Тарвуз" стол ортидан чиқиб виқор билан занглаб кетган сариқ гардишли кўзойнагини тақади".²⁰ Доктор Салимнинг хотини образи ўқувчисида ачиниш ҳиссини уйғотади. Унинг насибаси - эрига қул каби итоатда бўлиш, ғам ва алам чекиш. Унинг қалбида паноҳ топган ширин севги, эри билан руҳан яқин бўлиш ҳақидаги орзулари у яшаётган, аёллар ҳуқуқсиз бўлган жамиятда юзага чиқиши мумкин эмас эди.

Сурия ёзувчилари ҳикояларида бошқа аёллар образи ҳам бор. Уй - рўзғор билан ижтимоий қуллик асоратида азоб чеккан бу безабон хилқатлар орасида ўзларининг инсоний ғурурини поймол қиладиган ижтимоий қонунларга нисбатан эътироз уйғона бошлайди. Ш.Бағдодий "Уйга қайтиш" номли ҳикоясида Мунирани ота-онаси уйни ташлаб кетишга мажбур қилган сабаблар тўғрисида тўғридан-тўғри гапирмайди. Аммо ўқувчи бу оилада келишмовчилик исломий эътиқодга берилган ота - она гапини қабул қилмаслик туфайли юзага келганини сезади. Ёзувчи бош кўтаришга журъат этган Мунирага келажак ҳаёт йўлини кўрсатмайди. Мунира ўлимга маҳкум. Одамлар онгига сингиб кетган урф - одатлар талабини бажо келтириш, оила юзидан шармандалик доғини қоп билан ювиш учун акаси уни ота-онаси розилиги билан ўлдиради.

¹⁹ Васфи ал-Бунни. Гутти марказида. Байрут. 1954. Б.28.

²⁰ Ўша жой.

Сурия ҳикоянавислигида ёзувчилар илк бор бадий воситалар орқали аёлларнинг севгидаги эркини паймол қиладиган ижтимоий шароитга нисбатан ўз эътирозларини ифодалашга муваффақ бўлдилар. Улар аёллар масаласига янги, прогрессив зиёлилар позициясидан ёндашар, аёллар эркини таъминлашда ўз мамлакатларининг раўнақи воситасини кўрдилар.

Ушма ёзувчилари ижтимоий адолат мавзусини кўтариб чиқар эканлар, ўзларининг баъзи асарларида ишчилар, фаллохлар, зиёлилар орасидаги норозиликни, уларнинг ерга, озодликка, адолатга бўлган ҳуқуқларини қўлга олишга бўлган интилишларини тасвирлаш даражасигача кўтарилдилар. Адабиётга халқ ичидан чиққан, жамиятнинг социал ва руҳоний ҳаётини қайта кўришга интилаётган инсон образи кириб келди. Демократ ёзувчилар диққатини энди инсон ва ижтимоий шароит орасидаги зиддият жалб эта бошлади.

В. ал-Буннинин "Гута қалбида" ҳикоясида инсон ҳақидаги Горькийга хос концепция яққол кўзга ташланади. қашшоқлик ва бекнинг адолатсизлиги туфайли пичоқ суягига қадалган Абу Дийаб ҳосилдаги унинг улушини тортиб олгач бекнинг уйига тушади ва уни ўлдиради. Абу Дийабнинг қилмиши деҳқонлар томонидан қизгин кутиб олинади, чунки бу уларга зулм ўтказганлардан олган қасослари ҳам эди.

Ёзувчи катта маҳорат билан Абу Дийаб образида "қуйи табақалар" йўлбошчисининг шаклланиши жараёнини кўрсатиб беради. Ҳикоя воқеалари замирида ўқувчи тасаввурида иродали, деҳқонларни ўз орқасидан эргаштиришга қодир кучли инсон сиймоси гавдаланиб боради. Ҳукуматлар Абу Дийабни камокда олишга журъат этмайдилар, улар деҳқонларнинг ҳар бир қараши, хатти-ҳаракатидан сезилиб турадиган халқ ғарабидан кўрқадилар. В. ал-Бунни ўз қаҳрамонини ривожланишида тасвирлайди - у илк стихияли эътироздан онгли, эътиқодли курашчи даражасигача ўсиб боради. Абу Дийаб ўз дўстлари билан партизанлар гурҳи тузиб курашни давом эттиради. Умм ал-Жуз музафатидаги ўрмон ва ўтлоқлар француз колониал ҳокимиятини ташвишга сола бошлайди ва у ерларни ёқиб юборишни буюрадилар. Фақат Шаалон қўлга тушади. Ҳикоя Шааланинг ўлими билан тугаса ҳам, ўқувчи энди халқ курашини ҳеч ким тўхтата олмаслиги,

Абу Дийаб ва унинг дўстлари каби халқ қаҳрамонлари ғалабасига ишонади.

Мавахиб ал-Кайами ўзининг "Шафақнинг илк шуълалари" ҳикоясида катта маҳорат билан тасвирлади. Ўқитувчи Лутфи Афанди қишлоққа келиши билан фаллоҳлар уйқудан уйгонгандек, ўзларининг бундан яхшироқ яшашга ҳақлари борлигини тушунгандек бўладилар. Ишчилар муҳитида ҳам синфий онг ўсиб боради. «Неча хўжайин бизни ўзи учди ишлашга мажбур деб билади? Бизда эса ҳуқуқ йўқ. Нега?» Бу галкаш хаёллар Абул Холиққа (Мюн Дейранининг «Изтироб» асари) тинчлик бермайди. У ўз хаёлларини дўстлари ҳам оғир меҳнатлари эвазига арзимас чақа олиб, бутун даромад хўжайин чўнтагига тушиб кетаётганидан норози. Абу ал-Холиққа ўхшаганлар кўпаяди, улар қалбидаги норозилик кучайиб боради ва бу норозилик очиқ, шафқатсиз курашга айланишга тайёр.

Мавохиб ал-Кайали ўзининг «Қайғули касб» ҳикоясида онгли ишчи образини яратишга ҳаракат қилади. Икки етим бола пахта тозалаш заводига ишга киради. Лекин улар ҳам ўша адолатсизликка рўпара келишади. Болалар оғир ишни бажаришади, аммо эвазига арзимаган ҳақ олишади, заводнинг бошқа ишчилар аҳволи ҳам улардан яхши эмас. Болалар заводда «файласуф» деб ном чиқарган ишчи билан учрашадилар. «Файласуф» ишчиларга уларнинг қашшоқлиги сабабини тушунтириб беради, уларни онгли умумий курашга чорлайди. Болалар ҳаётнинг турли қийинчиликларини енгиб, фаол курашчилар сафидан жой оладилар.

Суриянинг демократ ёзувчилари фаллоҳлар ва проллетар ҳаёти мавзусини ўзлаштира бордилар, кишида ачиниш уйғотувчи «кичик одам» бўлибгина қолмасдан, балки курашга қодир ижтимоий фаол қаҳрамонларни изаш йўлидан бордилар.

Анти империалистик мавзулардаги новеллаларда Лига ёзувчиларининг демократик ва гуманистик интилишлари яна ҳам ёрқинроқ акс этди. Улар ватан озодлиги учун ўзини фидо қилган қаҳрамонларни шарафлар эдилар.

Шавқи Бағдодийнинг «Сиртмоқдаги бўйин» номли новелласидаги навқирон инқилобчининг психологик портрети диққатга сазовордир. Сурия халқининг истиқлол йўлида олиб борган курашида кўрсатган мардлиги, ватанпарварлик

ҳиссиётлари Хасиб ал-Кайами ҳикояларида ўз аксини топди. Уларда катта-ю – кичик қаҳрамонлар қалби истеъмолчиларга қарши нафрат билан тўлиб – тошган. Чунончи, «Лавлаги тарихи» ҳикоясида Сурия истило қилинган давр тасвирланади. Ушоққина французнинг такаббурлиги ва эрмакларидан ғазабланган болалар унинг вилласидаги дераза ойналари, люстраларини синдириб кетадилар. Бу болаларга хос қилмишда топталган инсоний ғурур исёни, мамлакатни талон – тарож қилиб очликка маҳкум этган босқинчиларга қарши нафрат туйғулари ўз ифодасини топган. «Юнус ал-Жабас» ҳикоясида ҳам ватанпарварлик мавзуси ўз ифодасини топган. Унда Хасиб ал-Кайами босқинчиларга қарши кураш умумхалқ тусига кириб бораётганини кўрсатган. Юнус яшаётган қишлоқ хувиллаб қолади. Қишлоқ аҳли, аёллар ва қариялардан бошқа ҳамма тугга, партизанлар олдига кетиб қолган. Ум ал-Жузадаги воқеаларни Муридан эшитган Юнуснинг қалби ғазабдан туғёнга келади. Қишлоқ аҳли томонидан оқ байроқ билан французлар олдига элчи қилиб юборилган қарияларнинг шафқатсизларча отиб ўлдирилиши Юнус қалбини жароҳатлайди. Йигитча бутун халқ курашга отланган бир пайта уйда ўтира олмаслигини тушунади.

Л.Дейранининг «Яшил ракета» ҳикоясидаги ўқувчи қиз Суаднинг қалби душманларга қарши нафратдан жўш уради. У ўз юрти учун фойда келтиришни истайди. Довжорак, шиддаткор бу қиз ўз мақсадига эришади – у қўшни уйнинг томида туриб душман самоётига ракета билан йўл кўрсатаётган сотқинни фош қилади. Одил Абу Шанаб («Уйимиздаги кўзғолончилар») ҳам ёш курашчилар ҳақида меҳр билан ёзади. Болалар қўлга қурол олиб уларнинг келажагини ҳимоя қилаётган оталари, унинг дўстлари билан фахрланадилар.

Бу ҳикояларнинг барчасида аҳолининг кенг табақаларни камраб олган кураш жабҳаси камраб олинган. Ёзувчилар бадий воситалар орқали халқнинг ватанпарварлиги, бирдамлиги, зулмга қарши нафратини ифодалай олдилар ва бу ҳам Сурия халқининг мустақиллик учун курашда қўлга киритган ғалабаси омили бўлди.

Сурия новелласи бу даврда ўз ўқувчиларига уларни ўраб турган дунёни кўриш имконини яратди, ижтимоий адолатсизлик, сохтакорлик ва қоқоқликка қарши курашга чорланади. Шу

маънода Сурий новелласининг олдинги даври бу жаанрнинг араб воқелиги заминида ўрин эгаллаши, миллий характер, руҳни ифодаалашга уриниш даври бўлса, мазкур тараққиёт босқичи унинг ҳақиқий гуллаб-яшнаш даври сифатида характерланади.

Сурия ёзувчилари ижтимоий оптимизм руҳи, ватанпарварларининг келажак тараққиётига бўлган ишонч кайфиятида ўз ижодларида илғор реалистик методдан фойдаланиб, халқчиллик, гуманизм тамойилларини дастур қилиб олдилар.

Сурия адабиётида рўй берган чуқур жараёнларнинг принципал муҳим жиҳатларини ўзида ифода этган омил, албатта, янги қаҳрамонлар тасвири эди. Бу давр адабиётида халқ турмушининг янги ижтимоий босқичини ўзида ифодалаган қаҳрамонлар гавдаланди.

Сурия ҳикояси ҳозирги босқичда ҳар бир ўн йилликда Сурия адабиётида новелла жанрини ривожлантирган янги номларни юзага чиқади. Гада ас-Самон, Абдуллоҳ Абд, Нодия Хост, Муҳим Ганим, Мустафо Халложий ва бошқалар ҳозирги босқичда инсон ва жамият мавзусини қаламга олмоқдалар. Улар ижоди Сурия халқининг кундалик ҳаётидан сарчашма олади. Улар ижодига хос долзарблик, халқчиллик, гуманизм ўқувчилар диққатини ўзига жалб этмоқда. Араб танқидчилари бу ёзувчиларни анъанавий йўналишга мансуб деб ҳисоблайдилар. Бу ўринда анъанавийлик сўзини орқага қайтиш, ватандошлар онгига диний, миллатчилик, антигуманистик гояларни сингдириш деб тушунмаслик керак. Араб танқидчилари ёзувчиларни «анъанавий» деб характерланганда уларнинг Лига ёзувчилари гоялари билан узилмас алоқаларини, яқинликларини, воқеликни тасвирлашда анъанавий реалистик методга амал қилишларини назарда тутадилар.

Адабиётлар:

1. Крачковский И.Ю. Изб. Соч. - Т.: Ш-М-Л.: 1956
2. Крымский А.Е. История новой арабской литературы. XIX начала XX века. Главная редакция восточной литературы.- М., 1971.
3. Ходжаева Р.У. Янги давр араб адабиёти тарихи. Т.: 2004.

Саволлар

1. Сурия ёзувчилари ушмаси қачон тарқалиб кетди?
2. "Шақилдоқфуруш" асарининг муаллифи ким эди.?
3. Мавоҳиб ал-Қайали ўзининг «Қайғули касб» ҳикоясида кимнинг образини яратишга ҳаракат қилади.?

Мустақил таълим учун топшириқ:

“Сурия ёзувчилари уюшмаси” мавзуида мустақил иш ёзиб келиш.

XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА СУРИЯ АДАБИЁТИ

Дарсинг мақсади: магистрантларни Сурия адабиётидаги янги босқич, "Янги ҳикоя" жанри билан таништириш

Режа:

1. Сурия адабиётида реализмдан чекиниш.
2. Сурия адабиётида модернизм оқими.
3. Закарийа Тамер, Жорж Салим, Ғ. Ас-Самман ижоди.

Таянч иборалар: неореализм, модернизм, онг оқими, Янги ҳикоя, психологизм, символизм, рамз.

Сурияда 1960 - йилларда бир гуруҳ ёзувчилар майдонга чиқдиларки, уларнинг ижодида онгли равишда реализмга қарши исён сезила бошлади. Бунинг сабаби улар реализмни бевосита марксизм фалсафаси билан бир нарса, деб талқин қилишларида эди. Шу боис Сурия ёзувчиларининг реализмга бўлган интилишлари тўсиққа учради. Газета ва журналлар саҳифаларида ёзувчиларнинг инглиз-америка ва Франция адабиётига яқинлашиб бораётгани сезила бошлади. 1965 йилда "ал-Маърифат" журнали "Сизнинг ижодингиз бирор хорижий ёзувчи таъсирини ўзида акс эттирадими?" деган савол билан мурожаат қилганида кўпчилик ёзувчилар Сартр, Камю, Жойс, Кафка номларини тилга олдилар. Бундан кейинги даврда экзистенциализм фалсафаси таъсирида бўлган ёзувчилар асарларидаги персонажлар жамиятдаги очиқ кураш ўрнига ўзларининг ички психологик курашлари билан банд бўлдилар, мавҳум фалсафий муаммолар ифодачисига айландилар.

Бу йилларда кузатилган реализмдан чекиниш ўзининг сиёсий сабаблари, ижтимоий илдизлари, маданий омилларига ҳам эга эди. Мамлакатдаги мураккаб сиёсий ҳолат, турли мафкуралар орасидаги кураш, асрлар оша давом этиб келаётган исломий ва феодал мағлубият алами, мамлакатнинг бир қисм ҳудуди босиб олинishi - буларнинг барчаси мамлакатда реалистик адабиётнинг ривожланиши учун ноқулай шароитни вужудга келтирди.

Сурия адабиёти механик тарзда реалистик ва модернистикка ажратиш қийин. Аксар ҳолларда ёзувчилар ижодида ҳам реалистик, ҳам модернистик тамойиллар ёнма ён мавжуд бўлиб, ўзаро тўқнашади ва курашади. Ёзувчилар ижодида ҳаётнинг мураккаб, зиддиятли масалалари ҳар хил индивидуал услуб ва жанрлар орқали ўз ифодасини топади. Занариё Тамер, Жорж Салим ва бошқалар ҳикоянинг шу вақтгача араб адабиётида мисли кўрилмаган турларини яратдилар. Эпик вазмин, кенг қамровли воқеалар баёни ўрнини ўқувчи билан мулоқотга асосланган мураккаб шакллар эгаллади. Ёзувчилар ўз ғояларини мажоз, истиоралар воситасида, баёнга эртак ва фантастика унсурларини киритган тарзда ифодалай бошладилар. Ёзувчининг ижодини кузатиб бораётган араб танқидчилари Закарийа Тамерни "даҳшатлар ва ҳаёт гўзалликлари куйчиси" деб аташади. Мисрлик танқидчи Сабри Хафиз Тамер ҳақида бундай ёзади: "Бу ёзувчи ҳаётдаги ўрнини тинимсиз меҳнат орқали эгаллар экан, дунёга ғалати, ҳайрона кўзлар билан нигоҳ ташлайди ва кўп одамлар кўрмаган нарсаларни кўради. У ҳаётни бошқача, одат тусига кирганда ўзгача мушоҳада этади. Бу қип - ялангоч, жароҳатли қалб мужоҳадасидир".²¹

Закарийа Тамер ёзувчилик услубининг ўзига хослиги нимада кўринади? Кўпгина араб ёзувчилари каби уруш ва тинчлик, жамиятни қайта қуриш, қолоқлик, жаҳолат, хурофатга қарши кураш, қашшоқларнинг фожеалари унинг ҳам диққат марказида туради. Бу масаларни ёритишда Тамер, албатта, араб ёзувчилари ичида биринчи эмасди. Аммо ёзувчи ижодида араб адабий аъноаларига хос поэтик рамзлар ҳозирги замон жаҳон адабиёти услублари билан уйғунлашиб кетган. Унинг адабий услубига хос хислат сўздаги тежамкорлик, сиполик, услубдаги изчиллик ва тил ифодалигидир. Тамер услубининг ўзига хослиги мажозга, рамзларга тез-тез мурожаат қилишда, реалистик баёнга эртак унсурларини киритишда намоён бўлади.

"Қуш" ҳикоясида реалистик баён фантастика билан қоришиб кетади. Аббос оч. Уйидаги мушуклар ҳам унинг ўзидек оч. Бир оч бошқа очнинг қорнини тўйғазаолмайди. Ўзингиз қорин ғамини енглар, - дейди Аббос мушукларга алам билан. Унинг енгиди

²¹ Закария Тамер. Енгинда қолган Дамашк. М. 1977.

бутун дунёни портлатишга қодир бомба лойиҳаси пишиб етилади. Мушуклар ундан бу ишни қилмасликни сўрашади, эвазига эса унга учиш учун қанот беришади. "У қувонч билан ер узра парвоз этади. Унинг даҳшатли ғазаби қаёққа кетди? Аббоснинг қалбида одамларга нисбатан чексиз муҳаббат жўш уради. Бахтиёрликдан йиғлагиси келади".²² Лекин дам ўтмай у ерга қулаб тушади. Унинг эркин, бахтли ҳаёт ҳақидаги барча орзулари сароб бўлиб чиқади.

"Кичкина қалб" ҳикоясидаги камбағал Абу Фаҳид бир куни маст ҳолда уйига қайтаётиб йўлда бир кўзичокқа дуч келади. У хурсанд бўлиб, оч ўтирган оиласи қорнини тўйдириш учун қузини уйига қараб судрайди. Аммо бу оддий кўзи бўлмасдан, балки девлар подшоҳининг боласи экани маълум бўлади. Кўзи инсон овози билан Абу Фаҳиддан уни қўйиб юборишни сўрайди, эвазига етти кўза олтин ваъда қилади. Уйига қайтгач Абу Фаҳид хотинига бўлган воқеани гапириб бериб туришни ва олтинни олмагунча кўзичокни қўйиб юбормасликни уқтиради. Эр-хотин янги уй, фаровон ҳаёт, бола-чақанинг ёркин келажаги ҳақида ҳаёл суриб кетадилар. Лекин эртаси куни Абу Фаҳид кечаги жойда кўзичокқа дуч келмайди, ўзи эса маст безори қўлида ҳалок бўлади.

Закарийа Тамер ўзи жамиятнинг қашшоқ табақаларидан чиққани боис араб қашшоқлари ҳаётини яхши биларди. Унинг андуҳли, лирик ҳикоялари эса ёзувчининг ташвишларини, оддий одамларга бўлган ҳамдардлигини ифодалайди.

Абдулла ибн Сулаймон тез-тез нима учун Аллоҳ унга ўхшаш бечараларга раҳм қилмаслиги ҳақида ўйлар эди. У умр бўйи меҳнат қилар, лекин оёғида пойафзали йўқ эди. Ниҳоят, у тақдирига қарши боришга қарор қилади. Кунлардан бир куни у бир йўловчини йўлини тўсиб оёғидаги пойафзалини тортиб олади. Шу дамда полиция машинаси келиб қолади ва Абдуллоҳни ҳибсга олади. Ҳикоя ёзувчининг қуйидаги аччиқ кинояси билан тугайди: "Бу ишнинг ниҳояси буюк Аллоҳ ўлим юборишни кутмасдан пойафзаллик бўлишни хоҳлаб қолган ялангоёқларга яхши ибрат бўлади".

²² З Тамир. Уша китоб.

Сурия адабиётларда анъанага айланган ижтимоий тенгсизлик мавзуси Сурия ёзувчилари уюшмасининг ташкилотчиси ва раиси Жорж Салим ижодида ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Унинг "Камбағал одамлар" номли ҳикоялар тўплами нашрдан чиққанида араб танқидчилари бир овоздан уни Ушманинг демократик анъаналарини давом эттириб келаётган ёзувчилар гуруҳига қўшадилар. Ёзувчи ҳикояларининг қаҳрамонлари камбағал одамлар. Ёзувчи уларнинг фалокатларга тўла, умидсиз ҳаётини кўрсатиш орқали ижтимоий муҳитни тадқиқ этади. "Қабр" ҳикоясида у фақатгина юриш дунёда насиб қилиши мумкин бўлган яхши ҳаёт тўғрисида орзу қилишга имкон қолдирадиган қашшоқлик тасвирини беради. Ҳикоя қаҳрамони бир умр кенг уй, фаровон ҳаёт тўғрисида ҳаёл суради, лекин умрини камбағалликда, тор уйда ўтказди. Ўғли унинг дардини енгиллаштириш учун марфий олиб келганида, дейди: "Тиқилинчлик, дард - ёмон нарса, дори ҳам керак эмас, менга кенггина қабр керак". Ҳикоя ўғилнинг монологи асосига қурилган, у бирор нарсани ўзгартиришга қодир эмас, шундан азиат чекади. Аптекачи унга марфий таклиф қилади, бу - унинг онасига озгина вақтга бўлса ҳам ўзини ташвишсиз ва бахтли сезиш имконини берадиган ягона восита.

"Арзимас воқеа" асаридан ёш, аммо тинка - мадори қуриган кизврач кабинети ёнида уни кута-кута жон беради. Поликлиника эгаси ва унинг яқинларини қизнинг ўлими ташвишга солмайди, балки улар бу воқеа поликлиника ва докторлар обрўсига путур етказишдан ташвишга тушадилар. Бу ачинарли манзарани кузатган котиб инсон ҳаётининг кадр-қиммати ҳақида ўй суриб кетади.

"Болалар" ҳикояси контраст асосига қурилган. Ҳикоянинг боши ёқимли, кишига хурсандчилик бағишлайди. Қуёш чарақлаб турибди, баҳор айёми, боғда қушлар сайрайди. Қабристон яқинидаги бу боғда ўйнаб юрган болалар беихтиёр нохуш манзара гувоҳи бўладилар. Бир қизчани дафн қиладилар, аммо негадир жасадни тобутсиз қабрга қўядилар (ҳикояда масиҳий оила тўғрисида сўз боради). Болалар руҳонийдан бунинг сабабининг сўраганларида камбағаллар ҳатто ўз яқинларини одамларга ўхшаб кума олмайдилар ҳам, деб жавоб беради. Бу гап

таъсирида болалар дилига дард, ва келажакларига нисбатан кўрқув ўрмалаб киради.

Ж.Салим мутафаккир санъаткор бўлгани боис ижтимоий зулм одамларни майиб-мажруҳ қилишини, уларнинг эркин ривожланишига халақит беришни тушунади. Лекин адабнинг ҳикояларини ўқир эканмиз, уларда зиддият етишмаслигини ҳис қиламиз, ёзувчининг ҳаётий позициясини илғаб олмаймиз. Ж.Салим "Жўнаш", "Ташналик тарихи" тўпламларига кирган ҳикояларида ўз қаҳрамонларини ижтимоий воқеликдан ажралган ҳолда тасвирлайди, уларни тез-тез ўзгариб турадиган ижтимоий-иқтисодий шароитдан юқори қўяди. Унинг асарларида кўпинча ноҳақлик тарихдан, замондан ташқарида тасвирланади. Уларда ёзуқ, тақдир алоҳида аҳамият касб этади. Қатор ҳикоялар персонажлари ўтмишни қоралайдилар, ўзлари яшаб турган шаҳардан нафратланадилар. Биз уларда ўз ғазабини пинҳон тутиб қаҳвахонада, саҳрода танҳо ўтирган ёки кўчаларда, ёввойи табиат қўйнида кезиб уни тушунаётган ҳаётни, одамларни лаънатлаб юрган қаҳрамонни кўраимиз.

"Жўнаш" тўплами ҳикояларидаги қаҳрамонлар ғайри-табиий ҳолатларда яшаб, тафаккур қиладилар. Улар шартли "Син" ҳарфи билан аталадилар. "Поезд" ҳикоясида Син кутилмаганда ўзини юриб кетаётган поезднинг бир вагонидан ўтирган ҳолда кўради. "Мен қандай бу ерга келиб қолдим, мени бу вагонда ким чиқазиб қўйди, олдин қаерда эдим?" - сўрайди у ўзидан. Ўикояда юриб кетаётган поезд - ҳаёт рамзи, унинг узлуксиз ҳазакати, шодликлари, қайғули, байрамлари, инсон ҳаётидаги оддий кунлари тимсоли. Поездда жуда кўп турли ёш ва касбдаги одамлар бор. Улар орасида ҳаётни фалсафий талқин қилишга уринган донишманд мунажжим образи диққатга сазовор. Ўикоя бошидан охиригача Синнинг ҳиссиётлари баёни асосига қурилган бўлиб, у қадам - бақадам мунажжим ёрдамида бу Қалати поезднинг тузилишини кашф этиб, унинг шафқатсиз ва илдам ҳаражатига кўникиб боради. Синнинг бу сафар қачон тугайди, деган саволига мунажжим фақат ўлим кишини бу интиҳосиз ҳаракатдан халос қилади, деб жавоб беради. Син Қилдиракларининг сурункали тақир-тиқири остида уйқуга кетар экан, бирданига тўхтовсиз олдинга интилаётган, ўлим номи

номаълум манзилга шошаётган бу поезднинг тўсиқ билмас харакатига кўриниш, бўйин эчиш лозимлигини англайди.

Валид Ихлос, Закарийа Тамер ижодидаги модернизм концепциясига хос экзистенциализм, иррацианолизм, феноменологизм, мифологизм ва бошқаларга ҳаётни диний концепция асосида тушинишни кўшди. Уларнинг ижодида эзгулик ва адолатнинг тўла ғалабаси ё нариги дунё билан ёки охират билан боғланади. Уларнинг фалсафасидаги итоат, мўминлик, зулмга қарши бош кўтармаслик, кечирикликнинг илдизи шу ерда.

"Чиганок" ҳикоясида инсоннинг ўзи яшаётган жамиятдан бегоналашиб юриши - одамовилик муаммоси қаламга олинган. Жаҳрамонга ҳаётдаги ҳамма нарса - университет, саёҳатлар, оила - насиб этган, ҳатога қизиқиши, болалари бор. Тўсатдан уни социал летаргия - бефарқлик ўз домига тортади. Аста-секин қаҳрамонни муҳит билан боғлаб турган ижтимоий ришталар заифлашиб, йўқ бўлиб кетади. Узлат, танҳоликка интилиб, у катта чиганок ичига Ҳалигача у руҳий қийноқлардан азият чеккан бўлса, энди чидаб бўлмас жисмоний азоблар исканжасига олади. У ўрнидан туриш, юриш имкониятидан ҳам маҳрум бўлади. Яқинлари ёдига тушади, уларни ёрдамга чақиради. Унинг кўз ўнгида алп гавда шайхнинг бахайбат сояси пайдо бўлади. Аммо унинг ёлборишлари беҳуда кетади. Шайх уни танҳоликда азоб чекиб ўлишга маҳкум этиб, ёлғиз ташлаб кетади. "Дилингдаги нур сўнди, қалбинг қуриб, бир парча ёғочга айланди, у энди аъзоларингни озиклантиришга қодир эмас" - дейди шайх уни ташлаб кетаётганида.

"Катта меҳмонхона", "Сўқовлар сўзлашуви", "Голгофага кўтарилиш" асарларида дунё қора бўёқларда тасвирланади. Инсон тасодифан ҳаёт гирдобига отилган, у чексиз машаққатлар, оғир ва умидсиз қийноқлардан сўнг ўлимга маҳкум. Умрбод қашшоқлик, бир лукма нон учун кураш, доимий кўрқув ва хавотирлик инсоннинг силласини курилади. Ундаги ўз идеаллари йўлида курашиш истагини сўндиради.

"Ташналик тарихи" тўпламидаги "Булутга айланган одам" ҳикоясида тасвирланган давлат идораси ходими ҳар доим ишдан ҳайдалиш кўрқуви остида яшайди, ёлғизлик азобини чекиб яшайди. Салим талқинида ҳаётда реаллик ва нореаллик орасида

чегара йўқ, ҳаёт чегарасизлик, абсурд ва олғов-долғовдан иборат. Ҳикоя ғояси ходим ва осмондан фаришта қиёфасида тушган бола образлари орқали очилади. Ёрдам ҳаёт қаҳрамонни жонидан тўйдиради ва у нигоҳини осмонга қаратади, булутларга ҳавас қилади, бошқа дунёга кетгиси келади; бола унинг орзусини рўёбга чиқаради, қўлидан тутиб, очиқ фазога саёҳатга олиб кетади.

Мута ас-Сафади, Валид Ихлаш ва бошқалар ҳикояларида одамовилиги муаммоси қаҳрамонларда саросималик, ҳамма нарсани дар-бадар қилиш тўйғусини уйғотган бўлса, Салим асарларида бу муаммо ҳаётнинг бутунлай маънисизлигини, ўлим ҳақлиги эътирофига олиб келади.

"Шаҳар остида" ҳикоясидаги йигит ярим тунда қаҳвахонадан қайтар экан йўлдан адашиб, уйини топа олмай қолади. Унинг кун бўйи уйини топишга қилган ҳаракатлари зойе кетади. У уйдан ҳам, хотиндан ҳам, болалардан ҳам маҳрум бўлади. Даллол унга ёрдамга қўл чўзади. у йигитга турли уйларни кўрсатади, лекин йигит яна уларни йўқотиб қўяверади, топа олмай юраверади. Кутилмаганда даллол унга ажойиб уй топгани ва у бу уйни ҳеч қачон йўқотиб қўймаслигини, энг муҳими, бу уйда у ўзини ёлғиз ва ғамгин сезмаслигини айтади. Даллол топган уй шаҳар четидаги манзарали сайхонликда жойлашган қабрга кўмади. Ёзувчи талқинида маънисиз, унинг қўйнидаги инсон эса ожиз ва нотавон, фалокатлар, дунёнинг югур-югурларидан кутулишнинг йўли эса - ўлим, қабр. Фақат шу ерда инсон, ниҳоят, ором олади, ўз ҳаётининг маъносизлиги, мақсадсизлигини англаб етади. Шу йўл билан ўлим ғоясини Салим умумий, мутлақ даражага кўтаради. Модернизмнинг бой ифода услубидан Салим баёндаги узук-юлуқлик, турли замонларнинг қоришиб кетишига кўпроқ мурожаат этади.

Салим персонажларини ҳатто муҳаббат туйғуси ҳам ҳаёт азобларидан қутқара олмайди. Син бир қизни севиб қолади ("Жўнаш" ҳикояси). Шу вақтда Синни телеграмма орқали уйига чақириб қолишади. Ошиқ-маъшуклар бир-биридан айрилишига тўғри келади. Будан улар кўп изтиробга тушадилар. Ёшларнинг ўзаро суҳбатидаги қисқа, узук-юлуқ иборалар уларнинг қайғули аҳволини ифодалайди. Улар норозилик билдириш, муҳаббатларини ҳимоя қилишга қодир эмас. Қайғу, умидсизлик,

бирор нарсани ўзгартиришдан ожизлик, уларнинг аҳволи-шу. "Поезд" ҳикоясида ҳаётнинг бешафқат ритми кўрсатилган бўлса, бу ерда, аксинча, замон ва ҳаёт тўхтаб қолгандек, дунёда юракни ўртовчи муҳаббат туйғуси ва жудолик аламидан ўзга нарса йўқдек.

Борлиқ ва шахснинг экзистенциализмга ҳос концепцияси Сурия адабиётида 60-йилларнинг бошларида кучайди. Адабий жараёнда кузатилган бу бўҳронли ҳолат ҳам араб, ҳам хорижлик олимлар томонидан ўрганилаётир. Суриялик олим Али Солиҳ Али Сурия адабиётида кузатилган реализмдан чекинишни бундай изоҳлайди: Бу Ушманинг тарқалиб кетиши туфайли реалистик адабиётнинг кўзга кўринган намояндлари адабий ҳаётдан четланиши, кўпроқ модернистик адабиётга эргашиш, бир вақтнинг ўзида ҳам марксистик, ҳам буржуа-фалсафасидан юз ўгирган майда буржуазиянинг мафкуравий бўшлиққа тушиб қолиши оқибатида фалсафада "учинчи" йўлни излаши ва уни экзистенциализмда топиши оқибатидир.

Жорж Салим, Мута Сафади ва бошқалар тўғрисида гапирганда, уларнинг бадиий шакл соҳасида, услубий ва композицион ранг-барангликда эришган ютуқларини четлаб ўтиб бўлмайди. Жорж Салим ижтимоий жиҳатга диққат қилмаган ҳолда инсоннинг ички дунёсига кириб бориш технологиясини ишлаб чиқишга ўз улушини қўшди. Инсоннинг жамият билан боғлиқ фожеаларини кўрсатар экан, нажот йўлини у шахснинг онглилигида кўради. Бу эса, уни шахснинг мажбурий қуллиги, жамиятга қарши фойдасиз исёни ғояси томонга етаклайди. Пировардида, у инсон ҳаётининг бошқача шакли бўлиши мумкинлигига ишончсизлик билдиради.

Агар Сурия адабиётининг пайдо бўлиши, шаклланиш давридан бугунгача бўлган умумий тараққиёт йўналишига назар ташланса, унинг ҳар доим миллий заминга чуқурроқ кириб боришга, турли даврларда мамлакат, халқ орзу-умидларини тасвирлашга интилганини кўриш мумкин.

Ҳозирги замон шароитида инсонга бўлган муносабат, унинг имкониятларини баҳолаш, ички дунёсини тушуниш, шахснинг жамиятдаги ўрнини белгилаш, унинг тарих тараққиётига таъсир кўрсатиш қобилиятини тадқиқ этиш - бу массалар Сурия

ёзувчилари томонидан турлича талқин этиб келинган ва этилмоқда.

Адабиётлар:

1. Кирпиченко В.Н. Современная египетская проза. М.: Наука, 1986.
2. Крачковский И.Ю. Изб.Соч. Т.: Ш.М.Л.:1956.
3. Ходжаева Р.У. Янги араб адабиёти тарихи. Т.: 2004.
- 4.

Саволлар:

Араб танқидчилари "даҳшатлар ва ҳаёт гўзалликлари куйчиси" деб кимни назарда тутган?

"Камбағал одамлар" номли ҳикоялар тўпламининг муаллифи ким?

Салимнинг "Жўнаш" ҳикоясидаги қаҳрамони номи?

Мустақил таълим учун топшириқ:

"XX аср 60-йиллар Сурия адабиёти" мавзuida мустақил иш ёзиб келиш

ЖЎРЖ САЛИМ ҲИКОЯЛАРИДА ИЖТИМОЙ МАВЗУ ВА НЕОРЕАЛИЗМ

Дарсинг мақсади : магистранларни атоқли Сурия адиби Жўрж Салим ижоди билан таништириш, унинг ижодидаги тафаккур эволюцияси орқали адабий жараёни ўрганиш.

Режа:

1. Жўрж Салимнинг ҳаёти ва ижоди.
2. Адиб ҳикояларининг мавзулар кўлами.
3. Адиб ижодида неореализм тамойиллари.

Таянч иборалар: реализм, неореализм, модернизм, психологизм, ижтимоий реализм, рамз.

Замонавий Сурия ҳикоянавислигида ўзининг бой, маънодор бадий қалами билан алоҳида ўринни эгаллаган ёзувчилардан бири - Жўрж Салим 1933 йилда Суриянинг Ҳалаб шаҳрида таваллуд топган. Адиб болалигидан илмга чанқоқ, тиришқоқ, иқтидорли бўлиб, адабиётга ёшлигидан қизиқиши кучли бўлган. Ёзувчи кўп йиллар давомида Дамашк университетида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланган, Маданият Вазирлигида ишлаган. Шунингдек Жўрж Салим дастлаб Сурия ёзувчилар уюшмаси бўлган, кейинчалик Араб ёзувчилари уюшмасининг ташкилотчиси ва раҳбарларидан бири ҳисобланади.

Жўрж Салим адабиёт саҳнасига XX аср иккинчи ярмида кириб келган. Унинг қаламига «Қувғинда» (1962) романи, «Бечора одамлар» (1968), «Кетиш» (1970), «Карлар суҳбати» (1973), «Қадимги ташналик ҳикояси» (1976), «Чексиз кенгликдаги ёлғиз товуш» (1976) номли ҳикоялар тўплами мансуб.

Жўрж Салим ижод билан бирга адабиёт тарихига оид ўқув қўлланмалар ёзиш, бадий асарларни таржима қилиш билан ҳам шуғулланган. Унинг «Араб адабиётига шарҳлар», «Араб адабиётига оид ўқув қўлланма», «Ҳикоячилик саргузашти» каби ўқув қўлланмалари, француз тилидан араб тилига таржима қилган ўн битта ғарб адабиётига оид китоблари мавжуд. Жўрж Салимнинг «Араб адабиётига оид шарҳлар» ўқув қўлланмаси араб адабиётида қисқа ҳикоя жанри ва унинг мавзулари, араб

адабиётида болалар мавзуси, Жазоир адабиёти ва бошқа шу каби араб адабиётининг долзарб мавзуларини қамраб олган. Адиб «Ҳикоячилик саргузашти» ўқув қўлланмасида араб адабиётидаги роман жанрига тўхталади, араб адабиётининг етук, машхур романнавислари бўлмиш, Нажиб Махфуз, Тавфиқ ал-Ҳаким, Муҳаммад Хусейн Ҳайкал, Жуброн Ҳалил Жуброн, Муҳаммад Диб, Тоҳа Хусейн, Иброҳим Абд ал-Қодир ал-Мазани, Абдурахмон аш-Шарқавий, Абд ал-Ҳамид Бенҳадуга, Ҳанна Мина, Абд ал-Карим Ғаллаб, Ғассан Канафани, Тоййиб Солих, Фатҳи Ғоним, Ҳалим Баракот, Жабро Иброҳим Жабро каби ёзувчиларнинг романларининг тадрижий равишда таҳлилни беради. Адибнинг араб адабиёти тарихига оид китобларининг ҳар бири ўзининг бой ва қимматли манбалари, сермазмун таҳлиллари билан аҳамиятга молик манбалар ҳисобланади. Етук истеъдод соҳиби Жўрж Салим 1976 йилда вафот этган.

Жўрж Салим ўз ижодини Сурия ёзувчилар уюшмаси анъанасини давом эттириш билан, яъни анъанавий реализм методидан бошлади. Бу даврда ёзувчи Уюшма ёзувчиларининг асарларидаги каби Сурия жамиятидаги энг муҳим масалаларни, долзарб ижтимоий муаммоларни, жамиятнинг эзилган қатламнинг образини моҳирона акс эттирган. Ёзувчининг мана шу даврдаги ижод намуналари унинг 1968 йилда яратилган «Бечора одамлар» («Фуқарау-н-наъс» - (ال ناس ف قراء) номли реалистик ҳикоялар тўпламида ўз аксини топди. Тўпламнинг номидаёқ Жўрж Салим ҳикояларининг ғоявий-тематик йўналиши аниқ кўзга ташланади. Бу даврда ёзувчининг диққат марказида Сурия жамиятининг маълум бир синфи, аниқроғи жабр чеккан, ҳимояланмаган одамлар ҳаёти туради. Тўпламнинг номи ҳам ҳикоя қаҳрамонларининг классификациясини акс эттиради. Булар ўша даврдаги Сурия жамиятининг ночор қатлами: болалар, ишчилар, деҳқонлардир.

«Бечора одамлар» тўпламига 14 та ҳикоя жамланган бўлиб, ҳикоялар мавзу жиҳатдан ҳам, услуб жиҳатдан ҳам ранг-баранг ва ўзига хосдир. Тўпламдаги ҳикояларни мавзу жиҳатдан уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ижтимоий мавзудаги ҳикоялар: «Бечора одамлар», «Қишлоқда ёнгин», «Ёмғирли тонгда», «Ер устида қабрлар»,

«Қоронғу узун йўлакда», «Кўр боланинг ўлими», «Унинг ҳаётининг баҳоси», «Арзимас ҳодиса».

2. Инсон руҳияти, унинг психологик ҳолатларига бағишланган ҳикоялар: «Сўнги назар», «Мақтаб остонасида», «Соқоқуш ўлими».

3. Ахлоқий муаммолар мавзусидаги ҳикоялар: «Бахтсиз севги», «Шаҳар чегараларида» ва «Қаерга?».

Жўрж Салим мазкур гуруҳдаги ҳикояларида ўша даврдаги Сурия жамиятида ўз ечимини топмаган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни болалар, ишчи ва деҳқонлар, ҳамда ночорликда, камбағалликда яшаётган инсонлар тақдири орқали очиб берган. Ижтимоий мавзудаги ҳикояларни ҳам мавзу жиҳатдан гуруҳларга бўлиш мумкин: болалар мавзуси, ишчи-деҳқонлар мавзуси, ночор, камбағаллар ҳаётига бағишланган мавзу.

Жўрж Салимнинг болалар ҳаётига бағишланган ҳикояларида Уюшма анъаналари яққол кўзга ташланади. Уюшма вакиллари (Шавкий Бағдодий, Фатих ал-Мударрис, Одил Абу Шанаб, Лиан Дейраний, Мурод Сибойи, Ҳасиб Кайалий ва б.) бечора, камбағал, етим, ногирон, оила боқиш ташвишидаги болаларнинг оғир ҳаётига асосий эътиборни қаратишга ҳаракат қилганлар.

Ёзувчининг «Кетиш» (الرحيل - «Ар-раҳил») ¹⁰², «Карлар суҳбати» («الصم حوار» - «Ҳивару-ў-ўами») ¹⁰³ ва «Қадимги ташналик ҳикояси» («القديم الظلم حكاية» - «Ҳикайату-л-ўамā-л-қадими») ¹⁰⁴ тўпламларидаги ҳикояларида воқеликни бадий тасвирлашда, ёзувчининг фалсафий қарашларининг кучайиши кўзга ташланади. Ж.Салим кундалик ҳаётни усталик билан тасвирлаш қудратини аввалгидек сақлаган ҳолда, уни борликни юқори савияда, фалсафий мушоҳада қилиш орқали бойитиб боради. Буларнинг барчаси Ж.Салим ҳикоянавислигининг сифат жиҳатдан ривожланиб, реализмдан неореализм ¹⁰⁵ томон қадам қўйишига асос бўлди.

Ж.Салимнинг янги ижодий босқичда ёзилган ҳикоялар тўпламларида ҳаёт мазмуни, инсон ва ҳаёт, инсон ва ўлим, инсон ва тақдир, инсоннинг руҳий олами, иймон-этиқод ва поклик каби диний-фалсафий мавзулар баён этилган. Адиб инсоннинг

¹⁰² 1970. الحرب الكلب في حاد منشورات دمشق - 3 صص الرحيل. سلام جورج

¹⁰³ 1973. ال تلفة توزار منشورات دمشق - 3 صص الصم حوار. سلام جورج

¹⁰⁴ 1976. الحرب الكلب في حاد منشورات دمشق - 3 صص القديم الظلم حكاية. سلام جورج

мавжудлик моҳияти масалаларига диний-экзистенциализм фалсафаси таъсирида ёндошган. Ж.Салим ижодининг иккинчи даврига оид асарларини тадқиқ этиш жараёнида ҳикояларни мавзу жиҳатдан икки гуруҳга ажратилди:

1. Ҳаёт моҳияти ва инсон тақдири мавзуси: «Поезд», «Кетиш», «Шаҳар четидаги уй», «Саҳро йўлида» («Кетиш» тўплами), «Менинг саҳроим», «Қалъа» («Қадимги ташналик ҳикояси» тўплами), «Ниҳоя» («Карлар суҳбати» тўплами).

2. Маънавий-ахлоқий муаммолар: «Сирли кўнгирок» («Кетиш» тўплами), «Кўтарилиш», («Карлар суҳбати» тўплами), «Қонлар» («Қадимги ташналик тарихи» тўплами), «Циркда» («Кетиш» тўплами).

Бу ҳикояларда ёзувчи ўзининг маънавий изланишларининг рамзий ечимини излайди. Унинг ижодида рамзийлик, мажозийлик кучаяди. Ж.Салим реал воқеаларга ўзининг дунёни англаш борасидаги қарашларини кўчма маънолар, рамзлар, мистик-фантастик унсурлар киритиш орқали ифода этади.

Ж.Салимнинг бадиий изланишлари унга замондош ёзувчилар онгида ва дунёқарашида юз берган маънавий жараёнларнинг умумий ҳолатини акс эттиради. Неореалистик услуб Закарийа Тамер, Гада ас-Самман, Валид Ихлосий ва бошқа шу каби ёзувчиларга ҳам хос бўлган. Уларнинг ижодига асосан неореалистик наслнинг асосий объекти бўлмиш инсоннинг мавжудлик муаммосига оид фалсафий, этик ва эстетик қарашларнинг узвий боғланиб кетиши хосдир.

Жўрж Салим ҳикояларидаги реаллик, борлиқўз аслиятини йўқотмайди, лекин шу билан бир вақтда, уларни яратиш воситалари рамзийлик¹⁰⁶ тусига киради.

Жўрж Салим ҳаёт моҳияти ва инсон тақдири мавзусидаги ҳикояларида инсон ҳаётининг асл мазмун ва моҳиятини, ўлим борлиғи муаммосини ёритишга ҳаракат қилган. Ёзувчи бу масалаларни ҳар бир ҳикояда бошқа ёзувчилардан тубдан фарқ қилган ҳолда, бир-бирига бутунлай ўхшамаган ўзига хос сюжетлар, образлар ва услублар орқали акс эттирган.

Савол ва топшириқлар:

1. Жўрж Салим ижодида реализм тамойиллари.
 2. Адиб ижодида неореализм тамойиллари.
- Мустақил таълим учун топшириқлар:

1. Ж.Салимнинг “Бечора одамлар” ҳикоялар тўпламидаги “Кўр боланинг ўлими” ҳикоясини таржима ва таҳлил қилиш.
2. “Кетиш” ҳикоясида рамзлар талқини.

ЗАКАРИЯ ТАМЕР ИЖОДИ СУРИЯ АДАБИЙ ЖАРАЁНИДА

Дарсинг мақсади: Магистрантларни Замонавий Сурия адиби Закария Тамер ижоди билан яқиндан таништириш

Режа:

1. Закария Тамер ҳаёти ва ижоди.
2. Ёзувчи асарларининг мавзулар кўлами ва услуби.
3. З.Тамер новеллистикасида рамзлар тизими.

Таянч иборалар: неореализм, модернизм, символика, рамз, миф, мифологик образ.

Замонавий Сурия ҳикоянавислигида ўзининг сермаъно ва ўткир қалами, сермаҳсул ва сержило ижоди билан алоҳида ўринни эгаллаган ёзувчилардан бири бўлмиш Закария Тамер жаҳон миқёсида танилган араб ҳикоянависи саналади. Унинг қаламига мансуб асарлар ўзининг чуқур маъноси ва рамзийлиги билан, фалсафий мушоҳада ва мажозга бойлиги билан, ҳам шаклан, ҳам мазмунан, ҳам услубият жиҳатидан бетакрорлиги билан ажралиб туради.

XX асрнинг иккинчи ярмида Сурия адабиётида самарали меҳнат қилган ва ўзининг ноёб асарлари билан Сурия ҳикоянавислиги ривожига ҳисса қўшган адиб Закария Тамер 1931 йилнинг 2 январида Дамашқ шаҳрининг Ал-Баша туманида таваллуд топган. У болалигидан илмга чанқоқ, тиришқоқ ва иқтидорли бўлиб, бадиий адабиётга ёшлигидан қизиқиши катта бўлган. Аммо тақдир тақозоси билан 1944 йили 13 ёшида ўқишни ташлаб, ўз оиласига молиявий томондан ёрдам бериш учун ишга жойлашишга мажбур бўлади. Темирчининг ёрдамчиси, заводда слесар бўлиб ишлаб кўрган З.Тамер мустақил равишда турли-туман китобларни мутолаъа қилишга кўплаб соатлар ажратади. Шу ўринда унинг сиёсат оламига қизиқиши ортиб, кечки мактабда ўқишни давом эттириш мақсадида интеллигенция билан алоқаларни мустаҳкамлашга астойдил интилади. У бетиним қироат билан банд бўлади ва бу

нарса уни, шахсан ўзи бир интервьюсида айтганидек, "тополмаган овозини яратишга" чорлайди.

З.Тамер Сурия аҳолисининг кўп қисмини ташкил қилувчи қашшоқ эркак ва аёлларнинг хомуш ва чегараланган ҳаётини, борлигини ўз ижоди орқали кўрсатиб беришни асосий мақсади деб билади. Кўпгина араб ёзувчилари каби унинг ҳам диққат марказида уруш ва тинчлик, халқ осойишталиги, қоқоқлик ва қашшоқлик, жаҳолат, жамиятни қайта қуриш ва оддий халқ муаммолари туради.

З.Тамер жамиятнинг қуйи табақаларидан чиққани боис араб қашшоқ аҳли ҳаётини яхши ҳис қилган ҳолда ўзининг андуҳли лирик ҳикояларида оддий одамларга нисбатан куюнчақлиги, ҳамдардлиги, улар ғамларига нисбатан бефарқ эмаслигини, аксинча, бу борадаги ўз ташвишларини ифодалайди.

З.Тамернинг адабий фаолияти 1957 йилда бир неча ҳикояларининг Сурия журналларида чоп этилиши билан бошланган. Адибнинг биринчи қўлёзмаси ўша вақтда замонавий араб шеърини тугилишида доялик қилаётган шоир, танқидчи ва "Шеър" журналининг муҳбири бўлмиш Юсуф ал-Ҳол томонидан тан олинади. Ҳикояларнинг бадиий насри ортидаги истеъдод ўша даврда араб тилида ёзилаётган нарсалардан тубдан фарқ қилгани учун Ал-Ҳол уларни нашр эттиришга аҳд қилади. Бу ҳикоялар З.Тамернинг "Оқ отнинг кишнаши" номли биринчи ҳикоялар тўплами бўлди. Тўплам унга китобхонлар ва танқидчилар томонидан обрў-эътибор ҳамда ҳурмат олиб келди.

1960-1980 йиллар мобайнида адиб тўпламининг яхши қабул қилинганлиги муносабати билан "қора ишчилик" фаолиятини ташлаб, бир неча газеталарда расмий муҳаррир лавозимида ишлай бошлайди. Шулар жумласидан "Ал-Мавқиф ал-Адабий" ва "Ал-Маърифат" нашрлари ҳамда "Усама" болалар журналларида фаолият юритади.

З.Тамер 1968 йили Сурияда ёзувчилар уюшмаси тузилишида аҳамиятли ўрин тутган ёзувчидир. У ижрочи бўлимнинг эълон ва нашр бўйича жавобгар шахси сифатида аъзо этиб сайланади ва тўрт йил мобайнида уюшма раиси ўринбосари этиб тайинланади.

1980 йилда Абдурахмон ал-Кавокибий(1849-1902)нинг 1900 йилда ёзилган "Истибоддод характеристикаси" асаридан парчалар

нашр қилдириб, унда ёзувчи зулмкорликни фош қилгани ва халқ оммасини озодликка чақиргани сабабли Сурия Маданият Вазирлиги томонидан чоп этиладиган "Ал-Маъриф" нашриётидан четлатилади. Оқибатда адиб она юрти Сурияни тарк этиб, Англияга саёхат уюштиради. Бу оддийгина саёхат бўлмади. Адиб 1981 йилдан то ҳозирги кунга қадар Ўз юртидан йироқда, Лондон шаҳрида истиқомат қилиб келмоқда.

Бироқ З.Тамер ижодига бўлган қизиқиш у Буюк Британияга кетганидан сўнг ҳам пасаймади. Адиб Ўз асарларида жамият ҳаёти ва мамлакатдаги сиёсий ҳолатни танқид остига олади. З.Тамернинг танқиди рамзий ёки очиқ кўринишда намоён бўлади. Унинг услуби аччиқ сарказм билан кучли ҳужумнинг аралашмасидан иборат бўлиб, ўта қўпол кўринишга эга эмас. Ёзувчи Ўз асарларида ҳаётини араб воқеа-ходисаларини ўрганиб, уларнинг сабабларини ҳал қилишга интилади.

З.Тамер ҳар кунги ҳаётнинг нормал ва таниш қирраларини ўзгача кўринишларда тасвирлаб, оддий ҳолатларнинг нотабий жиҳатларини кўра билади.

Шунингдек, З.Тамер Ўз ижодий фаолияти давомида болалар мавзусига катта эътибор қаратиб, уларга атаб жуда кўп асарлар яратади. У араб оламида асарлари энг кўп ўқилиб, турли тилларга таржима қилинган ёзувчи сифатида таниқлидир.

З.Тамер қаҳрамонларининг олами мураккаб. Уни мутафаккир санъаткор сифатида араб оламининг зиддиятли муаммолари - ижтимоий келишмовчиликлар, шахс эркинлиги, замонавий инсон онгининг кризиси ва бошқалар қизиқтиради. Албатта, З.Тамер бу мавзуларни ёритган биринчи адиб эмас. У яратган асарларнинг бадиияти ва борлиқни кузатиш шакли билан китобхонлар ҳамда мунаққидлар эътиборини ўзига жалб қилади.

Мисрлик танқидчи Сабри Ҳофиз З.Тамер ҳақида "Бу ёзувчи ҳаётдаги ўрнини тинимсиз меҳнат орқали эгаллар экан, дунёга ғалати, ҳайрона кўзлар билан нигоҳ ташлайди, кўпчилик курулмаган нарсаларни кўради. У ҳаётни бошқача, одат тусига киргандан кўра ўзгача мушоҳада этади. Бу -қип-яланғоч, жароҳатли қалб мушоҳадасидир", дейди..

2000 йилда "Муваққаф" Сурия адабий журналининг махсус нашрида З.Тамер ижодига бағишлаб бешта мақола чоп этилади. Улардан бирида Тамер асарларининг жанри ҳақида сўз

бориб, унинг ноёб усул ила матнни бошқариш қобилияти таъкидлаб ўтилади. Яна бир мақола Суриялик адиба ва олима Нодия Хост қаламига мансуб бўлиб, у ўз ўрнида, Тамер ҳикояларида тасвирланган ғалати вазиятлар замирида ётган психологик парадоксни ажратиб кўрсатади. Бу парадокс адиб ижодиётига хос бўлган умумий хусусиятларни, жумладан, фарс ва трагедия, юмор ва жиддийлик ўртасидаги қоришувни кўрсатиб беради.

1981-1982 йилларда З.Тамер "Ад-Дастур" журналида бош муҳаррирлик вазифасини ўтайди. Кейинчалик 1983-1988 йиллар оралиғида "Ат-Тадҳамон" журнали ҳамда "Ар-Риёд Ар-Раисий" нашриётида маданий муҳаррир сифатида фаолият юритиб, 1988-1993 йилларда "Ан-Нақид" журналига бош муҳаррирлик қилади. Шу билан бирга у Лондонда чоп этиладиган жуда кўплаб газета ва журналларга ўз ишларини ҳавола этади.

З.Тамер ижодида "инсонларнинг энг кучлиси ҳам бир кун келиб мол-давлат соҳиби томонидан синдирилиши ва бўйсундирилиши мумкин" деган ғоя асосий ўринни эгаллайди. Ҳикояларида айтишича, юксак инсоний фазилатлардан ҳоли бўлган киши қандайдир сеҳрли сезги ила бировлар устидан ҳукм ўтказишни билади. Бир араб танқидчиси уни Чарльз Дарвинга қийслади. Мунаққиднинг таъкидига кўра, бири одамларнинг маймундан пайдо бўлганини исботлашга уринган бўлса, иккинчиси одамларнинг баъзида маймунга айланиш ҳолатларини кўрсатади.

Кулгу адиб ҳикояларининг компонентларидан бири бўлмасада, адиб ҳар хил ҳаётий вазиятлар туфайли ўз қадрдони ёки ҳўжайини ёки бўлмасам, умуман бегона бўлган шахс томонидан ноҳақ рағбатлантирилиши ёхуд бўхтонлар ичида қолиб кетиши мумкин бўлган ҳолларни майин кулгу остига олади. Кўп ҳикояларида қатнашган жисмонан кучли ва сирли полиция образи "Муҳаммад ал-Маҳмуди билан содир бўлган воқеалар рўйхати" номли ҳикоясида "қора" кулгу билан тасвирланади. Унга кўра, мўмин-қобил, беозор қария ҳатто ўлимидан сўнг ҳам полиция назоратидан қутула олмаслигини тушунади.

Тамер баёнидаги дангаллик ва шиддатлилик у қайта-қайта такрорлайдиган асосий мавзуларни ўзига хос шаклларда етказиб беришда адибнинг энг кучли қуроли ҳисобланади.

Ҳозирги кунга қадар З.Тамернинг 11 та ҳикоялар тўплами, 2 та сатирик мақолалар тўплами ҳамда болалар учун мўлжалланган ўнлаб китоблари нашр қилинган. Қуйида адибнинг ҳикоялар тўпламлари рўйхати келтирилган:

- Оқ отнинг кишнаши (1960)
- Куқунлардаги баҳор (1963)
- Ёнғинлар Дамашқи (1973)
- Йўлбарслар ўнинчи кунда (1978)
- Нуҳ нидоси (1994)
- Кулажакмиз (1998)
- Эх! (1998)
- Етилмаган узум (2000)
- Синган тиззалар (2002)
- Типратикан (2005)

Мазкур тўпламлардан жой олган ҳикоялари кўплаб тилларга таржима қилинган бўлиб, жумладан, "Йўлбарслар ўнинчи кунда" тўплами Денис Жонсон-Девис Квартет томонидан 1985 йилдаёқ инглиз тилига таржима қилинган. 2008 йилнинг июнь ойида эса адибнинг "Синган тиззалар" тўплами инглиз тилида Иброҳим Муҳави томонидан нашр қилинди.

З.Тамернинг яна иккита бошқа тўпламлари ҳам мавжуд:

- Нимага дарё жимжит? (1973)
- Гул қушга дебди (1978)

З.Тамер ҳикояларининг ҳажми кўпинча эртақларни эслатади ва бир томондан соддалиги, иккинчи томондан эса мураккаб ишораларга бойлиги билан машҳурдир. Улар кўпинча ўткир қиррали ва сиёсий, ижтимоий тазйиқ ҳамда эксплуатацияга қарши сюрреалистик нишонларга тўладир. З.Тамер кўп асарларида инсонларнинг бир-бирига нисбатан муносабатида одамгарчилик ҳислатларининг йўқолиб бориши, бойларнинг камбағалларни эзиши ва кучлиларнинг кучсизларга тазйиқ ўтказиши билан кураш олиб боради. Она юрти Сурия, умуман араб оламидаги сиёсий ва ижтимоий зиддиятлар адибнинг ҳикояларида ҳамда сатирик очеркларида ўз аксини топган.

3. Тамер ижодида араб адабий аъналарига хос поэтик рамзлар ҳозирги замон жаҳон адабиёти услублари билан уйғунлашиб кетган. Унинг адабий услубига хос ҳислат сўздаги тежамкорлик ва сиполик, услубдаги изчиллик ва тилининг ифодалилигидир.

"Йўлбарслар ўнинчи кунда" ҳикоялар тўпламидан жой олган ҳудди шу номли ҳикоясида 3. Тамер реал ижтимоий ҳаёт ҳолати орқали пайдо бўлган ўзининг бевосита ҳис-туйғуларини нисбий ва рамзий образлар ёрдамида шаклга салади.

Қафасга тушиб қолган мағрур ва эрксевар йўлбарс билан уни қўлга ўргатувчи шахс ўртасидаги қарама-қаршилик тасвири билан изоҳланадиган бу ҳикоя ҳам ташқи, ҳам ички таҳлилни талаб қилади. Биринчи қарашда йўлбарс, қафас, ҳайвон ўргатувчи ва шогирдларининг оддий реалистик тасвирини кўраётган китобхон, бора-бора персонажларнинг ҳатти-ҳаракатларидаги, айниқса, йўлбарснинг ўзини тутишидаги "ғалати" деталлар ва тасвирлар билан тўқнаш келади. Мана шу "ғалатилик"ни тушуниш мақсадида ўқувчи йўлбарс, қафас, ҳайвон ўргатувчи ва бошқа қаҳрамонлар образида санъаткор онгининг аллегорик ҳамда метафорик тус олганлигини англаб етади.

Қадам ба қадам ёзувчи қафас ичига тушиб қолган кучли ҳайвоннинг ҳатта-ҳаракатини кузатиб борар экан, ташхислантирилган йўлбарснинг

фикрлашида ва хомуш монологларида муаллифнинг ҳавотирланишларни олдини оладиган ҳеч бир ижтимоий ташкилот йўқ бу дунё билан юзма-юз келадиган экзистенциал ваҳимаси яққол кўзга ташланади.

Ҳикояда қафас қарамлик, озодсизлик ва зўравонлик рамзи бўлиб, бошида йўлбарс ўз қироллик нуфузини сақлаб қолиш учун ғурур билан озодликка чиқишга астойдил ҳаракат қилади. "Ҳеч кимнинг йўлбарсга буйруқ беришга ҳаққи йўқ"- дея, қафасдан туриб хитоб қилиб ўз норозилигини билдиради. Ҳар қанақасига ҳайвон ўргатувчисига бўйсунушдан бош тортаётган, баҳайбат ва ўжар, мағрур ва кучли йўлбарс ўн кунлик оч ўтиришдан сўнг мушукдай юввош бўлиб қолади. У нафақат ҳайвон ўргатувчисидан ўзи таом сўрашга, балки энди ўт-ўланларни ейишга ҳам рози, мушукка ўхшаб "миёвлаш"га ҳам

тайёр ва ҳатто ҳайвон ўргатувчисининг қўлидан овқат ейишга қаршилиқ билдирмай, жимгина бош эгади.

Китобхонга ҳайвонларни қўлга ўргатувчи шахс образи зулм ва бюрократик зўравонлик, одамларни ҳур ва озод, бахтли ва осуда ҳаёт кечиришларига ҳалақит берадиган барча нарсалар билан ҳамоҳанг келади. Ҳайвон ўргатувчисининг йўлбарс билан олиб борган ўн кунлик кураши ноҳаққоний ва нотўғридир. Муаллиф қафас ташқарисида қўлида таёқ билан турган ҳайвон ўргатувчисининг пасткашлигини тасвирлашда бўёқларни аямайди. У кучли ва мағрур ҳайвонни нафақат оч қолдиради, балки ҳар кун уни қийнаб, ҳар қанақасига пастга уради.

Ҳикоя якунида аллегориялар ва метафоралар орқали муаллиф ўзини қийнаётган реал муаммо томон китобхонни йўналтираётганини кўрамиз. "Ўнинчи кунда ҳайвон ўргатувчиси ва унинг шогирдлари ҳам, йўлбарсу қафас ҳам кўздан ғойиб бўлишди. Йўлбарс менинг ҳамюртимга, қафас эса шаҳарга айланди" жумлалари билан якунланаркан, якуний хулоса чиқаришни адиб китобхоннинг ўзига қўйиб қўяди.

Ёзувчининг дунёқараши билан тўлиб-тошган адабий рамзларнинг хусусияти шундан иборатки, ёзувчи қаламидан чиқиши биланок, ўқувчиларда ҳар хил талқинларни уйғотиб, мустақил ҳаёт кечири бошлайди. Ҳикоядаги ҳайвон ўргатувчиси образи ўқувчида салбий туйғу уйғотса, йўлбарс образига бўлган муносабат турфа бўлиши мумкин. Бир томондан, киши қалбида ноҳақ вазиятга тушиб қолган йўлбарсга нисбатан раҳм-шафқат ва ачиниш ҳисси туғилса, бошқа бир томондан эса, ўн кун ичида "ҳайвонлар кироли" ўз нафси қулига айланиб, кучли ва салобатли махлуққа хос бўлмаган равишда тез ва осон таслим бўлиб, инсонга бўйсунади. Китобхон ўз ҳаёлида оғир ва шиддатли кураш манзарасини чиза бошлайди ва аянчли олишувни кутади. Ҳаттоки йўлбарснинг ўлимини таҳмин қила бошлайди. Бироқ "яшаш учун кураш" кетаётган бир паллада мағрур ва бакуват ҳайвон энгилади. Ҳаттоки курашмасданок энгилади. Албатта бу ёзувчи нуқтаи назаридан келтирилган фикрдир.

3. Тамернинг борлиқ олдиндан фожеага маҳкумлигини кўрсатиб берувчи муаммони ёритишидаги ғамгин позициясини ҳикоядаги шогирдлар йиғма образи тасдиқлаб

беради. Улар кўзи олдида ўн кун давомида адолатсизлик ва зулм борасида дарс ўтилади, аммо ҳеч бир лавҳада оламоннинг таъсирлангани тасвирланмайди. Ҳикояда улар на қаршилик кўрсата олишга ва на раҳм қилишга кодир абстракт субстанция рамзи сифатида намоён бўладилар.

Ҳикоядаги қафас универсал рамз бўлиб, бу ерда у адибнинг она шахри -Дамашқ тимсоли сифатида намоён бўлади. Аниқ ва очик ҳолда адиб қафасни ўз Ватанига ўхшатади. Йўлбарс эса Тамернинг ҳамюрти, яъни сурияликлар тимсоли, ҳайвон ўргатувчиси билан унинг шоғирдлари давлат ҳокимияти рамзидир. Бу билан ёзувчи ўша даврда Сурияда ҳукм сурган сиёсий ва ижтимоий аҳволга ишора қилиб, жуда ўткир ва нозик мажозий образлар ила реал ҳаётини воқеликни баён қилади.

Ўзининг "Ой чехраси", "Қора сочли Фотиманинг ўлими" ва биз бевосита таҳлил остига олган "Ранда" номли ҳикояларида З.Тамер инсон

атрофидаги оламни фалсафий англаш мақсадида кўпинча экзистенциал кайфиятдан илҳомланган ва таъсирланган. Ёзувчининг поэтик олами мураккаблашади, конкретликдан умумийлик, рамзийлик томон ривож топади, бой ифодавий воситалар маъно ва мазмунга янада аниқлик ва гўзаллик бахшида этади.

З.Тамернинг "Ҳалок бўлаётган чиройли ва ёш Юсуф" номли ҳикояси беозор ва беайб бир болачанинг адолатсиз вазият қурбонига айланиши ҳақидадир. Ҳикоянинг ўзига хос, бетакрор хусусияти шундаки, адиб бош қаҳрамонига Юсуф исмини берар экан ҳамда асар сюжетини яратар экан, бевосита пайғамбарларимиздан бири бўлмиш Юсуф (а.с.) ҳақидаги Қуръону Каримда келтирилган қиссага яққол ишора қилади. Мазкур ҳикояни ўқиб, мағзини чақиш учун, аввало, "Юсуф қиссаси" билан таниш бўлишимиз даркор.

Ҳикояда қашшоқ оиладан чиққан Муҳаммад ва Салим исмли икки безори бола нуфузли ва ўқимишли оила вакили Юсуфга нисбатан ғайирлик ҳисси билан уни алдаб-сулдаб, унинг соддалигидан фойдаланиб, онгли равишда Юсуфни чўктириб юборадилар.

Ҳикоя ранглар рамзи билан ҳам йўғрилган. Муҳаммад билан Салим чизмоқчи бўлган оқ деворли уй эгаси Юсуф улар билан

астойдил дўст бўлишни хоҳлаб, уларга эргашади. Адиб Юсуфнинг портретини чизар экан, унинг уст-боши, бежирим тоза кийими ва сочларининг силлиқ таралганини тасвирлаб, унинг ўзига тўқ оиладан эканлигини, Юсуфнинг ҳатти-ҳракати ва одобидан эса унинг яхши тарбияланганлигини кўрсатади. Икки безори эса Юсуфнинг бутунлай акси.

Мукаддас китобимизда келтирилган "Юсуф қиссаси"даги Юсуфнинг ҳасадкор акалари З.Тамер ҳикоясидаги ўша икки безори бола образларида ўз аксини топади. Асл манбаада акалари Юсуфни ҳар хил ҳийла-найранглар билан саҳрога олиб қочиб, қудукка улоқтирсалар, Тамер ҳикоясида Муҳаммад билан Салим Юсуфнинг сузишни билмаслиги устидан кулиб, уни атайин дарёга тушишга мажбур қилишади. Оқибатда бола чўкиб ҳалок бўлади. Икки бола эса содир бўлган воқеадан ҳечам таъсирланмасдан индамай орқага қайтиб кетишади. Ҳикоя ана шундай ғамгин ва ачинарли оҳангларда яқунланаркан, китобхон қалбида балки Юсуф тирик қолгандир, деган умид пайдо бўлади. Лекин адиб масаланинг бошқа томонига ҳам диққатимизни жалб қилиб, жамиятдаги қуйи ва юқори табақа вакиллари ўртасидаги доимий тўқнашув ва зиддиятларни мана шу образлар орқали моҳирона тасвирлаб беради. Бу ўринда у қашшоқлик ва саводсизлик нақадар хавfli ва аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини баён қилади. Инсониятнинг фаровон ва бахтли ҳаёт кечириши ҳақидаги орзулари ва унинг рўёбга чиқиши ўртасидаги узилиш оқибатида инсондаги яхшилик аломатларини ўлдириб бораётган борлиқни қаттиқ қоралайди ва унга қарши ички кураш бошлайди.

Асар тили ва кайфиятидан адибнинг ўз қаҳрамони Юсуфга нисбатан меҳр кўзлари ва симпатия билан боқиши сезилиб туради. Гўёки унинг ўзи ҳам Юсуфнинг фожеали қисматидан хафа ва аламда. Бироқ ҳамиша аччиқ ҳаёт ҳақиқатини кўрсатишга интиладиган З.Тамер руҳиятида пессимизм устун келади. Агар эътибор билан ёзувчининг ижодини кузатсак, унинг кўп ҳикоялари кутилмаганда фавқулудда вазият билан яқунланади. Бу билан у биз - китобхонларни ҳаётдан, реал борлиқдан узоқлашмасликка ва тақдирнинг турли хил "совға"ларига тайёр туришга чақиради, кучли бўлишга ва теран фикрлашга чорлайди.

3.Тамер замонавий Сурия жамиятидаги мавжуд муаммоларни санаш билан чекланмайди, балки ўз қаҳрамонларининг ички дунёсига чуқур эътибор қаратиш, уларнинг ўраб турган борлиқ билан фожеали ва зиддиятли муносабатларини ёритиш Тамер ҳикояларига хос бўлган ҳислатдир. Ёзувчи доимий равишда персонажларини ўз индивидуал фикр-мулоҳазалари ва қарашлари билан бойитади. 3.Тамер ҳикоянинг баёнчилиқ доирасини фольклор ва диний мотивлар ишлатиш ҳисобига кенгайтиради. Унинг асарларида интертекстуаллик аломатлари намоён бўлади, мажозийлик ва таъсирчанлик кучли тус олади. Шунингдек, кўпчилиқҳикояларининг аниқ белгиланган ечими мавжуд эмас. Ҳикояларнинг ечимини бермаслик, бир томондан, китобхонни мустақил мушоҳадага чорласа, иккинчи томондан, ёзувчи бадий тафаккурининг ўзига хослигини намоён қилади.

Кейинги йилларда Лондоннинг жуда кўплаб газеталарида 3.Тамернинг турли мавзуларга доир мақолалари чоп этилмоқда. Ҳозирги кунда адиб араб мамлакатларида уюштириладиган кўплаб бадий кечаларда ва адабий йиғилишларда қатнашиб келмоқда. Араб ва халқаро адабий конкурсларда жюри аъзоси сифатида иштирок этмоқда.

Шу билан бирга 3.Тамер 2001 йили Султон бин ал-Аъвайс Маданият Фонди томонидан "Ҳикоя, Роман ва Драма" мукофоти ҳамда 2002 йили Суриянинг "Хизматлари учун" ордени совриндори бўлган. 2009 йилда эса Блу Метрополис Монтреал Халқаро Адабий мукофоти билан тақдирланди.

Замонавий Сурия адабиёти тараққиётига ўз хиссасини қўшган адиб 3.Тамер ҳозирги кунда ҳам тиниб-тинчимасдан ижод намуналарини ўқувчиларга ҳавола этишда давом этмоқда. Шу билан бирга адиб Сурия адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиқиб, араб халқини бутун дунёга таништирамоқца.

Демак, XX асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган Суриядаги сиёсий ва маданий ўзгаришлар адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жаҳон адабиёти билан узвий боғлиқликда ривожлана бошлаган замонавий Сурия адабиёти ўзида модернистик аломатларни яққол намоён қилиб, экзистенциализм фалсафаси билан йўғрилди. Мустақилликнинг мамлакатдаги кўп

муаммоларни ҳал қила олмаганлиги ва араб-исроил урушидаги мағлубият ҳалқда пессимизм кайфиятини уйғотди.

Жаҳон адабий жараёнидаги ривожланишлар замонавий Сурия ҳикоянавислигига таъсир этди, мавзулар доираси кенгайиб, фалсафий дунёқараш шаклланди. Ижтимоий мавзу четга ўтиб, инсон, шахс масаласи биринчи ўринга чиқди.

Замонавий Сурия адабиёти шаклланиши мобайнида ҳикоянинг мисли кўрилмаган турлари яратилди. Эпик вазмин, кенг камровли воқеалар баёни ўрнини ўқувчи билан мулоқотга асосланган мураккаб шакллар эгаллади. Ёзувчилар ўз ғояларини турли хил бадиий-ифодавий воситалар орқали баён қилиб, матнга мифологик ва фольклор унсурларни киритдилар.

Ана шундай янгича услубдаги ҳикоялари билан Сурия халқи ҳаётини тасвирлаб берган адиб З.Тамер ҳамиша адолат ва эзилган халқнинг бахтли ҳаёт кечириши тарафдори бўлсада, ҳаётнинг иллатли томонларини очиб беришга ҳаракат қилади. У оламни фожеали қабул қилади ва ҳар бир ҳикоясида инсониятни қийнаётган муҳим ва жиддий муаммолар масаласида бош қотиради. Зиддиятларни тасвирлар экан, уларни олдини олиш кераклигига ишора қилади.

Адибнинг бадиий-субъектив олами жуда бой бўлиб, асарлари ўзининг маънодорлиги, гўзаллиги ва замонавийлиги билан ажралиб туради. З.Тамер ўз асарларида рамзлардан самарали фойдаланар экан, рамзларнинг мазмуний функциясини ўзгартиради.

Адабиётлар:

1. Крачковский И.Ю.Изб.Соч.- Т.: Ш-М-Л.: 1956
2. Крымский А.Е. История новой арабской литературы. XIX начала XX века. Главная редакция восточной литературы.- М,1971.
3. Ходжаева Р.У. Янги давр араб адабиёти тарихи. Т.:2004.

Саволлар

1. Зақария Тамернинг ҳикоялари қайси ғояни илгари суради?
2. З.Тамер ҳикояларида рамзлар семантикаси?

3. 3. Тамер ҳикояларида ранглар рамзиниг моҳияти?

Мустақил таълим учун топшириқ:

“Закария Тамер ҳикоялари – ранглар тили” мавзуида мустақил иш ёзиб келиш.

ҒАДА АС-САММАН ИЖОДИДА СУРИЯ НАСРНАВИСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ

Дарснинг мақсади: магистрантларни замонавий Сурия адабиёти Ғ.ас-Самман ижоди билан яқиндан таништириш, адаба ижодидаги кичик насрий асардан катта ҳажмдаги насрий асарга эволюция мисолида Сурия адабиёти такомиллини кўрсатиш

Режа:

1. Адиба Ғада ас-Самманнинг ҳаёти
2. Ёзувчининг ҳикоянавислик маҳорати
3. Адиба романларининг мавзулар кўлами
4. Ғ.ас-Самман – серқирра ижодкор

Таянч иборалар: психологизм, ички монолог, психологик портрет, ретроспектив сюжет, модернизм, неореализм, экзистенциализм.

Адиба Ғада ас-Самман 1942 йилда Сурия пойтахти – Дамашқда таваллуд топган бўлиб, отаси Аҳмад ас-Самман ўз меҳнат фаолиятини Дамашқ масжидларидан бирида муаззинлик (азон айтувчи)дан бошлайди. Аста-секин поғонама-поғона кўтарилиб, Дамашқ Университетида аввал факультетларнинг бирида декан, сўнгра шу университет ректори, кейинчалик эса Сурия Маориф вазири лавозимларида ишлайди.

1960 йилда, ўн саккиз ёшида, Ғада ас-Самман Дамашқ Университети филология факультети, инглиз адабиёти бўлимини тугатиб, бакалавр даражасини олади. Йигирма ёшида, яъни 1962 йилдан Университетда Инглиз адабиётидан маърузалар ўқий бошлайди.

1964 йилга келиб эса, ёш адиба Байрутда Америка университетига ўқишга киради ва филология магистри даражасини олиш учун таълимни бошлайди. Бу орада “Дар ат-талиъа” нашриёти уйининг соҳиби доктор Башир ад-Дауқга турмушга чиқади, кейин эса унинг ёлғизгина ўғли Ҳазим дунёга келади (Муаллиф “Ғариблар туни” (Лайлул ғурабаа” (ليل الغرباء) тўпламидан икки ҳикоя қаҳрамонига унинг номини берган).

Диссертация устида ишлаш ва унга тайёрланиш учун ёш олима Лондонга қараб йўл олади. Лондонда бир қанча вақт истиқомат қилиб, докторлик диссертацияси устида ишлайди. Кейин эса, Париж, Женева ва бошқа Европа шаҳарларида бўлади. Ватани бўлмиш Сурияда эса унинг бу ўзоқ йиллари чўзилган сафарини жиноят ҳисоблаб – ўз хизмат вазифасини вақтида ўтамаганликда қоралаб – бир неча ойга қамок жазосига маҳкум қиладилар. Шу тариқа Сафар – эмиграцияга айланиб кетади: мана қирқ йилдир-ки, Гада ас-Самман Сурияга қайтиб бормаган.

Гада ас-Самман ёшлигидан француз, инглиз тилларини мукамал даражада билган. Болалигида Куръони Каримни ёд олган. Унинг дунёвий ва диний билимлар соҳиби эканлиги асарларида ҳам ўз аксини топган. Гада ас-Самман авваламбор, аёл бўлганлиги сабабли, қолаверса, зиёли қатлам вакили сифатида аёллар ва уларнинг жамиятдаги ўрни борасида кўп ёзади. Европада ўзоқ муддат истиқомат қилгани ва Ғарб турмуш тарзининг ҳам гувоҳи бўлгани сабабли, бу адиба вазиятга ҳам шарқона, ҳам ғарбона назар билан қарайди. Илмий тил билан айтганда, у маданият маргинали – яъни икки- Шарқ ва Ғарб маданияти туташган нуктадир. У ўз асарларида араб дунёси учун оғриқли ва муҳим бўлган масалалардан – аёлларнинг замонавий дунёдаги ўрни, бугунги кундаги уларнинг мавқеи ва кадр-қимматини ёзади. Адиба нафақат араб аёлларининг араб дунёсидаги ўрни, балки дунё аёлларининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳақида фикр юритади. У хорижда бўлган вақтида бошқа миллат аёлларининг ҳам муамолари билан танишди. У аёлларнинг қанчалик “Нозик хилқат” эканликларини, ҳимоясиз, меҳр-муҳаббат ва хатто кези келганда эътиборсиз қолаётганликларининг гувоҳи бўлади. У бугунги кун аёли бахтли бўлиши учун кучли, иродали, ақлли бўлиши керак ва асло ўзлигини йўқотмаслиги лозим дейди, ва ана шундагина у чинакамига эркин ва бахтли бўла олади, деб ҳисоблайди. У ана шундай аёллар ҳақида ёзади. Унинг қахрамон аёллари ҳаётда қийналган, руҳан эзилган, ёлғиз ҳаётнинг энг мураккаб вазиятларида қора кунларини бошдан кечираётган инсонлардир. Уларнинг кўзларига дунё қоронғу, тор бўлиб кўринади, атрофда одамлар кўп, лекин уларнинг ўз дунёси бор, бу дун кимсасиз дунёдир ва улар ўз дунёларида ёлғиздирлар. Ёзувчи

қахрамонларни ана шундай вазиятларда ортга чекинмасликка, таслим бўлмасликка, ўзлигини сақлаб қолишга ундайди. Чунки Гада ас-Самман фикрича, бугунги кун аёли Бобил маликаси Семирамида, Яман маликаси Савская, Сурия маликаси зенобия, мисрлик бетакрор Клеопатра каби адоғи йўқ афсонавий аёлларнинг тенг ҳуқуқли вориси деб биледи. Унинг поклиги ва мардлиги эса –Сайида Ҳадича, Фотима ва Сокина (р.а) оналаримиздан меросдир. Шу сабабли ҳам адиба инсонга “қайта тарбия”ни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У инсонни ҳистуйғулар оламида энг юксак чўккига кўтарилишини, “ҳиммат ва яхшилик уфқига етишнинг, ёрқин мафқуралар ва идеалларга бой ҳаёт кечиришини истайди. Шу сабабли ҳам мунаққидлар ва ҳамкасблар уни бугунги кун китобхони учун “сюрприз” деб атайдилар”.¹

Бадий асар қайси тарзда, қайси йўналишда ёзилмасин, одамларни тарбия қилишга, яъни яхшилик сари бошлаб, ёмондан қайтаришга хизмат қилиши лозим. Гада ас-Самман ўз асарларини ана шундай мақсадда ёзади. У ўз асарлари орқали аёлларни ҳаётга, яшашга ундайди, инсонлар қалбига кириб боради ва айнан улар қалбини ўзларига очиб беради. У қахрамонларининг қалбига назар солади. У ҳеч бир қахрамонининг портретини яратмайди, ёшига ҳам тўхталиб ўтмайди. У инсон қалбини, ички дунёсини чизади. Қалбнинг эса ёшу қариси бўлмайди.

Араб оламининг машҳур шоири Низар Каббани адибани “Насрнавилик шоираси” деб атайди. Машҳур Миср ёзувчиси Юсуф Идрис эса “мислсиз чиройли араб тили соҳибаси” деб, унинг асарларини “аёллар адабиётида революция” дейди.¹

Гада ас-Самманни биз “Жасур адиба” деб атасак, янглишмаган бўламиз. Чунки у жисмоний муҳаббат, бокиралик, аёлнинг аёлга нисбатан нотабиий муҳаббати каби мавзуларда тортинмай ёзади. У аёлларнинг севишга, севилишга ҳаққи бор эканлигини, уларда ҳам худди эркаклар каби кўнгил ихтиёр соҳиби эканликларини таъкидлайди ва аёлларнинг жинсий озодлиги учун курашади. Шу сабабли ҳам бир қанча араб мамлакатларида унинг асарлари можароларга сабаб бўлди ва таъқиқланди. Аммо шунга қарамай, унинг асарлари Ғарбу Шарқда катта қизиқиш билан ўқилмоқда. Деярли барча асарлари инглиз, француз тилларига таржима қилинган. Унинг ижоди ва

асарлари бўйича диссертациялар ёзилиб, Гада ас-Самман ижоди машҳур инглиз ёзувчиси Виржиния Вульф ва француз адибаси Симоне де Бовуар билан қиёсий таҳлил қилинмоқда.¹

. 1962 йилда у ўзининг биринчи ҳикоялар тўпламини нашр эттиради ва уни “Сенинг кўзларинг – менинг тақдирим” (عيناك قنرى “Айнаак қадри”) деб номлайди. Бир йилдан сўнг эса “Байрутда дарё йўқ” (“لا بخر في بيروت”) – “Ла бахр фи Байрут”) номли иккинчи ҳикоялар, 1966 йилда учинчи “Ғариблар туни” (“ليل العرباء”) – “Лайлул Ғурабаа”) ҳикоялар тўплами нашр эттирилади. Кейин эса турмушга чиқади, фарзандли бўлади, диссертация ёзиш учун Англияга кетади, сўнгра Париж, Женева....кўрган, гувоҳи бўлган ҳодисалари ва таассуротлари тўртинчи “Эски бандаргоҳлар билан ҳайрлашув” (“رحيل المرافئ القنيمه”) – “Ар–рахил ул марафилл қадима”) номли ҳикоялар тўпламидан ўрин олади.

Ҳаётий тажрибасининг ортиши, Европа ҳаёти билан танишиши, ижодий тафаккурининг бойиши ва бир неча романлардан кейин 1994 йилда навбатдаги ҳикоялар тўплами “Квадрат ой” (“Ажойиботлар ҳақида ҳикоялар”) нашрдан чиқади.

Новеллистикадаги 12 йиллик фаолиятдан сўнг ўзининг биринчи романи “Байрут75” (“بيروت - 75”) ни нашр эттиради. Бир йилдан сўнг иккинчи романи “Байрут даҳшатлари” (1975) дунёга келади. Бу икки роман адибага катта шуҳрат олиб келади. “Байрут 75” романи 1975-1989 йилларда Ливанда бўлиб ўтган уруш арафасида ёзилган бўлиб, танқидчилар фикрича, узок давом этган конфронтацияга олиб келган воқеаларнинг ривожига сабаб бўлган. “Байрут даҳшатлари” романи эса қайсидир маънода аввалги романининг давомидир. Бу романда ёзувчи бевосита гувоҳи бўлган Ливандаги ҳақиқатли ҳолатлар акс этган. Бу кўрқинчли ҳодисалар вақтида адибанинг Байрутдаги уйи ёниб кетади, уйи билан бирга эса кўплаб қўлёзма ва бошқа нашрий асарлари йўқ бўлиб кетади.

Уруш йилларида адибанинг учинчи романи дунёга келади. - «Миллиард туни» (1984), 1997 йилда эса тўртинчи романи – “Абсурд роман. Дамашқ мозаикаси”. 2003 йилда роман жанридаги яна бир асари - «Ўликлар маскаради» (ёхуд “Байрут ақлсизлиги мозаикаси”) нашр этилади. Бу романда ёзувчи реалистик план билан фантазмагорияни моҳирона уйғунлаштириб юборади. Роман воқеалари янги мингйиллик

арафасида содир бўлади. Муаллиф бу романни «ғайритабиий нарсалар» ёзишдаги биринчи уринишим, деб изоҳлайди. Романдаги воқеалар янги минг йилликни кутиб олишдан аввал бўлиб ўтади. Муаллиф хоҳишига биноан, роман қаҳрамонлари ўз калбларини ниқобсиз холда кўрадилар.¹

Ғада ас-Самман серқирра ижодкор бўлиб, ўндан ортик публицистикага оид асарлар ҳам ёзган: «Шайтон қўлида чўмилиш», «Ғаданинг нигоҳи кўзатмоқда», «Мутолаага берилган фуқаро аёл» ва бошқалар. Ушбу публицистик асарларнинг бари «туғалланмаган асар» тўпламига жамланган. Ундан адибанинг интервьюлари, турли масалаларга оид мақолалари, «денгиз орти тафсилотлари киритилган шахсий таржимаи ҳоли, адабий танқидий асарлари ўрин олган. Бир актли пьеса ҳам ёзган - «Тошқин». У ёшлигида отасининг уйида меҳмон бўлган йирик адабиётчи олимлар ва ёзувчилар ҳақида сўзлаб бериб, мемуар адабиётга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Таха Хусайн билан бўлган суҳбати ҳақидаги хотиралари айниқса, аҳамиятга молик.

“Мутолаага берилган фуқаро аёл” адабий танқидий мақолалар тўпламида эса, жаҳондаги замонавий адабий оқимларга оид қарашлари баён этилган. Унинг ўзи ҳам экзистенциализм соҳасида фаолият юритган.

Шунингдек, бир қанча шеърий тўпламлари ҳам мавжуд: “Муҳаббат” (“الحب” “Алхуббу”), “Мен сенга муҳаббат эълон қиламан” (“اعلن عليك الحب”) “А'ланту алайкал хубб”) ва бошқалар.

Ғада асСамман ижодий фаолиятини эрта бошлаган адибалардан бўлиб, мана салкам ярим асрдан бери ўз ижод намуналари билан ўз ўқувчиларини хурсанд қилмоқда. Дунёнинг турли бурчакларида унинг мухлислари ҳар янги ижод намунасини оламолам қувонч билан кутиб олмоқдалар. Адиба ўзи улғайган сари унинг асарлари ҳам ўсиб бормоқда. Унинг деярли барча асарлари француз ва инглиз тилларига таржима қилинган.

Адабиётлар:

1. Шуйская Н. Поэтесса рассказа из Сирии. // Азия и Африка сегодня. №2, 2005. –С. 63.

2. Крымский А.Е. История новой арабской литературы. XIX начала XX века. Главная редакция восточной литературы.- М,1971.

3. Ходжаева Р.У. Янги давр араб адабиёти тарихи. Т.:2004.

Саволлар

1. Гада ас-Самманнинг ҳикоянавислик маҳорати.

2. Гада ас-Самманнинг романнавислик маҳорати

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар:

Ғ.ас-Самманнинг ҳикояларида аёл ва замон муаммоси.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Сурия ёзувчилари ушмаси вакилларининг ижоди ўқиб ўрганиш.
2. Закарийя Тамер ижодида символизм.
3. Жўрж Салим ижодида неореализм.
4. Гада ас-Самман ижодида аёллар мавзуси.
5. Маваҳиб ал-Қайали ижодида деҳқонлар мавзуси.
6. Сурия ёзувчилари ушмаси вакиллари ижодида миллий-озодлик ҳаракатлари мавзуси.
7. Журжи Зайдоннинг «Фаргона келини» романини таҳлил қилиш.
8. Сурия-Америка мактаби вакиллари ижоди.
9. Гада ас-Самман ҳикояларида психологик таҳлили маҳорати.
10. Закария Тамер ҳикояларининг бадиияти.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

7. Акбарова М. Х. Очерки истории арабской литературы нового времени. Т., 2001.
8. Акбарова М. Х. Сирийский рассказ. Т., 1975.
9. Долинина А. А. Очерки истории арабской литературы нового времени. В 2-х частях. Ч.1. М., 1968, Ч.2. М., 1973.
10. Арабская романтическая проза XIX-XX веков. Л., 1981.

Қўшимча адабиётлар:

11. Крачковский И. Ю. Изб. Соч. Т.3. М.-Л. 1956.
12. Литература Востока в новейшее время. М., 1977.
13. Хализев В. Е. Теория литературы. М., 2005.
14. Ханна аль-Фахури. История арабской литературы. Т. 1-2. М. 1959, 1961.

Интернет сайтлари:

1. <http://dir1.bigfeed.ru>
2. www.school.edu.ru
3. <http://books.26.ru>

4. <http://bspu.ab.ru>
5. <http://000.labar.ru>
6. <http://www.imli.ru>
7. <http://knigi.alhademic.ru>

ГЛОССАРИЙ

Сурия Ёзувчиоар уюшмаси – 1951-1958 йиллар давомида Сурияда фаолият юритган адиблар уюшмаси, улар ижоди араб адабиётида реалистик методнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган

Экзистенциализм – бу фалсафий қараш бўлиб, унга кўра инсон хаосли (тартибсиз) дунёда ёлғиз бир ўзи ўлимига ҳар бир яшаган кунни яқинлашмоқда ва ҳаётида масъулият фақат ўзига тушади, бошқа ҳеч ким уни на ҳаёти учун масъулиятни ўз зиммасига олмайди.

Рихла — сафарнома

Янги мавж – Мисрда XX асрнинг 60- йилларида пайдо бўлган адабий оқим, “Янги мавж” намоёндалари кўпроқ жамиятни эмас, балки шахсни асосий ўринга чиқаришга уринишган ва шу туфайли бу даврдаги бадиий тасвир воситалари, услуб ва ҳикоянинг композицион шакллари ҳам ўзгариб борди. Тасвир объектида оламда шаклланган инсон эмас, балки инсон онгида унинг ҳиссиётлари орқали шаклланган олам ҳақидаги тушунча асосий ўринга чиқади.

Ал-расаил-ал-ихвания — биродарлик ёзишмалари

Адабий йўналиш-адабий жараён билан боғлиқ категория. Бу тушунча ҳаётни бадиий акс эттириш принциплари, метод, услуб тушунчалари билан бевосита боғлиқ, у бадиий тафаккур тарзи, метод, кслкб кесишга нуқтада юзага келади.

Адабий оқим- муаян давр адабиётидаги адабий йўналишнинг бир кўриниши, ўзига хос бир йўналиш.

Бадиий образ - адабиёт ва санъатнинг фикрлаш шакли, олам ва одамни бадиий идрок этиш воситаси, бадииятнинг умумий категорияси. Луғавий маъносида ҳар қандай аксни билдирувчи "образ" сўзи турли фан соҳаларида (фалсафа, психология) муайян терминологик маънода қўлланади. Жумладан, эстетика ва адабиётшунослиқда у "бадиий образ" маъносида тушунилади. Б.о. де-ганда, борлиқ (ундаги инсон, нарса, ҳодиса ва ҳ.)нинг санъаткор кўзи билан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта ишланган ак-си тушунилади. Албатта, бу аксда борлиқнинг кўплаб таниш излари бор, бироқ энди у биз билган борлиқнинг айнаи ўзи эмас,

балки ун-дан шартлилик асосида ажралган янги мавжудлик - бадий борлиқдир. Худди шу ҳол Б.о.ни объектив ва субъектив ибтидолар бирлигига айлантиради.

Б.о.нинг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг *кўп маънолили-ги* бўлиб, бу унинг *метафориклиги* ва *ассоциативлиги* билан бел-гиланади. Б.о.га хос "метафориклик"ни "ўхшашлик" билангина боғлаб қўймаслик лозим. Яъни "метафориклик" деганда, Б.о.нинг бир нарса моҳиятини бошқа бир нарса орқали очишга интилиши, санъатга хос фикрлаш йўсини тушунилади. Чинакам санъаткор нигоҳи моҳиятга қаратилади, у нарса-ходисалар орасидаги ташқи ўхшашликка эмас, нигоҳимиёдан яширин ички ўхшашлигига таяниб

мазмунни ифодалашга хизмат қилади.

Диалог – икки ёки ундан ортиқ шахс орасидаги узлуксиз нутқ шаклларида бири. Драмада диалог драматик ҳолатни ривожлантирувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Дидактик адабиёт – ахлоқий-таълимий характерга эга бўлган бадий асарлар.

Драма - инсон характери ва тақдирини драматик вазиятда кўрсатувчи, ҳаётнинг мураккаб дамларини қаҳрамонларнинг амалиёти – ҳаракатлари ваоситасида ифодаловчи сахна асари. Драма атамаси икки маънода – бири адабий тур, иккинчиси драматик жанр маъносида ишлатилади. Драманинг қаҳрамони ҳаётнинг ўзи бўлиши керак. Лекин драма эпик характерда бўлишига қарамай, унинг шакли юқори даражада драматик бўлиши лозим. Драматизм фақат суҳбатда эмас, булки гапирувчиларнинг бир-бирига нисбатан ҳаракатидадир. Драмада муҳим нарса – узундан-узук ҳикояларнинг йўқ бўлишидир, ҳар бир сўз драмада ҳаракат – амал билан ифодаланиши лозим.

Комедия – ижтимоий ҳаётнинг айрим жиҳатларини ва кишилар ҳаётидаги, характеридаги нуқсонларни, эскилик сарқитлари, қоқоқлик ва бошқаларни масҳара қилиш, улар устидан хушчақчақ кулиш руҳи билан йўғирилган пьеса. Комедиядаги коллизия, ҳаракат ва характерлар кулгули тусда бўлади ёхуд комик руҳ билан чуқур суғорилади. Ҳаётда ўз ижтимоий мавқеини сақлаб қолиш учун курашаётган, аммо аслида умри тугаб бораётган ижтимоий қарашлар ва маънавий-ахлоқий тушунчалар ўртасидаги ҳаётий зиддият комедиянинг

конфликтини ташкил этади. Муайян ижтимоий-сиёсий тизимнинг инқирозга юз тутиши ва тараққийпарвар кучлар фаолиятининг фаоллашуви тақозаси билан бадий адабиётда комедия жанри туғилган. Чин бадий комедиянинг асосида энг чуқур юмор ётади.

Миф – миф, асотир, ривоят, ҳикоя, масал. Халқ оғзаки ижодининг энг қадим даврларида пайдо бўлган, воқелик (олам) ҳақидаги тасаввурларни конкрет образлар воситасида акс эттирувчи ровиявий асарлар.

Мифологик образлар – асотир образлар. Санъат ва адабиётда мифология негизида яратилган образлар бўлиб, улар реалистик асосларга эга, яъни вқеликнинг фантастик тасвири ва халқ орзу-умидларининг бадий ифодасини ташкил этади.

Монолог – бадий асрда иштирок этувчи шахсларнинг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган нутқи.

Мунозара - тортишув, фикр олиш маъноларини билдиради. Поэтик атама сифатида эса форс-тожик ва ўзбек поэзиясида маълум жанрнинг номидир. Мунозарада турли нарса, ҳодиса, тушунча, ҳолат ва бошқалар конфликтга киришади. Образлар кўпинча рамзий моҳият касб этиб, мунозара қиладилар. Мунозара насрда ҳам, назмда ҳам ёзилиши мумкин. Мунозара қиссадан ҳисса чиқариш ёки муаллифнинг асар асосида ётган масала юзасидан чиқарилган хулосаси билан яқунланади

Новаторлик – адабий жараён билан боглиқ категория, адабий жараёнда анъана билан ҳар вақт диалектик алоқада мавжуд бўлган ҳодиса, адабиёт тараққиётининг муҳим ички омили, бадий тафаккур ривожига сезиларли таъсир ўтказиб, кейинчалик анъанага айланувчи муҳим бадий-эстетик янгилик.

Памфлет – публицистика жанри, аниқ бир шахс ёки ижтимоий тузилма (тузум, партия, ҳаракат, гуруҳ ва б.) ни кескин фош этиш мақсадига қаратилган кичик ҳажмли асар.

Публицистика – ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ёритадиган барча турдаги асарлар: публицистик мақолалар, очерк, памфлет, муружаатнома, прокламация, фельетон ва ҳ.к.

Рамзийлик – тушунча ва ҳис-туйғуларнинг шартли белгилар, рамзлар ёрдамида ифодалаш.

Таклид – адабиётда ўзигача мавжуд бўлган асар хусусиятларини қайта яратиш, ижод амалиётида у ёки бу санъаткорга эргашиш тарзида намоён бўлувчи ҳадиса.

Трагедия – қаҳрамонларнинг руҳий коллизияси (бир-бирига зид бўлган манфаат ва интилишларининг тўқнашуви) га асосланадиган, гоътада жўшқин, эҳтиросли, таъсирли ва оқибати фожиа билан тугайдиган драматик жанр. Трагедия муросасиз кураш, гоътада ўткир зиддият, фавкулдда кескин конфликт заминига курилади. Унда характерлар ва эҳтиросларнинг ҳаёт-мамот кураши ифодаланади. Трагедиянинг ижтимоий-сиёсий, гоъвий ёки психологик конфликтда кўплаб кишилар қисмати кўрсатилади. Конфликтлар миллий ҳодисаларга бўлнб қолмасдан, балки умумбашарий характерга ҳам эга бўлади. Бундай асарларда, одатда, йирик тарихий фожиалар, даврларнинг алмашинуви каби улкан ҳодисалар тасвирланади. Трагедияда кўпинча ҳақиқат ва адалат учун курашган буюк инсонларнинг фожиаси берилади. Трагедиянинг қаҳрамонлари, одатда, улуғвор фавкулдда характерли одамлардир. Трагедияда инсон қалбининг ранг-баранг томонлари, ҳаётнинг нурли ва фожиали ҳодисалари гоътада ёрқин очиб берилади. У ҳаётдаги шиддатли, қайғули, мунгли воқеаларни акс эттиради.

Авангардизм – шартли равишда модернистик адабиётнинг бир қатор оқимларига хос бўлган хусусиятнинг умумий номи сифатида қўлланувчи атама. Яъни Авангардизм адабий жараёндаги муайян бир йўналиш ёки оқим эмас, балки бир қатор оқимларга хос хусусият, яна ҳам аниқроғи, модернизмнинг кескин, радикал қанотидир.

Адабий танқид – адабиётшуносликнинг асосий соҳаларидан бири, ҳозирги адабий жараён муаммоларини ўрганиш, янги пайдо бўлган асарларни бугунги кун нуқтаи назаридан гоъвий-бадиий таҳлил ва талқин этиш, баҳолашни мақсад қилиб қўяди.

Антология – бирор миллий адабиёт, давр, адабий йўналиш ва шу қабиларга мансублиги жиҳатидан танланган ижодкорлар асарларидан намуналарни жамловчи тўплам.

Миф – миф, асотир, ривоят, ҳикоя, масал. Халқ оғзаки ижодининг энг қадим даврларида пайдо бўлган, воқелик (олам) ҳақидаги тасаввурларни конкрет образлар воситасида акс эттирувчи ровиявий асарлар.

Мифологик образлар – асотир образлар. Санъат ва адабиётда мифология негизида яратилган образлар бўлиб, улар реалистик асосларга эга, яъни вրқеликнинг фантастик тасвири ва халқ орзу-умидларининг бадий ифодасини ташкил этади.

Монолог – бадий асрда иштирок этувчи шахсларнинг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган нутқи.

Мунозара - тортишув, фикр олиш маъноларини билдиради. Поэтик атама сифатида эса форс-тожик ва ўзбек поэзиясида маълум жанрнинг номидир. Мунозарада турли нарса, ҳодиса, тушунча, ҳолат ва бошқалар конфликтга киришади. Образлар кўпинча рамзий моҳият касб этиб, мунозара қиладилар.

Мунозара насрда ҳам, назмда ҳам ёзилиши мумкин. Мунозара қиссадан ҳисса чиқариш ёки муаллифнинг асар асосида ётган масала юзасидан чиқарилган хулосаси билан яқунланади

Публицистика – ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ёритадиган барча турдаги асарлар: публицистик мақолалар, очерк, памфлет, мурожаатнома, прокламация, фельетон ва ҳ.к.

Рамзийлик – тушунча ва ҳис-туйғуларнинг шартли белгилар, рамзлар ёрдамида ифодалаш

Фабула – асар воқеаларининг мантикий жиҳатдан узвий боғлиқликдаги яхлит силсиласи.

Фельетон – бадий-публицистик жанр, долзарб мавзуда ёзилган танқидий руҳдаги, кўпинча ҳажвий-сатирик йўналишдаги асар.

ҚАЙД УЧУН

ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
СІРІ АҚПАРАТ

ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ

СІРІ АҚПАРАТ

ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ АРМАНИА
ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ АРМАНИА

ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ АРМАНИА
ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ АРМАНИА

Техник муҳаррир:
Компьютер таҳрири:

М.М. ЗАРИФОВ
Д.У. АРИФЖАНОВА

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент давлат шарқшунослик институти Ўқув-услубий кенгашида қўриб чиқилган ва нашрга тавсия қилинган (11 июнь 2009 йилдаги 4- сонли баённома)

Нашрга рухсат берилган 11.06.2009.
Формат 60x84 ¹/₁₆ Шартли б.т. 10,5 Тираж 50. Заказ № 6
Тошкент давлат шарқшунослик институти мини-нашриётида чоп
этилган. Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2009

